



А.П. Рогова

ЭРКАКЛАР
ВА БОЛАЛАР
УСТКИ
КИНИМИНИ
КОНСТРУКЦИЯЛАШ
АСОСЛАРИ

КИРИШ

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини күпайтириш, тикилган буюмлар, жумладан, кийим-кечаклар ассортименти структурасини янада такомиллаштириш, сифатини яхшилаш, тикувчилик тармоғини жадал ривожлантириш хисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларини илгари сурди.

Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун Енгил саноатнинг тикувчилик тармоғига қарашли корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва қайта қуриш, янги комплекс-механизациялаштирилган жараёнларни, янги техника ва илгор технологияни жорий этиш, янги материаллар, хусусан қистирмабоп материаллардан фойдаланиш, шу билан бирга технологик жараёнларни автоматлаштириш учун кийим деталларининг контурларини, база конструкцияларни унификациялаш ишларини йўлга кўйиш талаб қилинади.

Тайёр кийим юқори сифатли ва уни тикиш (ишлаб чиқариш) иккисодий жиҳатдан самарали бўлиши учун кийимни лойиҳа-лаш вақтидаёқ бунга замин яратилади. Тикувчилик саноати ходимлари айни шу боисдан лойиҳалаш вақтида бўлғуси буюннинг сифатини яхшилаш имкониятларини изблайдилар ва топишга ҳаракат қиласидилар.

④ Кийимни конструкциялаш уни лойиҳалашнинг энг муҳим қисми ва муракқаб ижодий иш бўлиб, бадиий конструкторлик ҳамда техник вазифаларнинг ечимини қамраб олади.

Кийимни конструкциялаш деганда, одатда, кийимни ташкил этадиган деталлар ва материаллар комплекси, шунингдек, уларни ўзаро улаб-тикиб, муайян размердаги ва формадаги яхлит буюм ҳолига келтириш усуллари, воситалари тушунилади (1).

Турли хил ва моделли кийимнинг конструкцияси уни ва

тикиш технологиясининг такомиллашувиға ҳамда модага қараб ўзгариб туради [2]. Бу ҳол янги моделдаги кийим конструкциясини ишлаб чиқиши бирмунча мураккаблаширади. Ишни енгиллаштириш учун типавий ва база конструкциялардан кенг фойдаланилади.

Кўплад ишлаб чиқариладиган кийимларни конструкциялашда фан ютуқларига ва конструкциялаш соҳасида орттирилган кўп йиллик тажрибаларга таянилади, шунингдек, амалий антропология, материалшунослик, кийим тикиш технологияси, кийим гигиенаси каби ўзаро яқин фанлар соҳасида ҳамда тикувчилик корхоналарида ишни ташкил этиш ва тежамкорлик борасида эришилган ютуқлардан фойдаланилади. Шу мақсадда замонавий математик методлар ва электрон-ҳисоблаш машиналари — ЭҲМ лар тобора кўпроқ қўлланимдоқда. Ҳозирги мавжуд ЭҲМлар кишининг гавдасини ўлашиб ўли билан олинган маълумотларни ишлаб чиқиш, андаза деталларининг жуда кўп ҳисоблаш параметрларини инобатга олиш, мураккаб ҳисобларни очиш ва турли-туман асбоблар ёрдамида графиклар ясаш [2] имкониятини туғдиради.

Кийимни лойиҳалаш вақтида ЭҲМ лардан фойдаланилса, ЕСҚД (Конструкторлик ҳужжатлари ягона системаси) да кўзда тутилган лойиҳалаш ишларини тартибга солиши осонлашади. ЕСҚД конструкторлик ҳужжатларининг маҳаллий системалари сонини камайтиришга, ҳужжатлар рўйхатини баркаорлаштиришга, конструкторлик ишларини механизациялаштиришга, замонавий кўпайтириш техникасини қўллашга, ҳужжатларни рўйхатга олиш ва сақлаш ишларини тўғри ташкил этишга ёрдам беради, ҳужжатларнинг адаштириб юборилишининг олдини олади, конструкциялаш ишларини оқилюна ташкил этиш ва ишлаб чиқариши ЭҲМ лардан фойдаланиладиган қилиб тайёрлаш имкониятини туғдиради.

ЕСҚД да янги форма ва янги конструкциядаги кийимларни лойиҳалашнинг беш босқичи кўзда тутилган. Кийимни стандарт жуссага мўлжалланган андаза бўйича (типавий) лойиҳалашда босқичлар сони учдан ошмайди; автоматлаштирилган тарзда лойиҳалашда эса япа уч босқич — ЭҲМ га киритиш учун алгоритм ишлаб чиқиши босқичи; программа тузиш босқичи; бошланғич ахборотлар босқичи қушилади.

Ўн иккинчи ва ундан кейинги беш йилликлар ишлаб чиқариши интенсивлаш ва унинг самарадорлигини ошириш беш йилликлари бўлади. Кийим-кечакни лойиҳалаш вақтида конструкциянинг технологик (ишлов бериш) жиҳатдан қулалиги (технологичность) асосий самарадорлик элементи ҳисобланади. Технологик қулалилк деганда, буюм конструкциясининг сифат қўрсаткичларидан бирини ифодаловчи хоссалари мажмуи тушунилади. Кийимнинг технологик жиҳатдан қулали конструкцияси истеъмолчиларининг ҳамда корхонанинг талабларига жуда мос келади, кийим деталларига технологик ишлов бериш ва уларни йиғишнинг энг мураккаб методларидан фойдаланиш имкониятини туғдиради. Конструкция-

нинг технологик қулайлигига эришишда лойиҳалаш босқичларининг ҳаммаси ўз улушкини қўшади.

Кийимни лойиҳалашда ҳал қилинадиган асосий масалалар форма ва уни ҳосил қила билишдан иборат. Ҳозир кийимлар асосан тўқилган газламадан, трикотаж, чарм, мўйна ва бошقا материаллардан тикилади. Кийимга форма бериш усуллари ишлатиладиган газлама (материал)нинг хоссаларини назарда тутиб танланади [3]. Замонавий кийимларга ясси тўқилган материаллар, хусусан форма ҳосил қилининг учта асосий методини ва уларнинг комбинациясини қўллашга имкон берадиган газламалар ишлатилади (11-расм).


Кийимнинг формаси конструкция бўйича, яъни уни қоматга ва гавданинг ўлчамларига мос келадиган деталь (бўлак) ларга бўлиш йўли билан ҳосил қилинади. Юзанинг этрилик радиуси кичик бўлган ҳолларда андазага қўшимча конструктив элементлар киритилиши лозим, буидай элемент, кўпичча, витачкадан иборат бўлади.

Газламанинг драпланувчанилиги ва турсимон тузилишдаги материалнинг сирпаничилик (ҳаракатчанилик) хоссасига асосланаб кийимга шакл бериш, яъни форма ҳосил қилиш методи кийимларни бичиб тикиш усуллари келиб чиқишиндан олдин қўлланилган. Тўрсимон тузилишдаги газламанинг сирпаничилиги аниқроғи, ҳаракатчанилигидан аслида «қиясига бичиш» усулида кент фойдаланиллади. Бироқ кийимни кийган вақтда материалнинг танди па арқоқ иплари орасидаги бурчаклар эгри юзаларда қайта тақсенимланиб узаро мос ҳолда жойлашувни ҳисобга олиб, газламанинг бу хусусиятидан 50-йиллардан бошлиб одатдагиша бичиш усулларida ҳам фойдаланилмоқда. Пальто ва костюмлар групласига мансуб буюмларда қиялик бурчаги 10° гача қабул қилинган, кўйлаклар групласига кирадиган буюмларда эса қиялик бурчаги $15 - 17^{\circ}$ бўлиши мумкин. Форма ҳосил қилининг бу методида кўпинга чокларга ва витачкаларга деярли ҳожат қолмайди, бошқача айтганда, улар ё қисман, ёки бутунлай йўқотилади.

Кийим тикиладиган материалларининг драпланувчанилиги деганда уларнинг эгилувчанилик, биланглаш хусусияти ва ҳаракатчан енгил бурмалар ҳосил қилиб, ҳиллилаган (тукис) форма касб этиш хусусияти тушунилади. Бу метод кийимларнинг анча мураккаб формаларини ҳосил қилишга имкон берганлигидан асосан хотин-қизлар кўйлакларини лойиҳалашда қўлланилади.

Кийим-кечакка нам-иссиқлик ишлови берилганда, яъни сув пуркаб дазмоллаганда материалнинг дағал структураси гўё ўзгаради (иплар, толалар чўзилади, таранглышади, сиқилади, иплар системалари қишишади), материалнинг молекуляр структураси ўзгаради. Синтетик толалардан тўқилган газламалар пайдо бўлгунга қалар материални сув пуркаб дазмоллаш (нам-иссиқлик ишлови бериш) тикилган кийимга ҳажмий шакл беришнинг асосий методи ҳисобланаб, уларни турлантириш имкониятини туғдиради. Дазмоллаш чала фабрикат шаклининг ўзгаришига қараб, қўйидаги турларга ажратилади: дазмоллаб чўзиб деталлар ўлчамларини катталаштириш (оттягивание); сув пуркаб дазмоллаб деталлар размерини кичрайтиш (суюживание); чокларни бир томонга ётқизиб дазмоллаш (заутюживание); чокни икки томонга қайирниб дазмоллаш (раззуюживание); дазмоллаб чок солиш (фальцевание); дазмол теккан жойдаги ялтироқни буглаб-

ФОРМА ҲОСИЛ ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ



1.1-расм. Форма ҳосил қилиши методлари.

дазмоллаб кетказиш (отпаривание); пресслаш. Конструктив метод тикув материалларининг шакли (формаси)га боғлиқ бўлмаганлигидан универсал метод ҳисобланмоқда ва юқорида айтиб ўтилган методни сиқиб чиқармоқда.

«Кийимнинг андазасини тузиш» («Конструкирование одеджды») курсининг асосий вазифаси унинг айрим элементларини кўриб чиқишидан иборат. Бу элементларга қўйидагилар киради: кийим ҳақидаги умумий маълумотлар ва кийимлар класификацияси; кийимга қўйиладиган талаблар; пластик анатомия ва антропометрия, кийимни размери жиҳатидан стандартлаш; конструкторлик ишларининг сифатини назорат қилиш ва ҳоказо. Эркаклар ҳамда ўғил болаларнинг турли ассортиментдаги, ҳар хил мақсадларда кийиладиган ва бичими, андазаси турлича бўлган кийимлари деталларининг чизмаси — ёйилмасини ҳисоблаш ва чизиш методларига мазкур курсда асосий ўрин берилган, ёйилмалар ҳосил қилиш (чизиш) принциплари ва методлари тушунтирилган. Ёйилма (чизма)ларнинг асосий ҳисоблари ҳамда уларни чизиш тартиби ЦНИИШП методикаси буйича қабул қилинган. Курсни ўтган вақтда маниший хизмат системасидаги лойиҳалаш ишларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам тушунтирилиши лозим.

1. КИЙИМ АНДАЗАСИННИ ЧИЗИШ УЧУН БОШЛАНГИЧ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. КИЙИМЛАРНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ АСОСЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1.1.1. КИЙИМ ТЎГРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Кишининг баданини атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан ҳимоялайдиган либос кийим-кечак деб аталади. Кийим-кечак инсоният тараққиётининг илк босқичларида пайдо бўлган.



1923 й



1937-1939 й



1948-1952 й



1964-1965 й



1977-1978 й




1982-1984 й



1982-1984 й

12-расм. Эркаклар кийимлашасини формасининг ривожланиши, 1923—1984 йиллар



1.3-расм. Эркаклар кийимда елка сатхининг динамикаси:


a — баландлаштирилган;
b — нормал; *c* — пасайтирилган

Кийимнинг материали, формаси ва бичимиға қараб, кишининг турмуш тарзи, яшайдиган иқлимий шароити, унинг қандай синф ва табақага мансублиги, маданий савияси, моддий фаронлиги түғрисида фикр юритиш мумкин [2].


Кийимнинг ҳамма қисмлари (пиджак, шим, жилетка) пойабзал ва бошқа құшымчалари билан бирга костюмни ташкил этади. Костюм турли мамлакатлар халқлари ва жамият-

1.4-расм. Эркаклар костюмда елка узунлигисининг динамикаси:

a — нормал; *b* — узайтирилган; *c* — қисқартырилган




1.5-расм. Еңг ўмиининг динамикаси



1969 г.

1971 г.



1.6-расм. Эркаклар шиджагида бел ва этак чизиклари вазиятининг динамикаси (1969 — 1983 йиллар)

ларининг узига хос тарзда тараққий қилишини, миллий қиёфасини аниқ акс эттиради, шунингдек, киши шахсини характерлайди.

Гардероб деганда, бир кишига ёки бир оиласа тегишли жами кийим-кечак тушунилади [4].

Кийимнинг яиги формасини энг аввало унинг бичими (силуэти) белгилайди. Бичим (силуэт) — кийим формасининг текисликдаги ифодаси. Кийимнинг асосий бичимлари (асосий силуэтлар) қуйидагилардан иборат (1.2-расм): бели ёпишиб турадиган бичимли кийим; гавдага ёпишиб турадиган бичимли кийим (белининг ёпишиб туриши ҳар хил булиши мумкин); бели қисман ёпишиб турадиган бичимли кийим; тўғри бичимли кийим (гавдага кўпроқ ёки камроқ ёпишиб туради); кенг бичимли кийим.

Конструкциянинг элементлари доимо ўзгариб туради. Масалан, андазада елканинг сатҳи (қиялиги) табиий (1.3-расм, а), баландлаштирилган (1.3-расм, б) ва пасайтирилган (1.3-расм, в) булиши, елканинг узуилиги — нормал (1.4-расм, а) узайтирилган (1.4-расм, б) ёки қистирилган (1.4-расм, в), энг ўмизининг чўқурлиги оширилган (1.5-расм, поз. 1), нормал 1.5-расм, поз. 2) ва камайтирилган (1.5-расм, поз. 3) булиши мумкин.

Бел чизиги кийимнинг бичимини белгилаб беради; бел чизиги тўғри, гавдага қисман ёпишиб турадиган, белга ёпишиб турадиган ва кенг булиши мумкин (1.2—1.6-расмлар).

Кийимнинг этаги торайтирилган, нормал ёки кенгайтирилган бўлади (1.2-расмга қаранг).

Костюмининг бичими елканинг қиялик даражасига, қоматга, сенг ўмизининг куринишига, бел чизигининг паст-баландлигига буюм этагининг кенг-торлигига боғлик. Костюмининг форма-

си конструктив ечимлар шатижасида ва костюмнинг айрим қисмларини бирлаштириш оқибатида вужудга келади. Форманинг геометрик кўринишининг ўзгариши бичимнинг ўзгарғанлигидан далолатдир; форма шакл жиҳатиданги эмас, балки ҳажми (катталиги) жиҳатдан ҳам ўзгаради (1.6- расмга қаранг [5].

Болалар кийими катталар кийимининг нусхаси булиб, барча деталлар тақорланади. Болалар кийими ҳозирги куринини касб этгунга қадар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтди [6]. Болалар кийимини лойиҳалашда ҳар бир ёш группасига мансуб болаларнинг гавда тузилишидаги ўзига хос жиҳатлар XX асрдагина ҳисобга олина бошланди.

1.1.2. ҲОЗИРГИ ЗАМОН КИЙИМЛАРИНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ

Ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида ҳисоблаш техникасини қулаш кийимнинг деталлари ва узелларини кодлаш заруратини келтириб чиқарди. Маҳсулот Бутуниттифоқ классификатори — МБК (общесоюзный классификатор продукции — ОКП) да тикилган кийимларнинг ўни системадаги эгасиз классификацияси қўлланилади. Тикилган кийимлар МБК да мустақил классга ажратилиб, 85 номери билан белгиланган. Тикилган кийимлар бирин-кетин классификацияланади: класс, кенжакласс, группа, кенжакруппа, тур; кенжактур ва гурухларга булиниади. Узаро боғлик шифрлар мажмуми — код маҳсулотнинг кисқартирилган шартни белгиси ҳисобланади. МБК да кодлашнинг ўни системаси қабул қилинган. Ҳар қайси белгини таърифлаш учун майдан миқдорда ўнли разрядлар ажратилган [2].

Коднинг 1 ва 2-разрядлари (85) — «Тикилган буюмлар» класси.

3-разряд — кенжакласс, буюмларнинг ассортимент бўйича классификацияси: 1 — устки кийим; 2 — костюм-куйлакдан иборат кийимлар; 3 — ички кийим; 4 — бош кийими; 5 — маҳсус кийим ва ҳоказо.

4-разряд — вазифаси жиҳатидан уҳшаш ва модель-конструктив ечими жиҳатидан бир-бирига яқин буюмларнинг группа-хиллари мажмуми: 1 — пальто; 2 — калта пальто; ..., 5 — кўйлак, ..., 7 — эрекклар кўйлаги ва ҳоказо.

5-разряд — хом ашё тури бўйича кенжакруппа: 1 — ип газламалар; 2 — зигир толаси ва аралаш толадан тўқилган газламалар; 3 — шойинлар, синтетик ва аралаш толалардан тўқилган газламалар ва ҳоказо.

6-разряд — буюмнинг жинс-ёш белгилари бўйича хиллари: 1 — эрекклар учун; 2 — аёллар учун; 3 — ўғил болалар учун ва ҳоказо.

7-разряддан 10-разрядгача — хиллар оро классификация.

1.1.3. КИЙИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Кийимни лойиҳалаш талаблар программасини тузишдан бошланади. Талаблар икки группага ажратилади: истеъмолчи (матлуботчи)лар талаблари ва саноат-экономика нуқтаси назаридан қўйиладиган талаблар.

Биринчи группага эксплуатацион, эстетик, гигиеник талаблар, кийимнинг товарлик сифатига, кўринишига оид ва бошқа талаблар киради.

Эксплуатацион талаблар деганда, кийимнинг вазифасига ва фойдаланиш шароитларига мослиги, қулайлиги, чидамлилиги, ишончлилиги, формасининг барқарорлиги тушунилади.

Эстетик талаблар деганда, кийимнинг модага мослиги,

янги материаллардан тикилганилиги, янги отделкалар ишлатилганилиги, истеъмолчиларнинг эстетик дидларини қондириши тушиналади.

Гигиеник талабларга кийимнинг иссиқлик баланси, ҳаво утказувчанилиги, ички (кийим остидаги) нам-тердан ёки ташқи нам (қор-ёмғир) таъсиридан ҳимоялаш даражаси, енгиллиги, конструкциясининг қулайлиги (кишининг нормал физиологик функцияларига халақит бермаслиги) киради. Гигиеник талаблар бирмунча умумийроқ бўлиб, эргономик талабларни ҳам ўз ичига олади; эргономик талаблар эса антропометрик, гигиеник ва психо-физиологик мослишка оид бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади (2).

Иккинчи групага технологик, стандартлаштириш ва унинг методлари, тежамкорликдан иборат талаблар киради. Тежамкорлик лойиҳалаш харажатлари, ишлаб чиқариши технологик, конструкторлик ва техник жиҳатдан тайёрлашиб билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, истеъмолчиларнинг ундан фойдаланиш харажатлари билан характерланади.

Кўп моделли потокларда тайёрланадиган моделларга технологик бир хиллик жиҳатдан қўшимча талаблар қўйилади: бу талаблар корхоналарнинг унификациялаштирилган барқарор потокларда ишлашини таъминлайди.

1.2. КЎПЛАБ ТИКИЛАДИГАН ВА ЯККА ТАРТИБДА БУЮРТМА БЎЙИЧА ТИКИЛАДИГАН КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Кийимни конструкциялаш жараёнини такомиллаштириш ҳозирги вақтда тикувчилик корхоналари олдидага турган жуда муҳим масалалардан биридир.

Илгарилари кийимни конструкциялаш деганда унинг деталлари чизмасини чизиш тушуниларди. Кийим-кечак кўплаб ишлаб чиқарилиши ва илмий тадқиқот ишлари авж олиши натижасида конструкциялаш жараёнининг моҳияти ва мазмуни туғрисидаги фикрлар ўзгарди [7].

Ҳозирги вақтда кўплаб тикиладиган кийимларни конструкциялаш ишлари ЕСКДга мувофиқ олиб борилади. ЕСКД типик лойиҳалаш-конструкторлик ишлари структурасини белгилаб беради ва бу ишларнинг беш босқичини ўз ичига олади.

Кийимнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳалаш ишларининг биринчи босқичида техник топшириқ ишлаб чиқилиади. Топшириқда кийимнинг асосий вазифаси акс эттирилиши билан бирга, сифат кўрсаткичлари берилishi, конструкцияга оид ҳужжатни ишлаб чиқиш этаплари, унинг таркибий қисмлари, шунингдек, кийимга қўйиладиган маҳсус талаблар акс эттирилган бўлиши лозим.

Иккичи босқичда техник таклифлар ишлаб чиқиласди: техник таклифлар бир хилдаги ёки ўхшаш вазифани бажарадиган кийим-аналоглар таҳлилига асосланиб янги кийимлар ечимининг мумкин бўлган вариантларини тайёрлашини ўз ичига олади. Энг юксак сифат кўрсаткичларига эга бўлган модель-аналогларнинг этalon қаторини тузиш, техник таклифлар тайёрлаш, серияга кирадиган моделларини конструктив ўхшашлигини (бошқача айт-

гауда, шипларининг, ғояпинг ўзига хослигини ҳамда моделларининг ракобатга қодирлигини курсагиб берадиган элементларини) текшириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда эскиз лойиҳа тайёрланади: эскиз лойиҳа кийимнинг тузилиши ва асосий параметрлари түргисида умумий тасаввур турдирадиган принципиал конструктив ечими ўз ичига олади. Янги моделларниң эскиз тасаввурларини чизиқлар ёрдамида кўрсатиш формаси ҳозирча тўлиқ ўрганилган эмас. МТИЛП ва М. В. Фрунзе номидати ИвТининг модель эскизидан иборат расм солниш, кейинчалик унинг ҳажмий формасини яратиш, кийим макетига мазкур эскизининг бўлинини чизиқларини тушириш түргисидаги таклифлари диққатга сазовордир.

Лойиҳалаш ишларининг түртинчи босқичида кийимнинг техник лойиҳаси ишлаб чиқилади. Техник лойиҳа конструкторлик ҳужжатларининг мажмун бўлиб, лойиҳаланган кийимга оид маълумотларни ўз ичига олади. Асосий деталлар (кийимнинг белдан юқориги қисми) олди ва орқаси, енглар ва ёқалар)нинг чизмалари, шунингдек, лойиҳаланадиган кийимнинг тузилишини белгилаб берадиган асосий конструктив узелларининг технологик карталари шулар жумласидандир.

Бешинчи босқичда иш (конструкторлик) ҳужжатлари ишлаб чиқилади. Ҳозирги вақтда бу иш андазалар комплекти илова қилинган техник таърифи расмийлаштиришдан иборат бўлмоқда [2].

Кейинги вақтларда кийимнинг эстетик хусусиятларига, унинг гавдага ёпишиб-ярашиб туришига катта талаблар қўйилмоқда. Стандарт жуссага мўлжалланган андаза бўйича бичилган кийим ҳаммага ҳам тўғри келавермайди [1]. Шунинг учун қадди-қоматимизга мос келадиган кийим тикириши учун якка тартибдаги буюртма бўйича кийим тикадиган ательєга—манший хизмат системасидаги устахонага мурожаат қиласмиш.

Манший хизмат системасида кийим лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Кийимни лойиҳалаш ишининг асосини модель тузиш ва конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ташкил этиди. Моделлаштирувчи ташкилотлар бу модель ва ҳужжатларни моданинг йўналишига ҳамда аҳолининг талабига қараб ва якка буюртма тартибида кийим тикадиган барча корхоналар максимал равишда фойдалана оладиган қилиб тузади.

Манший хизмат системасида кийим лойиҳалаш жараёни уч босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқичда — моделлаштирувчи бош ташкилот (ЦОТШЛ, республика кийим модельлари уйлари) ҳар йили кийимлар моделининг йўналитирувчи (етакчи) коллекциясини ҳамда кийим лойиҳалашга доир муҳим методик маълумотларни тайёрлайди, моданинг йўналиши бўйича, модага мос формадаги ва бичимдаги кийимларни лойиҳалаш ҳамда тикишининг ўзига хос томонлари тўргисида, янги материаллардан фойдаланиш ҳақида методик тавсиялар ишлаб чиқади, шунингдек, база конструкторлик ҳужжатларини (база конструкцияларнинг техник таърифи берилган перспектив андазаларни) ва рассом иш папкасининг намунасини тайёрлайди ҳамда бу материалларни корхонанинг экспериментал хизмат мутахассисларига етказади.

Иккинчи босқичда — корхонанинг экспериментал хизмати ходимлари моделлаштирувчи бош ташкилотдан олинган материалларга асосланиб, кийимларнинг модага мос модельлари коллекциясини тузади, коллекцияга киритилган модельлар учун конструкторлик ҳужжатлари тайёрлайди, яратилган модельлар-

шинг эскизларини рассом папкасига жойлайди, ҳужжатлардан нусхалар күчиртириб, уларни ишлаб чиқариш участкалари (ательелар)га тарқатади ҳамда мутахассисларга илгор иш методларини ва кийим бичишнинг янги усуулларини ўргатади.

Учинчи босқичда — ишлаб чиқариш участкалари (ательелар) шароитида муайян гавда учун андаза тайёрланади; бунда рассомнинг иш папкасидаги моделлардан ҳамда экспериментал хизмат мутахассисларидан олинган конструкторлик ҳужжатларидан фойдаланилади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тикувчилик саноати олдида турған асосий вазифалар нимадан иборат?
2. Тикувчилик саноатини интенсивлаш вазифалари қай тарниңа бажарилади?
3. Кийимларнинг сифатини яхшилашда ва кийим тайёрлаш самараордигини оширишда лойиҳалаш ишлари қандай роль ўйнайди?
4. Кийимни конструкциялаш деганда нима тушунилади?
5. Қандай конструкция типавий деб аталаиди?
6. Кийимнинг қандай конструкцияси база конструкция ҳисобланади?
7. Типавий лойиҳалашда қандай ишлар бажарилади?
8. Стандартлаштириш қандай методларни уз ичига олади?
9. Стандартлаштириш қандай технологияни тайёрлашади?
10. Унификация деганда нима тушунилади? У қандай булиши керак?
11. Нормаллаштириш нима? Кийимга оид нормаллаштириш ишларини айтиб беринг.
12. Конструкторлик ҳужжатлари ягона системаси — ЕСКД нинг афзаллиги нимада?
13. ЕСКД да лойиҳалашнинг неча босқичи кўзда тутилган?
14. Қуплаб кийим тикишда нима учун тайёр кийимнинг технологик қулиятини шарт қилиб қўйилади? Буниңг қандай фойдаси бор?
15. Кийим деталларуга шакл бериш усули нимага боғлиқ?
16. Кийим деталларига шакл беришининг қандай усуулари сизга маълум?
17. Кийим деталларига шакл бериш конструктив усулиниң моҳиятни айтиб беринг.
18. Тўрсимион структурали газламадан тикиладиган кийимнинг деталларига шакл беришда газламанинг қандай хусусиятларидан фойдаланилади?
19. Қандай ҳолларда кийим деталларига намлаб-дазмоллаб шакл берилади?
20. Кийим деб нимага айтилади?
21. Кийим нималари англатади?
22. Костюм нима? У қандай буюмлардан ташкил топади?
23. Гардероб нима?
24. Силуэт (бичим) деганда нима тушунилади? Кийимнинг маълум силуэтларини бирма-бир айтиб беринг.
25. Конструкция элементлари вақтга қараб қандай ўзгаради?
26. Кийим силуэтини ўзгарганилигини билдирувчи белгилар нималардан иборат?
27. Замонавий кийимлар қандай классификацияланади? Бундан мақсад нима?
28. Бутуннитифок маҳсулот классификатори (ОКП) қандай тузилган? Тикилган кийимлар ОКП да қандай ўрин эгаллайди?
29. Кийимга қандай талаблар қўйилади?
30. Истеъмолчи (матлуботчи)ларининг талаблари нималардан иборат?

31. Кийимга саноат-иқтисодий пүктән назаридан құйиладын талабар-пинг асосий мазмунини айтib беринг.
32. Техник топширикни ишлаб чиқиш босқичида қандай ишлар бажа-рилади?
33. Техник таклифлар ишлаб чиқиладын босқичда бажарыладын иш-ларни айтib беринг.
34. Эскиз лойнұха тузиш босқичида қандай ишлар бажарылади?
35. Техник лойнұха тузиш босқичида қандай ұжжаттар тайёрланади?
36. Иш ұжжаттарига нималар киради?
37. Якка буюртма тартибіда кийим тикишда кийим қандай лойнұала-дади? Қандай ишлар амалға оширилади?
38. Куплаб кийим тикишдеги лойнұалаш ишлари билең якка буюртма тартибіда кийим тикишдеги лойнұалаш ишларининг бир-биридан фарқ қи-лишига сабаб шима?

1.3. КИЙИМНИҢ КОНСТРУКЦИЯЛАШ СИСТЕМАСЫ ВА МЕТОДЛАРИННИҢ ҚИСҚАЧА ХАРАКТЕРИСТИКАСЫ

 Конструктор фаолияттінинг эң қиіннің ва масъуліятті бос-қичлары кийим деталларининг чизмаси-ёйилмасини чизыпшаң иборат. Бу босқичдан күзланадын асосий мақсад — детал-ларнинг шакли ва размерини мумкин қадар анықроқ белги-лаш; шундай қилинса, кийимнинг деталлари йығылғандап ке-йин ҳосил бұлған формасын рассом формасына мөс кела-ди.

Бу ишнинг қиіннілгі, мураккаблығы шундаки, фақат таъ-рифи, эскизи ёки намунасигина берилған, лекин үзиң үйін кийимнинг чизмасини — деталларын йылмасын чизышта түр-ри келади. Буннинг устига, кийимнин сирті мураккаб, ёйіп бул-майдын сирт ҳисобланади; шунға күра уннан йылмасынан ҳисоби, яғни унан чизиш учун керак бўладын мәълумотларни ҳисоблаб чиқарни ва чизманнан чизиш аңча қиінн.

Кийим деталларини ҳисоблаш ва чизма тайёрлашнинг мав-жууд методларини группаларга бўлиб, қуйидагича тушунтириш мумкин: мұляж методи, гавданинг үлчамларынга ва чок ҳақла-рига асосланиш, бошланғич сирт түгрисидаги мәълумотларга асосланиш.

 Мұляж методининг можияты шундан иборатки, манекен-еки киши гавдасына макет материал (асосий газлама, енгил-юмшоқ қофоз ёки түр-канва) моделнинг формасына мослаб, түғнағицлар билең қадаб қўйилиб, кийим деталларининг контурлари чизиб чиқилади. Бунда асосий усул — қадаш-дир.


Ердамчи түр-канва методи мұляж методининг бир тури ҳи-собланади; бунда газлама ипларини сурыш-силжитиши ҳисобига кийим деталларининг ёйилмаси худди пардага ұхшатиб ясалади (1.7-расм).

Кийим деталларининг ёйилмасини бошланғич сирт мәълумотларига асосланиб чизиш методлари группасы аналитик

ва график методлар деган ёрдамчи группаларни үз ичига олади.


Аналитик методлар гавда (сирт)нинг размери ва формаси тұғрисидаги маълумотларга асосланадиган назарий ҳисоблашлар методи жумласига киради. Унинг иккита асосий тури маълум: академик П. Л. Чебишев методи ва МП (размерлар орасидаги ўтишга асосланиш) методи.

П. Л. Чебишев методида ёйиладиган сирттинг эгерилиги аниқланади. Бу метод бошланғич сирт тұғрисидаги маълумотларга асосланиб, кийимни конструкциялаш принципларини ривожлантиришга ёрдам берди.



1.7- расм. Ёрдамчи тұр-
каува методи


1.8- расм. Геодезик чи-
зиқлар методи



МП методи ёрдамчи система ҳисобланади; бу система учун бошланғич размерпинг тұлиқ чизмалари булиши шарт. Кийим деталларининг чизмаларини эса истаган методда чизиш мумкин. Деталларнинг бошқа размерлари ҳисоблаш методида аниқланади.

График методда чизма геометрия принципи асос қилиб олинган. Жәми методларнинг моҳияти ёйилмайдыган сиртларни участка ва кичик участкаларга бүлиб чиқышдан иборат. Ёрдамчи участкаларнинг ҳосил қилинган чизмалари кейинчалик мүайян тартибда кетма-кет жойлаштирилиб, кийим сирттинг яхлит чизма-ёйилмаси ҳосил қилинади.

Кийим сирттинг кесимига қараб қуйидаги методлар фарқ қилинади: геодезик чизиқлар методи (сирттинг кесими геодезик, яғни әңг қисқа, ёйилманинг бошланғич ОҮ чизигига нисбатан перпендикуляр жойлашган әңг қисқа x_1, x_2, x_3 ва x_4 чизиқлар бүйінча ҳосил қилинади; 1.8- расм); кесувчи текисликтер методи (ёйилувчи сирт уч участкага ва ҳар участка кичик участкаларга бүлинади); уч бурчаклар методи (сирт кесими үққа нисбатан жойлашган учбурчакларга ажратылади, 1.9- расм); горизонтал кесимлар методи (сирт йүл-йүл қилиб элементар участкаларга бүлиб чиқылади);




1.9-расм. Учбұрчак методи

ларига координаттағы үқлари үзіншілдегі өткізу көмекшілігінен пайдаланып, оның көмегінде 1.10-расм. түрт координаталар методи (Е₄) көрсетілгендей.

1.10-расм. Түрт координаталар методи:

a — юзани белгилаш; *b* — текисликтегі ёйилма




Мазкур чизиқтар үзіншілдегі өткізу көмекшілігінен пайдаланып, оның көмегінде 1.10-расм. түрт координаталар методи (Е₄) көрсетілгендей. Бұл метод көрсетілгендей, оның көмегінде 1.11-расм. түрт координаталар методи (Е₄) көрсетілгендей.

Көрсетілгендей, көрсетілгендей, оның көмегінде 1.11-расм. түрт координаталар методи (Е₄) көрсетілгендей. Бұл метод көрсетілгендей, оның көмегінде 1.11-расм. түрт координаталар методи (Е₄) көрсетілгендей.

1.11-расм. Ейиш ёрдамчы чизиқлары — ЕЧ (ЛР) методи:

a — юзани белгилаш; *b* — текисликтегі ёйилма



учун керакли маълумотларни ҳисоблаш чиқаришда ва уларни чизишда ҳали ҳам шу методлар ишлатилади. Уларнинг кўпчиликка маълум бўлганлари ҳисоблаш-ўлчамлар методи, пропорционал ҳисоблаш методи, координаталар методи, масштаблар методи ва бошқалар.

Якка буюртма бўйича кийим тикишда ҳисоблаш-ўлчамлар методи қулланилади. Бу методда киши гавдасининг ўлчамлари олинади ва кийимнинг туқислиги учун қўшиладиган чок ҳақи аниқланади. Гавдани ўлчаб олинган маълумотлардан фойдаланиб, конструкция асосий элементларининг размери белгиланади. Конструкция чизмаларининг кам-кусти кийимни кийгизиб куриб, яъни примерка вақтида аниқланади ва бартараф этилади.

Конструкциялашининг пропорционал-ҳисоблаш методларидан биринчи марта кўплаб кийим тикишда фойдаланилади. Бу методлар ҳисоблаш-ўлчам методларининг бир туридир; бунда бичиш ўлчамлари ҳисоблаш ўлчамларига алмаштирилган; ҳисоблаш ўлчамлари иккита асосий размер белгисига — кўкрак ярим айланасининг иккинчи ўлчами C_{II} га ва рост (бўй) R га пропорционал боғлиқ ҳолда белгиланади. Бироқ ҳар бир муаллиф ўз билими ва тажрибасига яраша иш тутганлигидан айрим размерларни белгилашда катта фарқ келиб чиқди. Аналитик-ҳисоблаш методларда бу камчиликлар бартараф этилга; бу методларда ўлчов белгилари/реал қонуниятларга мувофиқ ва етакчи ўлчов белгилари уртасидаги боғланишни назарда тутиб белгиланади. ЦНИИШП «Кийим конструкциялаш ягона методи» ҳамда ЦОТЦЛ «Ягона методи» шуляр жумласига киради.

Бу иккала методнинг ўзига хос жиҳатлари ва афзаллиги кўйидагилардан иборат:

чизмалар учун керакли маълумотларни ҳисоблашда ва чизма чизишда стандартда курсарилган кўп сонли ўлчов белгиларига асосланилади;

ҳисоблашлар гавданинг ва чизманинг айrim ўлчамлари уртасидаги энг тўғри боғланишларга асосланган;

гавда тузилишининг ҳар бир типига мансуб жуссалар учун ҳисоб ва чизмаларининг ягона схемасини тузиш мумкин;

чок ҳақи системаси ишлаб чиқилганлиги туфайли мода ўзгаришининг аҳамияти йўқ;

чизма асосий элементларининг ўлчамини ҳамда енг ўмизи билан енг боши уртасидаги боғланишини аниқлашга имкон берадиган дастлабки ҳисоблаш берилган;

материалларниг хусусиятлари ҳисобга олинган;

кийимнинг баланс ҳисоби унинг хушбичимлигини таъминловчи муҳим фактор бўлганлигидан мазкур методларда баланс ҳисобига кенг ўрин берилган;

ЦНИИШПда катталар ва болалар размерларининг янги типологиясига асосланаб, эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини конструкциялаш методлари ишлаб чиқилган; бу метод-

ларда стандарт жуссаларнинг ўлчов белгиларидаи максимал даражада фойдаланилган.

Конструкция чизмалари стандарт жуссаларнинг ўлчов белгиларни билдирувчи маълумотлар бўйича ҳисоблаб чиқарила-ди ва чизилади, бунда пропорционал ҳисоблашдан воз кечи-лади (8).

Чизмадаги конструктив бўлаклар ва нуқталар ўртасидаги боғланишини аниқлашда стандарт жуссали манекенлар сирти-нинг ёйилмасидан фойдаланилган, ёйилмалар эса яиги антропометрия маълумотларига асосан чизилган.

Чизмада чок тушадиган жойлар антропометрик нуқталар бўйича белгиланган, улар кийимнинг гавдага ёпишиб туришини таъминлайди.

Ёйилманинг бошлангич чизиқлари сифатида гавданинг олди ва орқасидаги симметрия чизиқлари, кўкрак безларининг бўр-тиб турган эпг баланд нуқтаси (учи) орқали ўтган чизиқлар, бел ва сон айланаси чизиқлари олинган.

Чизмадаги чоклар ва бошлангич чизиқлар ўрни асосий ба-за чизиққа нисбатан белгиланган. База чизиқ аниқ кўриниш турадиган, топишига осон ва доираний булиши лозим (чунки у жуссаннинг ҳар қандай нуқтаси билан боғланган бўлиши ло-зим). Ишлаб чиқилган методларда бел чизиги база чизиқ си-фатида қабул қилинган. Бел чизиги билан чегараланган гори-зонтал текислик бошлангич база текислик ҳисобланади, гавдадаги жами таянч нуқталар ўрни шу текислика нисбатан белгиланиади. Чизма текислигига таянч нуқталар ўрнини бел-гилашда ҳам ана шу текисликтан фойдаланилади.

ЦНИИШП методида чок ҳақи янада аниқлаштирилган. Кийим (пакет)нинг остки қатламлари қалинлигига қўшиб бе-риладиган ҳақлар структураси ва ҳисоблашнинг батафсил таҳ-лили, кийимнинг елка қисмидаги конструктив нуқталардаги пакет қалинлигига қўшиладиган ҳақ берилган.

Биринчи марта айни шу методда кийим деталларининг чиз-маси учун керак бўладиган маълумотларни ҳисоблаб чиқариши-да ва чизма чизища чок ҳақи (*Ур*) ҳисобга олинган. Бунда деталнинг бўйи (узунлиги)га қўшиб бериладиган чок ҳақи про-центларда, деталь энига қўшиладиганлари эса сантиметрларда курсатилган.

Конструкциянинг чизмалари чок ҳақини қўшмасдан чизи-лади, андаза тайёрлашдагина улар ҳисобга олиниади.

Бу методда одам гавдасида яхши туришини таъминловчи баланс нуқтанинг ҳисоби асосслаб берилган.

ЦНИИШП методи универсал ҳисобланади, чунки ҳар хил куринишдаги ва турли мақсадларга (эркаклар ва аёллар, қиз-лар ва ўғил болаларга, бичими ҳар хил гавдаларга) мўлжал-ланган кийимлар деталларининг чизмасини тайёрлашда шу методнинг ҳисоблаш формулаларидаи фойдаланилади. Форму-лалардаги фарқ коэффициентларда ҳамда эркин ҳадларда ифодаланади.

Дастлабки ҳисоб ЦНИИШПнинг бундан олдинги «Кийимни конструкциялаш ягона методи» дагидан бошқачароқ. Бунда белгиланадиган участкалар сони кўпайтирилган ҳамда уларни белгилаш структураси ўзгартирилган.

Хозирги вақтда лойиҳалаш ва моделлаштириш ташкилотларига Узаро Иқтисодий йердам Кенгаши — ЎИЕК аъзолари ҳисобланган барча мамлакатлар учун ягона бўлган конструкциялаш методи ЕМКО СЭВ, яни ЎИЕК КҚУМ жорий қилинмоқда. Кийим конструкциялашнинг бу методини мазкур кенгаши аъзолари — БХР, ВХР, ГДР, ПХР, РСР, СССР ва ЧССР ҳамкорликда ишлаб чиққан.

ЕМКО СЭВ (яни ЎИЕК нинг кийим конструкциялаш ягона методи — ЎИЕК КҚУМ) нинг ўзига хослиги шундаки, у катталар ва болалар кийимларини конструкциялашнинг ягона методи ҳисобланади. Бу метод бошка методлардан универсалиги билан ҳам фарқ қиласди, чунки ҳар кандай бичимдаги ва кўринишдаги кийимлар конструкциясини тузишда база конструкциялар, асос қилинб олинади; база конструкциялар эса кўплаб ишлаб чиқариладиган кийимлар учун ҳам, алоҳида буюртмалар бўйича тикиладиган кийимлар учун ҳам умумий ҳисобланади. Хозирги вақтда стандарт ўзассалар учун 30 ҳил база конструкция яратилган.

Уларнинг ўлчамлари стандарт бичимли гавда айрим қисмларининг ўлчамлари мос келади.

Кийим деталларининг чизма-ёйилмасини чизиш методининг умумийлигига кийимларни конструктив белгилари бўйича турларга ажратиш йўли билан эришилади. Ҳамма турдаги кийимлар бадани: ичдан ва сиртдан қоплаб турадиган кийимларга ажратилади. Кийим гавданинг қайси қисми қоплаб туришига қараб, капюшон (қайтарма қалпоқ), жилетка, енг, трусиқ, иштоу ва шим деган номлар билан юритилади. Ҳамма кийимлар асосий турдаги кийимлар ёки улар қисмларининг комбинациясидан ташкил топган.

Конструктив булакларни чизиш тартиби (изчилиги) ишлаб чиқилган. Конструкциялаш изчилигига кийимларнинг ҳамма турлари ва группалари учун бир хил: конструкцияга муайян талаблар қўйилади, кийимнинг умумий таърифи берилади, дастлабки маълумотлар ҳисоблаб чиқарилади, конструктив изчилилк белгиланади ва қабул қилинган қондаларга мувофиқ чизма чинилади.


1.4. ГАВДА ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР [ПЛАСТИК АНАТОМИЯ]

Анатомия — киши организми; айрим органлар ва системаларнинг тузилиши ҳамда формалари ҳақидаги фан. Анатомия морфологиянинг бир қисми ҳисобланади (9).

Морфология — киши организмининг шахсий ўзгарувчанлиги, гавда ўлчамлари ва пропорцияларининг ёшга қараб ўзгариши ҳамда организм айрим қисмларининг ўзгарувчанлиги қонуниятлари ҳақидаги фан булиб, инсон танасининг тузилиши ҳақидаги таълимот, яни антропология фанининг бир қисми ҳисобланади.

Пластик анатомия киши гавдасининг ташқи формаси қад-қоматни ўрганади. Гавда одатда тана, бўйин, бош, қўллар ва оёқлар деган бўлимларга булиб ўрганилади.

Одам скелети калла суюги 1 (1.12-расм, а, б), тана суюклари 2, қўл 3 ва оёқ 4 суюкларидан ташкил топган. Одамнинг умуртқа поғонаси (1.12-расм, в) S симон (эгри) булади: умуртқа поғонаси бўйин (I) ва бел (III) қисмларида эгрилик чизиги —



тирсак ва билак ҳамда кафт сүяклари киради. Елка саяги тик вазиятда жойлашган ёки бир оз орқага ё олдинга оғган бўлиши мумкин. Елка саяги билан тирсак ҳамда билак сүяклари бирлашган жойда бурчак ҳосил бўлади, у енгининг формасига таъсир этади.

Оёқлар скелети тос камари ва оёқларнинг эркин сүякларидан ташкил топган. Оёқларнинг эркин сүяклари жумласига ёнбош (сон) саяги, катта ва кичик болдири сүяклари ҳамда тонон сүяклари киради.

Оёқларнинг формаси ёнбош ўқи билан болдири ўқининг бир-бирига нисбатан қандай жойлашганлигинга қараб, нормал (1.13-расм, а), X-симон (1.13-расм, б), О-симон, яъни хомутсимон (1.13-расм, в) ва циркулсимон (1.13-расм, г) бўлиши мумкин.

Тананинг бўйин асосидан то елка бўғимларигача бўлган қисми елка деб аталади. Елка нормал (1.14-расм, а), кенг (1.14-расм, б)


1.13-расм. Оёқларнинг формаси

олдинга, кўкрак (II) ва бел (IV) қисмларида эса орқага йўналган. Умуртқа поғонасининг эгрилик даражаси одамнинг қадди-қоматини белгилайди.

Қўл скелети деганда, елка камари (кураклар ва ўмровлар) ҳамда қўлларнинг эркин сүяклари тушунилади. Қўлларнинг эркин сүяклари жумласига елка,


1.12-расм. Одам скелети

а — олддан кўринили; б — орқадан кўринили; в — умуртқа поғонаси ва унинг қисмлари: I — бўйин қисми; II — кўкрак қи ми; III — бел қисми; IV — думзаза қисми; V — дум қисми





1.14-расм. Елка көнглигинг формаси



1.15-расм. Елка баландлыгиг формаси

ва тор (1.14-расм, *в*), шунингдек, қиялик даражасига қараб, нормал (1.15-расм, *а*), баланд (1.15-расм, *б*) ҳамда паст (1.15-расм, *в*) бўлиши мумкин.

Қориннинг ҳам асосий учта формаси мавжуд: текис, ичга тортилган ва думалоқ-дўппайиб чиқиб турган қорин. Қориннинг формаси жинсга, ёшга ва ориқ-семизликка боғлиқ бўлади.

Орқа одатдагича ёки умуртқа бўлимлари салгина бўртиб чиққан (тўлқинсимон), букчайган ва тўғри бўлиши мумкин.

Бўйиннинг формаси хилма-хил: эркакларда мускуллар жуда ривожланганлиги сабабли бўйиннинг кесими мураккаб; болаларда эса бирмунча думалоқ бўлади. Бўйиннинг узун-қисқалиги ёшга ҳамда елка қиялигига боғлиқ.

Гавдани (жуссани) белгилаб берувчи асосий морфологик белгилар умумий белгиларни, мутаносибликни, гавда тузилиши ва қад-қоматни ўз ичига олади.

Узумий белгилар деганда, тананинг узунлиги (одамнинг бўйи, яъни рост), кўкрак айланаси (периметри) ҳамда вазн (масса) каби энг йирик белгилар тушунилади. Гавданинг уртacha узунилиги (уртacha бўй) уғил чақалоқларда 51,5 см бўлади. Эркакларнинг уртacha бўйи 18—20 ёшда «маррага» етади; мамлакатимизда эркакларнинг уртacha бўйи 167—168 см ни, бутун жаҳонда ёса 165 см ни ташкил этади. Одамнинг бўйи 35—50 ёшгача узгармайди, шу ёшдаи утгач, қар беш йилда 0,5 см қисқара боради. Бир ёшгача шутарзда давом этади, кейинчалик ҳар беш йилда 0,7 смдан кисқара бошгайди.

Кўкракнинг антропометрик айланаси антропологияда жуда яхши урганилиги, эркакларда бу размер орқада — кўкрак суюклари остидан олдинида эса кўкрак безлари уни атрофида пастки фрагмент бўйича улчаб аниқланади. Ёш улгайган сири кўкрак айланасининг ўлчам ўрта боради, қаригандан кейингина бир оз камаяди.

Бир яшар гүдакниг күкрак айланаси 49 см га тенг. 25—26 ёшдаги йигитларда күкрак айланаси ўлчами «марра»сига етади ва ўзгармайды. Эркаклар 40 ёшларда жадал семира бошлайды, шу сабабдан күкрак айланаси ўлчами ортади. Фақат 60 ёшлардагина күкрак айланаси ўлчами камаяди, бунга организмнинг қариши билан боғлиқ физиологик ўзгаришлар сабаб бўлади.


Эркаклар гавдасининг ўртача вазни 64 кг. Катта ёшдаги кишилар вазнининг 40 кг дан кам ёки 99 кг дан зиёд бўлиши патологик касаллик ҳисобланади. Ўсиш даврида тананинг вазни ортаверади; 25—40 ёшларда вазн барқарорлашади. 40 дан 55 ёшгacha тана вазни ҳар беш йилда ўрта ҳисобда 1,0—1,5 кг ортади, 60 ёшдан ўтгач, бирмунча камаяди.

Кийимни конструкциялаш учун пропорция (мутаносиблик) нинг катта аҳамияти бор. Пропорция деганда, тананинг турли қисмлари ўлчамининг бўй (рост)га нисбати тушунилади; бу нисбат процентлар билан ифодаланади. В. В. Бунак катта ёшдаги эркаклар ва аёллар ўртасида кўп учрайдиган тана пропорцияларини учта асосий типга бўлади: долихоморф тип (1.16-расм, а)—бу типга мансуб кишиларнинг оёқлари узун, танаси қисқа ва ихчам (камбар) бўлади; брахиморф тип (1.16-расм, в)—бу типга мансуб кишиларнинг оёқлари нисбатан қисқа, танаси узун ва сербар бўлади; мезоморф тип (1.16-расм, б)—оралиқ тип ҳисобланади.

Тана пропорциялари ёшга ва жинсга қараб ўзгаради. Ёшга боғлиқ ўзгаришлар, биринчидан, тана барча қисмларининг ортишидан, иккинчидан, пропорциялар ўзгаришидан иборат бўлади. Масалан, катта ёшдаги кишининг калласи чақалоқнинг калласидан икки баравар катта, бўйи — уч баравардан ҳам узун, тананинг узунлиги — уч баравар, қўллар — тўрт баравар, оёқлар — беш баравар ва бўйин етти баравар узун бўлади. Бунда бошнинг айлана ўлчами атиги бир ярим баравар, кўкрак айланаси ўлчами эса уч баравар ортиқ бўлади (10).


Жусса (тана тузилиши) муайян белгилар мажмуига боғлиқ бўлиб, кишининг қадди-қоматини ифодалайди. В. В. Бунак эркакларнинг гавда тузилиши, яъни жуссанини етти типга бўлади; шулардан учтаси асосий ҳисобланади: кўкракдор (кўкси баланд) тип; мускуллари ривожланган тип ва қориндор тип (1.17-расм).

Кўкракдор тип (1.17-расм, а га қаранг) — унчалик семизмас, мускуллари озгина



1.16-расм. Эркаклар гавдасининг пропорция типлари:

а — долихоморф; б — мезоморф; в — брахиморф




1.17-расм. Эркаклар қоматининг типлари

ривожланган, күкрак қафаси ясси, қорни тортилган, буқчайған.

Мускуллари ривожланган тип (1.17-расм, б ға қаранг)—теридаги ёғ қатлами ўртача, мускуллари ўртача ёки жуда ривожланган, күкрак қафаси цилиндрик шаклда, орқаси текис.

Қориндор тип (1.17-расм, в ға қаранг)—семиз, мускуллари ўртача ёки кам ривожланган, күкрак қафаси конуссимон, қорни дум-думалоқ бўлиб чиқиб туради, буқчайған ёки оддийгина.

Ўғил болалар жуссасининг В. Г. Штефко тузган схемаси энг мақбул схема ҳисобланади. Бу схемада ўспиринилар жуссасининг тўртта асосий типи берилган (1.18-расм).



1.18-расм. Ўспиринилар қоматининг типлари (В.Г. Штефко маълумотларидан)

с — қирра нүктаси — ёнбош саяги қиррасининг четга энг кўп чиқиб турган нүктаси (болаларни антропометрик текшириш вақтида бу нүктага мурожаат қилинади).

Барча ўлчовлар вертикал ва горизонтал текисликларда ўлчанади. Умуртқа поғонаси орқали ўтиб танани ўнг ва чап қисмларга бўладиган вертикал текисликларга фронтал текисликлар дейилади.

Сагиттал текисликларга нисбатан тик перпендикуляр жойлашган ва танани олдинги ва орқа қисмларга бўладиган вертикал текисликларга фронтал текисликлар дейилади.

Сагиттал ва фронтал текисликларга нисбатан тик жойлашган ҳамда танани юқориги ва пастки қисмларга бўладиган горизонтал текисликлар трансверсал текисликлар деб юритилади.

Ўлчов олиш вақтида гавда муайян вазиятни эгаллаши, яъни киши зўриқмасдан, тўғри туриши ҳамда қоматининг одатдаги ҳолатини сақлаши, бош, кўз-қулоқ горизонтал чизигидан четга оғмаслиги, қўллар пастга туширилган, бармоқлар ёзилган, тизза букилмаган бўлиши, товонлар жуфтлаштирилиши ва оёқлар учун икки томонга керилиши лозим.

Антропометрик текширишлар вақтида трусиқдан бошқа кийимлар ва пойабзal ечилади.

Антропометрик текширишлар замонавий методикасининг ўзига хослиги шундаки, программалар, ўлчов турлари, ўлчаш асбоблари, ўлчаш шароитлари, тартиб ва усуллари максимал даражада унификация қилинган.

Ўлчов белгилари бош ҳарфлар билан ифодаланади ва ҳарфлар тагига индекслар ёзилади. Ҳарфлар ўлчов турига қараб танланади. Масалан, *B* — баландлик; *D* — узунлик, масофа ва кундаланг ёйлар; *O* — тўла айлана; *C* — ярим айлана; *P* — бўй (рост); *Ш* — кенглик (эни), кундаланг ёйлар; *Ц* — марказлар ўртасидаги масофа; *d* — диаметрлар; *F* — чуқурлик.


Индекслар ўлчанган жойни англатади. Масалан: *B_к* — кукрак баландлиги; *D_{бр, уз}* — орқанинг белгача узулиги; *O_к* — кукрак айланаси; *Ш_к* — кукрак кенглиги; *Ц_к* — кукрак безларининг учлари орасида масофа ва ҳоказо.

Антропометрик текширишлар оммавий равишда ўtkазиладиган ҳолларда стандартлаштирилган контакт ўлчаш асбоблари қўлланилади.

Мартина системасидаги ихчам, металл антропометр (1.21-расм, *a*) билан баландлик ўлчанади. Кундаланг ва олдинги кетинги проекция диаметрларини ўлчашда жуфт муфтали устки штангадан штангенциркуль сифатида фойдаланилади.

Катта циркуль (1.21-расм, *b*) тўғри диаметрларни ўлчашга мўлжалланган.

Айланаларни ўлчаш ва ёйсимон кундаланг ҳамда буйлама ўлчовлар учун сантиметрли тасма қўлланилади (1.21-расм, *v*).




1.21-расм. Антропометрик ўлчашт асбоблари

Тананинг массаси медицина муассасалари учун мүлжалланган ихчам тарозида тортиб аниқланади.

Чизиқли проекцион ўлчашлар (1.22-расм, *а*) полдан то антропометрик нұқталғача бұлған қүйидаги маълумотларни билдиради: $B_{бел. чиз.}$ (7)—бел чизигининг баландлиги; $B_{кучи}$ (6)—күкрак безлары учининг баландлиги; $B_{құлт. ор.}$ бурчаги. (11)—құлтиқ чуқурлиги орқа бурчагининг баландлиги; $B_{дұм. бур.}$ (12)—дүмба ости бурмаси-нинг баландлиги.

Әйли күндаланг периметр (айланы) лар трансверсал текисликларда сантиметрли тасма ёрдамида ўлчанади: $O_{бей.}$ (13)—бүйін айланаси (1.22-расм, *б*); $O_{к. I}$ (14) — күкрак айланаси, биринчи; $O_{к. II}$ (15) — күкрак айланаси, иккinci; $O_{к. III}$ — ёки O_k (16) — күкрак айланаси, учинчи; $O_{бел.}$ (18) — бел айланаси; $O_{сон.}$ (19) — сон айланаси (қориннинг баландлиги ҳам шу ҳисобга киради; 1.22-расм, *в*); $O_{тұп.}$ (24) — тұпиқ айланаси (1.22-расм, *г*); $O_{ел.}$ (28) — елка айланаси (1.22-расм, *ж*).

Әйли бүйлама ўлчашлар (баландлик, узунлик, масофа) тана айрим қилемларининг катталигини билдиради, бұнда сантиметрли тасмадан фойдаланылади: $D_{бен. бел.}$ (25) — бел чизигидан полгача (ён томондан) бұлған узунлик (1.22-расм, *ð*); $D_{олд. бел.}$ (26) — бел чизигидан полгача (олд томондан) бұлған узунлик; $D_{бел. ти.}$ (71) — бел чизигидан тиззагача бұлған масофа; $D_{ор. уз.}$ (40) — орқанинг бел чизигигача узунлиги (кураклар баландлиги ҳам шу ҳисобга кирган; 1.22-расм, *е*); $B_{ел. қия.}$ (41) — елка қиялиги баландлиги; $D_{пр. уз.}$ (43) — орқа томондан бел чизигидан бүйін асосигача бұлған масофа; $D_{құл. ти.}$ (62) — құлнинг тирсаккacha узунлиги (1.22-расм, *ж*); $B_{к.}$ (35) — күкрак баландлиги (1.22-расм, *з*); $D_{олд. бел.}$ (36) — олднинг бел чизигигача узунлиги; $B_{олд. ел. ж.}$ (60) — елка қиялигининг олд то-



1.22-расм, Эркаклар гавдасини ўлчаш усуллари

мондай баландлығи (1.22-расм, и); $D_{\text{бұл олд бел. 1}}$ (61)—бүйін асостидан бел чизигигача олд томондан үлчанған масофа.

Ейли күндаланғ үлчаушлар (кенглик, ёй) гавданинг айрим қысмалари кенглигини билдиради (бу үлчаушларни олишдә сантиметрли тасмадан фойдаланылади); $W_{\text{ел. кия}}$ (31)—елка қиялигининг кенглиги (1.22-расм, жаға қараңг); $W_{\text{ор.}}$ (47)—орқанынг кенглиги (1.22-расм, жаға қараңг); $W_{\text{к.}}$ (45) күкракнинг кенглиги (1.22-расм, кана қараңг); $W_{\text{к.}}$ (46)—күкрак безлари учлари оралиғи.

Чизигүли проекцион үлчаушлар (чуқурлук) гавданинг ҳолати $P_{\text{гав.}}$ (74) ни (1.22-расм, б жаға қараңг), белнинг чуқурлуги, биринчи $G_{\text{бел. 1}}$ ва белнинг чуқурлуги, иккисінчи $G_{\text{бел. 2}}$ (1.22-расм, в, г) билдиради.

Диаметрлар антропометрияның юқориги штангаси, катта циркуль билан үлчанади ёки бир белгининг үлчовини бошқа белги үлчовидан чегирип ташлаш йўлни билан ҳосил қилинади; $d_{\text{құл. в}}$ (69)—қўлнинг вертикал диаметри (1.22-расм, а жаға қараңг) үлчов белгиси 11 инчиг қийматидан үлчов белгиси 5 инчиг қиймати чегирип ташланаб ҳосил қилинади; $d_{\text{олд-ор. к.}}$ (58)—кўкрак айланаси, иккинчининг олдорға диаметри антропометрияның штангаси ёрдамида олд томондан, кўкрак безларининг энг баланд нуқталари устидаи, орқадан эса курак суюкларининг туртиб чиқиб турган нуқталарий устидан үлчанади; $d_{\text{олд-ор. с.}}$ (112)—сон айланаси сатҳидага олд-орға диаметри (1.22-расм, б)—антропометрияның юқориги штангаси ёки катта циркуль билан үлчанади;

$d_{\text{олд-ор. в.}}$ (111)—белнинг олд-орға диаметри (1.22-расм, г жаға қараңсан) —антропометрияның юқориги штангаси ёки катта циркуль билан үлчанади.

Үлчов белгиларининг номерлари ва таърифи «Тикилган, трикотаж, мўйна кийимлар. Эркакларнинг стандарт (типавий) жуссалари. Кийим лойиҳалаш учун үлчов белгилари» ОСТ 17-325—81 ва «Тикилган, трикотаж, мўйна кийимлар. Үғил болаларнинг стандарт жуссалари. Кийим лойиҳалаш учун үлчов белгилари» ОСТ 17-67—77 га мувофиқ берилган.

1.5.2. ЭРКАКЛАР ВА ҮҒИЛ БОЛАЛАРНИНГ РАЗМЕРЛАРИ ТАСНИФИ¹ ВА КИЙИМЛАР РАЗМЕРИНИ СТАНДАРТЛАШ

Аҳоли учун күплаб кийим ишлаб чиқаришда ҳамманинг тавдасини үлчаш ва ҳар бир кишининг размерини аниқлашнинг иложи йўқ, албатта. Шунга кўра аҳоли ўртасида қандай жуссалали одамлар кўпроқ учраса, кийимлар ана шундай кишиларга мўлжаллаб тикилади. Стандарт жуссаларнинг оқилона тузилган системаси размерлар таснифи (размерная типология) деб аталади. Размерлар таснифини оқилона тузиш вазифаси мумкин қадар камроқ жуссалар типини танлаб, кийим размерлариининг аҳолини кўпроқ қаноатлантиришига эришишдан иборат.

Стандарт жуссаларнинг оптимал сони аҳолини қаноатлантирадиган булиши лозим. Мавжуд стандартларда бу масала кўпроқ учрайдиган жуссаларга қараб ҳал қилинган: минг киши орасида камида 0,1 процентни ташкил этадиган жуссалар типи стандартга киритилган.

Текширилиши лозим бўлган кишилар сони бош вакиллар мажмуюи (генеральная совокупность) деб, унинг бир ҳисми эса терма вакиллар деб аталади. Терма вакиллар ичидаги муайян жуссалари кишилар бош вакиллар мажмуидагидек куп учрасагина улар эътиборга лойиқ ҳисобланади.

Терма вакилларга алоҳида талаблар қўйилади: улар орасидаги шаҳарликлар билан қишлоқликлар сони ўртасидаги писбат (аҳоли рўйхатига мувофиқ) процентларда ифодаланиши, болалар ва эркаклар ёш группаларининг процентларда ифодаланган нисбати ҳисобга олинган булиши, шаҳарлик вакилларга оғир ва енгил саноат соҳаларида меҳнат қиласидаги ишчи ва хизматчилар киритилиши лозим.

Шу талабларга биноан, катта ёшдаги аҳолидаи 1500—2000 кишининг, ҳар бир ёшдаги болалардан эса 100—150 кишининг гавдасини ўлчаш зарур (9).

Размерлар таснифини ҳамда размерлар антропологик стандартларини тузиш вақтида қўйидаги масалалар ҳал қилинади: етакчи ўлчов белгилари танланади; ҳар бир етакчи белги бўйича размер ўлчовдаги фарқсизлик интервали белгиланади; стандарт жуссаларнинг оптимал сони белгиланади; тобе ўлчов белгиларининг қийматлари ҳисоблаб чиқарилади; жуссаси жиҳатдан танлаб олинган типдаги кишилар аҳоли ичидаги қанчалиги аниқланади.

Эркаклар кийими размерларининг таснифини тузиш учун қўйидаги етакчи ўлчов белгилари қабул қилинган: P — рост (бўй); O_k — кўкрак айланаси, учинчи; $O_{бел}$ — бел айланаси. Ўғил болалар учун рост (бўй) ҳамда кўкрак айланаси (учинчи)ни билдирадиган белгилар қабул қилинган.

Размердан четга чиқиш чегараси, бошқача айтганда, размерлардаги фарқсизлик интервали қўйидагилардан иборат: бўй (рост) ва бел айланаси бўйича — 6 см (± 3 см); кўкрак айланаси учинчи бўйича — 4 см (± 2 см).

«Эркакларнинг типавий жуссалари. Кийим лойиҳалаш учун ўлчов белгилари» ГОСТ 17521—72 даги тавсияларга мувофиқ эркаклар учун 360 стандарт жусса аниқланган; «Тикилган, трикотаж, мўйна кийимлар. Эркакларнинг стандарт жуссалари. Кийим лойиҳалаш учун ўлчов белгилари» тармоқ стандарти ОСТ 17-325—81 да аҳоли учун кўплаб кийим тайёрлаш учун шу 360 жуссадан 125 таси қабул қилинган. «Ўғил болалар стандарт жуссалари. Кийим лойиҳалаш учун ўлчов белгилари» ГОСТ 17917—72 тавсияларига мувофиқ, ўғил болалар учун 114 стандарт жусса аниқланган; унинг 64 таси «Тикилган, трикотаж, мўйна кийимлар. Ўғил болаларнинг стандарт жуссалари»

ри. Кийим лойиҳалаш учун ўлчов белгилари» ОСТ 17-67—77 да кўплаб кийим ишлаб чиқариш учун қабул қилинган (1.1 ва 1.2-жадваллар).

Стандартга киритилган жуссаларнинг ҳар бирига хос етакчи ва тобе ўлчов белгилари қиймати мавжуд; шу билан бирга, тобе ўлчов белгилари қиймати жуда кўп регрессия тенгламалари бўйича аниқланади.

ОСТ 17-325—81 га мувофиқ, эркакларнинг стандарт жуссалари тўртта тўлалик группаси билан кўрсагилган. Гавданинг тўлалик дараражаси кўкрак айланаси (учинчи) қийматининг бел айланаси қийматига нисбати билан белгиланади. Бирин-кетин келадиган тўлалик группаларида бир номдаги размер ва ростга мансуб стандарт жуссалар бир-биридан бел айланаси бўйича олинган тўлаликаро интерваллар қийматича фарқ қиласди.

Тўлалик группалари, ўз навбатида, размер подгруппалари га ажратилган. Эркаклар учун кўкрак айланаси O_k , бўйича размерлар диапазони 84—128 ни, яъни 12 номерни ўз ичига олади. Размерларнинг биринчи подгруппасига: 2—4-тўлалик группалари учун — 84—104 размерлар, 1-тўлалик группаси учун — 92—112 размерлар киритилади. Эркаклар учун жами 6 та тўлалик-размер подгруппаси белгиланган. Подгруппалар ичida стандарт жуссалар рост бўйича бир-биридан фарқ қиласди.

Ҳар бир подгруппа учун муайян ёш белгиланган: кичик ёш группасига — 18—29 ёшдаги кишилар, ўрта ёш группасига — 30—44 ёшдаги кишилар ва катта ёш группасига 45 ёшдан ошган кишилар киритилади.

Ҳар бир подгруппада база тип кўзда тутилган; кийим шу типга мулжаллаб лойиҳаланади ва моделластирилади. Ёш белгиларини назарда тутиб, кийимни 15 та асосий типга мулжаллаб лойиҳалаш керак.

«Тикилган, трикотаж, мўйна кийимлар. Үғил болаларнинг стандарт жуссалари. Кийимни лойиҳалаш учун ўлчов белгилари» ОСТ 17-67—77 га мувофиқ, мамлакатимиздаги барча болалар 5 размер-ёш группасига киритилган; шу билан бирга, ўсирийлар группаси акселерат (тез ўсадиган ёшдаги бола)лар подгруппасини ҳам ўз ичига олади. Размерларнинг рост (узунлик) бўйича вариантлари шундай танланганки, улар катта ёшдаги кишилар размерларининг ростини ифодаловчи қийматларининг туташ қаторини ташкил этади.

Шундай қилиб, тармоқ стандартлари қўйидагиларни белгилаб беради: кўплаб кийим тайёрлаш учун керак бўладиган стандарт жуссаларнинг максимал сонини; стандарт жуссалар классификацияси (группалар)ни; кийимлар лойиҳаланадиган база стандарт жуссаларни; стандарт жуссалар ўлчов белгиларининг қийматларини; (2.8 ва 5.1- жадвалларга қаранг).

1.5.3. РАЗМЕР БҮЙИЧА АССОРТИМЕНТ

Мамлакатимиз территориясидаги катта ёшдаги аҳоли билан болаларнинг стандарт жуссалари бир-бирига ўхаш. Лекин мамлакатнинг айрим районларида улар процент жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди; бу фарқ этник, тарихий ва географик омиллардан келиб чиқади. Стандарт жуссаларнинг мамлакат айрим регионлари бўйича тақсимланганлик процентини аниқлаш учун аҳоли орасида етакчи ўлчов белгилари жиҳатидан антропометрик текширишлар олиб борилади ва бу натижаларга асосан стандарт жуссаларнинг процент ҳисобидаги тақсимланиш шкаласи ишлаб чиқилади.

Хозирги вақтда катта ёшдаги аҳоли учун: РСФСРда — 9 шкала, УССРда — 4 та ва бошқа республикаларнинг ҳар бирида биттадан шкала ишлаб чиқилган. Болалар жуссаси учун ҳам шкалалар лойиҳаси тузилган.

Шкалалар уч хил формада ишлаб чиқилган: 1) умумий шкала (бунда барча стандарт жуссаларнинг учраши 100 процент қилиб олинган); 2) тўлалик группаси бўйича тузилган шкала (бунда стандарт жуссанинг учраши 100 процент қилиб олиниб, ҳар бир тўлалик группаси бўйича алоҳида-алоҳида берилган); 3) ҳар бир тўлалик группасига мансуб подгруппалар бўйича тузилган шкала (бунда стандарт жуссаларнинг учраши 100 процент қилиб олиниб, ҳар бир подгруппа учун алоҳида-алоҳида берилган).

Янги размерлар типологияси жорий қилиш билан бирга, айни вақтда жуссалар типини ва тикилган кийимларни унификациялаш ҳамда стандартлаштириш ишлари ҳам олиб борилди. Ўзаро Иқтиодий Ёрдам Кенгаши стандартида эркаклар стандарт жуссаси ва кийимини учта етакчи белги: бўйи (рост) P , кўкрак айланаси (учинчи) $O_{\text{к.}}$ ва бел айланаси $O_{\text{бел}}$ бўйича маркалаш кўзда тутилган. Маркалар қўйидагича ифодаланади.

$P - O_{\text{к.}} - O_{\text{бел}}$. (руссаси — $P - O_r - O_b$). Болалар стандарт жуссаси ва кийими $P - O_{\text{к}}$ тарзида маркаланади. Қўшимча ўлчов белгилари, масалан, эркаклар кўйлаги учун $O_{\text{бсан}}$ — асосий ўлчовлардан кейин қўйилади. Барча ўлчовлар тўлиқ ёзилади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Кийим деталларининг чизма-ёйилмасини чизишнинг мураккаблиги нишадан иборат?
2. Кийим деталларининг ёйилмасини ҳосил қилиш муляж методининг моҳиятини айтиб беринг.
3. Бошланғич сирт бўйича кийим деталларининг ёйилмасини тузиш методлари қандай группаларга ажратилади?
4. Ёйилмалар ҳосил қилиш аналитик методининг моҳиятини айтиб беринг. Бу группага кирадиган методларнинг қайсилари энг кўп тарқалган?
5. Ёйилмалар ҳосил қилиш графика методининг моҳиятини айтиб беринг. Бу группага кирадиган методларнинг қайсилари энг кўп тарқалган?
6. Аҳоли учун кўплаб кийим ишлаб чиқариша ва алоҳида буюртма бўйича кийим тикинда энг кўп қўлланиладиган конструкциялаш методларини айтино беринг.

1. 1. Эркаклар стандарт жуссасининг кўкрак айланаси, бўйи (рост), тўлалиги ва ёш группалари жиҳатдан классификацияси

Тўлалик группаси номери	Ёш группаси	Тананинг узунлиги (рост), см	Стандарт жуссаарининг кўкрак айланаси бўйича размрлари, см											База жуссасининг ўр- тача номери	
			84	88	92	96	100	104	108	112	116	120	124	128	
1	Кичик, урта	164—188	—	—	70	76	82	88	94	100	—	—	—	—	176—100—82
2	Кичик, урта, кatta	158—188	—	70	76	82	88	94	—	—	—	—	—	—	170—100—88
	Урта, кatta	164—188	—	—	—	—	—	—	100	106	112	118	124	—	176—112—106
3	Кичик, урта, кatta	158—176	70	76	82	88	94	100	—	—	—	—	—	—	170—100—94
	Урта, кatta	158—176							106	112	118	124	130	136	176—112—100
4	Кичик, урта, кatta	158—176	76	82	88	94	100	106	—	—	—	—	—	—	170—100—100

Эслатма. Кичик ёш группасига мансуб эркаклар учун 1-тўлалик группасига кирадиган 176—92—70 жуссали ва 2- тўлалик группасига кирадиган 176—100—88 жуссали кишиларга мўлжалланадиган кийимлар моделини тузишга ва конструкциясини яратишга йўл кўпилади.

1. 2. Ўғил болалар стандарт жуссасининг рости (бўйи), кўкрак айланаси ва ёш группаси бўйича классификацияси

Ёш группалари бўйича ўғил болаларнинг кўкрак айланаси, см			бўйи (рости) см			
ясли ёшида (3 ёшгача)	мактабгача тарзия сенида (3 дан 7 ёшгача)	кичик ёшдаги ўқувчи- лар (7 дан 12 ёшгача)	урта ёндиаги ўқувчи- лар (12 дан 15,5 ёшгача)	ўспиринлар (15,5 дан 18 ёшгача)		

74	80	86	92	98	104	110	116	122	128	134	140	146	152	158	164	170	164	170	176	182	188
44	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
48	48	48	52	52	52	56	56	60	60	60	64	64	64	68	68	72	72	76	80	84	84
—	52	52	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	68	72	76	80	80	88	88	—
—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	72	72	76	76	80	92	92	—
—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	96	96	—
—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	100	100	—
—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	104	104	—
—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	108	108	—

Эслатма: 1. Асосий база жуссалар размери рамка ичидаги берилган; белгиланган ёш чегараларда кийимлар модели ва конструкцияси шу размрларга мўлжалланадиган тузилди.

2. Ўспиринлар группасидаги иккинчи подгруппа—ак селератлар—кўнда 100% чизик силан ажратиб кўйилган.

7. ЦНИИШП кийим конструкциялаш умумий методикаси ва ЦОТШЛ умумий методикасининг ўзига хос жиҳатларини ва афзалликларини айтиб беринг.

8. ЦНИИШП ҚҚУМ (кийим конструкциялаш умумий методи) нега универсал метод ҳисобланади?

9. ЦНИИШП кийим конструкциялаш умумий методида кийим бўлаклари ва чоклари ўрнини белгилаш учун нима асосий база ҳисобланади?

10. Узаро Йқтисодий Ёрдам Кенгаши ҚҚУМ нинг ЦНИИШП ҚҚУМ шдан фарқи нима?

11. Кийимлар конструктив белгилари бўйича қандай тақсимланган?

12. Узаро Йқтисодий Ёрдам Кенгаши ҚҚУМининг универсаллиги нимадан иборат?

13. Анатомия фани нимани ўргатади?

14. Мойфология фани нимани ўргатади?

15. Пластика анатомияси нимани ўрганади?

16. Одам танаси, яъни одамнинг гавдаси қандай қисмларга бўлиб ўрганилади?

17. Одам скелети қандай қисмлардан тузилган? Скелетнинг ҳар бир қисми қандай суклардан ташкил топган?

18. Елка камарини қандай суклар ташкил этади? Қўлларнинг эркин сукларни номини ва уларнинг бир-бирига нисбатан қандай жойлашганлигиши айтиб беринг.

19. Оёқлар скелети қандай суклардан тузилган? Уларнинг ўзаро жойлашини тартабини курсатинг.

20. Одам елкаси кўринишни жиҳатидан қандай формада бўлиши мумкин?

21. Одамнинг қорни, орқаси ва бўйни кўриниши жиҳатидан қандай бўлиши мумкин?

22. Қандай улчов белгиларини умумий (тоталь) белгиларга киритиш мумкин?

23. Одамнинг бўйи (рости) ёшга қараб қандай ўзгариши мумкин?

24. Турли ёшда одамнинг кўкрак айланаси қандай ўзгаради?

25. Одамнинг бутун умри бўйича танасининг вазни қандай ўзгаради?

26. Пропорция деб нимага айтилади? Эркаклар пропорция жиҳатидан қандай типларга ажратилади?

27. Одамнинг жуссасини нималар белгилайди? Жуссаси (андоми)га қараб эркаклар қандай типларга ажратилади?

28. Успирин уғил болалар жуссасининг қандай типлари маълум?

29. Андом нима? Андом нималарга боғлиқ?

30. Андомнинг қандай классификациясини биласиз? Тикувчилик саноатида андомнинг қандай классификацияси қабул қилингай?

31. Аҳолини улчов белгилари жиҳатидан ёппасига текшириш қандай аталади?

32. Одам гавдасидаги асосий антропометрик нуқталар ва текисликлар қандай аталади?

33. Антропологик улчовлар ўтказиша қандай талаблар қўйилади?

34. Улчовлар турига қараб улчов белгилари қандай ифодаланади (ёзилади)? Индекс нимани билдиради?

35. Ёппасига антропологик улчовлар ўтказиша фойдаланиладиган стандарт контакт улчаш асбобларининг номини айтиб беринг.

36. Мартин системасидаги ихчам металл антропометрдан қандай ўлчамларни олишида фойдаланилади?

37. Катта циркуль қандай улчамларни олишида қўлланилади?

38. Сантиметрли тасма қандай улчамларни олишида ишлатилади?

39. Қандай улчов (размер) белгилари чизиқли проекцион ўлчам ҳисобланади ва улар қандай ҳосил қилинади?

40. Қандай улчов белгилари периметр ўлчами деб аталади ва улар қандай ҳосил қилинади?

41. Бўйлама улчов деб қандай улчов белгиларига айтилади ва улар қандай досил қилинади?

42. Гавда айрим қисмларининг кенглиги қандай улчов белгилари билан кўрсатилади ва бу улчовлар қандай ҳосил қилинади?

43. Чукурлик ва диаметрлар қандай ўлчов белгилари билан күрсатилиади ва бу ўлчовларни ҳосил қилиш техникасини батафсыл айтиб беринг.

44. Қатта ёшдаги кишиларга ва болаларга оид размерлар типологиясиниң оқилюна ишлаб чиқишдан мақсад нима?

45. Бош мажмуу ва терманинг маъносини айтиб беринг.

46. Термаларга қандай талаблар қўйилади?

47. Размерлар типологиясиниң тузиши вақтида қандай масалалар ҳал қилинади?

48. Эркаклар ва ўғил болаларнинг размерлар типологиясини (таснифи) тузиши учун қандай етакчи ўлчов белгилари қабул қилинган?

49. Етакчи ўлчов белгилари бўйича размерлар бефарқлигининг қандай интерваллари қабул қилинган?

50. Куплаб кийин тайёрлаш учун эркаклар ва ўғил болаларнинг неча стандарт жуссаси қабул қилинган?

51. Кийим лояниҳалаш учун керакли ўлчов белгилари қандай ҳужжатларда курсатиб қўйилган булади?

52. Эркакларнинг размерлар таснифи структурасини айтиб беринг.

53. Ўғил болаларнинг размерлар таснифи структурасини айтиб беринг.

54. Стандарт жуссаларнинг процентлар ҳисобидаги тақсимланиш шкаласи қандай тузилади?

55. Эркаклар ва ўғил болаларнинг стандарт жуссалари ҳамда уларга тегишли кийимлар қандай маркаланади?

2. ЭРКАКЛАРНИНГ ЕЛКАСИ ЁСТИҚЧАЛИ КИЙИМИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ

Кийим деталларининг чизма-ёйилмасини чизиш бирин-кетин келадиган бир печа босқичга бўлиб бажарилади. Босқичлар сони ва уларнинг мазмуни конструкциялаш методига боғлиқ. Қўйидагилар энг кўп қабул қилинган босқичлар.

1-bosқич. Кийимнинг умумий конструктив-технологик таърифига ҳамда унга қўйиладиган талаблар: кийим (буюм)нинг кўриниши ва бичими, кийим конструкциясининг тури, етакчи белгиларига оид ўлчовлар ва ёш омилларига боғлиқ ўлчовлар, материалнинг форма ҳосил қилишга таъсир кўрсатадиган хоссалари ҳамда кийимнинг хоссалари, тикиладиган кийимга қўйиладиган талаблар аниқлашади.

2-bosқич. Бошланғич маълумотлар: мавжуд норматив-техник ҳужжатлар бўйича ўлчов белгилари ва пакет қалинлигига қўшиб бериладиган ҳақ танланади.

3-bosқич. Конструкция учун керакли маълумотлар ҳисоблаб чиқарилади. Бундан кўзланётган мақсад деталларнинг асосий ўлчамларини аниқлаш ҳамда конструкциянинг элементларини ўзаро мослашдир.

4-bosқич. Кийим чизмасининг база түрини тайёрлаш. У вертикал ва горизонтал чизиқлардан иборат бўлиб, чизиқлар орасидаги масофа дастлабки ҳисоблашга мувофиқ белгиланади.



2.1-расм. Кийим пакетининг қалинлигига берадиган ҳақни аниқлаш схемаси

5-босқич. Кийим чизмасининг асосий схемаси чизилади. Кийим чизмасининг бир хил бичимдаги кийимнинг турли моделлари учун умумий болган чизиқлари: кийим орқасининг ўрта (марказий) чизиги, бар чизиги, буюмнинг юқориги контурлари ҳамда конструкциянинг бошқа элементлари чизилади.

6-босқич. Конкрет моделга хос конструктив чизиқлар — пардоз баҳялар; барлар ва ёқа қайтармаси (лацкан) четига чизилади, чүнтаклар ўрни, ён чоклар ҳамда безак чоклар ўрнини билдирувчи ва бошқа чизиқлар тортилади. Кийимнинг чизмаси ҳосил қилинади.

7-босқич. Чизманинг сифати: деталларнинг туташадиган жойлари, ўлчамлари ҳамда кийим деталларининг бир номдаги зиҳларининг шакли, уларнинг ҳисоблаб чиқарилган ўлчовларга мослиги ва ҳоказолар текширилади.

Эркакларнинг елкаси ёстиқчали устки кийими деталларининг чизмасини ҳосил қилиш учун зарур маълумотлар эркаклар устки кийимини конструкциялаш методи бўйича берилган. Бу методни ЦНИИШПнинг майший кийимлар ассортиментлари ва уларни конструкциялаш лабораторияси ишлаб чиққан [8, 10—13].

Бу методда қўйидагилар кўзда тутилган:

Янги антропологик ўлчовлардан максимал фойдаланиш;

«Тикилган, трикотаж ва мўйна кийимлар. Эркакларнинг стандарт жуссалари. Кийим конструкциялаш учун ўлчов белгилари» ОСТ 17-325—81 га мувофиқ, стандарт жусса ўлчов белгиларининг абсолют қўйматларидан фойдаланиш;

конструкция деталларининг ўлчамларини тегишли ўлчов белгиларининг абсолют қўйматларидан ташкил топган формулалар бўйича аниқлаш, шунингдек, кийимнинг тўлалигига ҳамда ички қатламлари қалинлигига қўшиб бериладиган ҳақ ва бошқа чоклар ҳақини аниқлаш;

кийимнинг ассортименти, материалларнинг хоссалари, ишлов бериш технологияси, моданинг йўналишига қараб кийимнинг тўлалиги ҳамда ички қатламлари қалинлигига қўшиб бериладиган ҳақ ва бошқа чоклар ҳақини аниқлаш;

эркаклар кийими конструкциялаш методларига асосланаб, андазаларни кўпайтириш конструктив нуқталарининг жилитилиш даражасини аниқлаш.

Конструкция чизмасида нуқталар билан конструктив булакларнинг узаро боғлиқлигини аниқлагандан стандарт жуссалари манекенлар сиртининг ёйилмаларидан фойдаланилди [8].

Манекенлар сиртининг ёйилмаларини ҳосил қилинда деталларнинг булиниш ўрни антропометрик нуқталарга мос келади. Жуссанинг олдинги ва орқа томондаги симметрия чизиқлари, кўкрак безларининг энг баланд нуқталаридан ўтган чизиқ, бел айланаси билан сои айланаси чизиқлари манекенлар ёйилмасининг бошланғич чизиқлари сифатида қабул қилинган.

Бел өзүнги билан чекланган горизонтал текислик гавдадаги барча таяңч нұқтадарнинг ўрнини белгилаб берадиган бошланғыч база вазифасини бажаради.

21 КИЙИМНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШДА ҚҰШИЛАДИГАН ҲАҚЛАР ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ. КОНСТРУКЦИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ ҲИСОБИ

Кийим гавданинг ҳаракатында халақит бермаслиги, иссиқлик алмашинувни ростлаб турадиган гигиеник ҳаво қатлами ҳосил қилиши ва формаси жиһатидан мода талабларига мос келиши лозим. Конструкция учун керак буладиган маълумотларни ҳисоблаб чиқараётгандан құшимчама *так* (чок ҳақи)дан фойдаланаши йули билан бу талабларни қондириш мүмкін. [14]. Чуқур нафас олган вақтда күкрапқ қафаси баландлигининг узгаришига имкон берадиган энг кичик құшимчама ҳақ техник ҳақ деб аталади. Турли кийимлар учун техник ҳақлар қиймати құйыдағы белгиланған: устки күйлак учун — 2 см, пиджак учун — 3 см ва пальто учун — 4 см.

Конструкциянынг уч жойида: айлана бүйіча — бел, соң ва елканинг ярим айлана ўлчамларига; кенглик ўлчови бүйіча — орқанинг кенглигі ва күкрапқ кенглигиге; орқа ёқа ўмизинининг кенглигі ва баландлигига ҳамда орқа енг ўмизинининг чуқурилғыға құшимчама ҳақ берилади.

Кийимнинг тұқислигига чок ҳақи бериш-бермаслик буюмнинг тури, бичимнің ҳамда кийим тикиладиган материалнинг хилига боялғы.

Кийимнинг тұқислигига бериладиган ҳақдан ташқары, уннан пакети (ищек қатламлари) қалинлигига құшиладиган ҳақни ҳам ҳисобға олиш керак. Кийимнинг елка қисмидеги конструктив нұқтадардагина пакетнинг қалинлигига құшимчама ҳақ берилади [8].

Пакетнинг қалинлиги кийим материалининг шу нұқтадардағы қатламлары қалинлигидан ташкил топади. Масалан, пиджак пакетнинг қалинлигини майка, күйлакнинг ва пиджак пакетнинг, яғни авра, қистирма ва астарнинг қалинлиги ташкил этади. Кийимнинг күкрапқ қисмидеги қистирма қалинлигиге ҳисобға олинади. Пальтонынг пакети пиджак пакетини ҳам үз ичига олади. Пальто күкрапқ қисмининг пакетига шарфнинг қалинлигиге ҳам құшилади.

Қишки пальто учун авра билан астар оралығидеги иссиқлик сақловчы қатлам (ватин)нинг қалинлигиге ҳам ҳисобға олинади.

Кийим орқасининг ва кийим олдининг белгача бүлгап узунликтарига құшиладиган ҳақ ($P_{\text{ор. бел. уз.}}$ ва $P_{\text{олд. бел. уз.}}$) ларнинг қийматини ҳисоблаб чиқаришда пакетнинг қалинлигиге ҳамда елка қисмидеги қиялық дарежасы (21-расм) ҳисобға олинниш лозим. Раесдеги **Б** нұқта жуссанинг профил проекциясыда бүйін асосыннан нұқтаси-

ни билдиради; *AB* — орқанинг шу нүктадан бел чизигигача бўлган узунлиги; *BВ* — олдинг шу нүктадан бел чизигигача бўлган узунлиги. Гавданинг профилини тасвирловчи *ABB* эгри чизигидан 1 мм қочириб, шу чизиққа параллел равишда яна эгри чизиқ тортилган. Шу тарзда *ABB* эгри чизиги 3 мм узайтирилган. *AB* чизиги *BВ* чизигига тахминан тенг бўлганлигидан кийим кўкрак қисманинг орқа ва олдинги томондаги узунликлари хам бир хил, яъни пакет қалинлигининг ҳар 1 мм га 1,5 мм дан тўғри келади.

Хар хил кийимлар пакетининг қалинлигини билгач, кийим кўкрак қисманинг олд ва орқа томонлари узунлигига бериладиган қўшимча ҳақлар ($P_{\text{ор. бел. уз.}}$ ва $P_{\text{олд. бел. уз.}}$) ни аниқлаш қийин бўлмайди.

Орқадаги ўрта чизиқнинг юқориги учуни ҳамда олдинги ёқа ўмизининг энг юқориги нүктаси ўршини белгилашда $P_{\text{ор. бел. уз.}}$ (қўшимча ҳақ) дан фойдаланилади.

Кийимнинг елка қисмida пакетининг орқа ва олд томондаги қалинликлари учун бериладиган қўшимча ҳақ ($P_{\text{ор. ел.}}$ ва $P_{\text{олд. ел.}}$) ни аниқлашда эгри чизиқларнинг узайтириш нормаси пакет қалинлигининг ҳар 1 мм га 1,5 мм ҳисобидан қабул қилинади. Орқа пакетининг қалинлиги деталнинг бошидан охиригача бир хил бўлганлиги учун $P_{\text{ор. ел.}} = P_{\text{ор. бел. уз.}}$ деб қабул қилинади. Олд пакет қалинлиги учун қўшимча ҳақ ($P_{\text{олд. ел.}}$) эса борт остки қисманинг ҳамда шарфнинг қалинликлари ҳисобига $P_{\text{олд. бел. уз.}}$ дан бир оз камроқ бўлади.

Шу сабабдан орқа ёқа ўмизининг асоси еттинчи бўйин умуртқасига писбатан $P_{\text{ор. ёқа. сал.}}$ қийматича узайтирилади.

Енгнинг ўмизга чоклаб уланган жойидаги чокни ён томонга қайриб дазмоллаш учун енг бошининг баландлигига чок ҳақи ($P_{\text{енг. ел.}}$) қўшиб берилади. Кийимнинг материали қанча қалин бўлса, чок ҳақи шунча катта бўлиши керак.

2. I. Хар хил бичимли кийимларнинг орқа ($P_{\text{ор.}}$) ва олд ($P_{\text{олд.}}$) қисмларига кўкрак чизиги бўйича қўшиладиган ҳақлар (см)

Буюм ва материалнинг тuri	Қисман ёпишиб турадиган бичимли		Тўғри бичимли	
	$P_{\text{ор.}}$	$P_{\text{олд.}}$	$P_{\text{ор.}}$	$P_{\text{олд.}}$
Лиджак				
ип газламадан тикилган	1,7—2	1,4—1,6	2,5—3,0	2,0—2,4
жуи газламадан тикилган	1,0—1,7	1,0—1,5	2,0—2,5	1,5—2,0
триоотаж	1,0—1,5	0,8—1,3	1,5—2,0	1,0—1,6
Пальто				
енгил (баҳорги-куэги)	2,0—3,0	2,0—3,0	3,0—4,0	3,0—4,0
қишики	2,5—3,5	3,0—4,0	3,5—4,0	3,5—4,5

Эслатма. Жилемтанинг ярим кўкрак айланасига қўшиладиган чок ҳақи 3,5—5 см га тенг.

Елка ёстиқчасининг қалинлиги учун енг боси баландлыгига қўшиб бериладиган ҳақ модага боғлиқ бўлиб, ўрта ҳисобда 1 см қабул қўлинган.

Енг ўмизиг елка ёстиқчаси қалинлигига боғлик ҳолда узайтирилиши лозим. Шу мақсадда елка ёстиқчаси қалинлигининг ҳар 1 см га 2,5 см ҳисобидан ҳақ ($P_{\text{ум. ўз.}}$) қўшиб, ўмиз узайтирилади; жами қўшиладиган ҳақ енгнинг олд ва орқа ўмизларига баравар тақсиланади.

Айтиб ўтилган қўшимча ҳақлар 2,1 — 2,6- жадвалларда берилган.

2. 2. Кисман ёпишиб турадиган бичимли кийимларда соннинг ярим айланасига ($P_{\text{сон}}$) ва белнинг ярим айланасига ($P_{\text{бел}}$) қўшиладиган ҳақлар (см)

Кийимлар	$P_{\text{сон}}$	$P_{\text{бел}}$
Пиджак	4,0—6,0	Кийимнинг бичимига қараб модели бўйича
Енгил пальто	8,0—9,0	Шунинг ўзи
Қишики пальто	10,0—11,0	Шунинг ўзи

Эслатма. Жилемет учун $P_{\text{бел}}=3—4$ см.

2.3 Ҳар хил кийимларда енгнинг ва ёқанинг орқа ўмизларига қўшиладиган ҳақ (см)

Қўшимча ҳақнинг номи ва белгиси	Жилеметка	Пиджак	Пальто	
			енгил	қишики
Енг ўмизининг кенглиги учун (чуқурлиги бўйича қўшилади), $P_{\text{ум. чук.}}$	3,5—5,0	2,5—3,0	4,0—5,0	4,0—5,0
Орқа ёқа ўмизи кенглигига қўшилади $P_{\text{ор. ўм. кенг.}}$	1,5	1,0—1,5	1,5—2,0	2,5—3,0
Орқа ёқа ўмизи баландлигига қўшилади, $P_{\text{ор. ёқа сал.}}$	0,2	0,2	0,3—0,4	0,5—0,6

2. 4. Ҳар хил бичимли кийимларда енгнинг тўқислиги учун елка айланаси ўлчамига қўшиладиган ҳақ $H_{\text{ел. айл.}}$ (см)

Кийимлар	Кисман ёпишиб турадиган бичимли	Тўғри бичимли
Пиджак	9,0—10,5	11,0—12,0
Енгил пальто	13,0—14,0	14,0—15,0
Қишики пальто	13,0—15,0	15,0—17,0

2. 5. Ҳар хил материаллардан тикилган кийимларда енг бошини буриб ўтқазиш нормаси // (енг ўмизи узунлигининг ҳар 1 сантиметрига қушладиган ҳақ, см)

Материаллар	Енг бошини буриб ўтқазиш нормаси
Жүнга сұнның тола құшиб түкілған костюмбоп материал Костюмбоп камволь материал	0,06—0,07 0,07—0,08
Пальтобол камволь материал, костюмбоп тоза жүн мовут, пальтобол іопқа жүн мовут	0,1
Пальтобол ғөза жүн материал, иш аралаш жүндән түкіл- ған іопқа мовуг ва қалин мовут	0,125
Жүндән түкілған іомшоқ мовут, іопқа мовут	0,15

Кийимнинг орқа қисмлари ва енг узунлиги, шим узунлигига қушладиган чок ҳақи $У_р$ шу қисмлар узунлигининг 1,5% ни, олд қисмларида эса 2% ини ташкил этади.

Буюмнинг кенглигига құшиб бериладиган чок ҳақи: орқа томонда — 0,3 см ва олд томонида (пиджак ва пальто учун) 0,5 см. Шимнинг бел ва сон чизиқлари бўйича қушладиган чок ҳақи эса 1 см га тенг.

Кийим деталлари конструкциясининг чизмаларини тайёрлашнинг паваттаги босқичи дастлабки ҳисоблашдан иборат. Бу босқичда енгнинг мўлжалланган кенглиги ва шунга яраша енг ўмизнининг кенглиги аниқланади; мўлжалдаги (модель) конструктив чок ҳақларига мувофиқ, кийим орқаси ва олдининг кенгликлари ҳисоблаб чиқарилади.

Енг тена қисмининг кенглиги елка айланаси ўлчовига қўшиладиган ($P_{ок}$) ва енгнинг тўқислигига құшиб бериладиган чок ҳақи ($P_{ел. айл.}$) га асосан белгиланади. Қўшиладиган ҳақ модель бўйича ёки чоклар ҳақи кўрсатилган жадваллардан олиниши мумкин. Енгнинг кенглиги қўйнлаги формула бўйича аниқланади:

$$Ш_{енг} = O_{ел.} + P_{ел. айл.}$$

Енг ўмизи кенглигини белгилаш учун аввало ўмиз чуқурлиги билан енг боши баландлигини, енг боши ва ўмиз узунлигини ҳисоблаб тоглиш керак: ёпиқ ўмиз баландлиги

$$B_{ш_{енг}} = d_{кўл. вспр.} + P_{ум. чук.} + P_{ест. қол.} + 0,5;$$

енг боши баландлиги

$$B_{енг. бош} = B_{ш_{енг.}} (1 + H) + P_{енг. бал.};$$

енг боши узунлиги

$$Д_{енг. бош} = 1,51 (0,5 Ш_{енг.} + B_{енг. бош});$$

енг ўмизи узунлиги

$$Д_{ш_{енг.}} = Д_{енг. бош.} / (1 + H);$$

енг ўмизи кенглиги

$$Ш_{ш_{енг.}} = 0,6^*(Д_{ш_{енг.}} - P_{ш_{енг.} уз.}) - (B_{ш_{енг.}} - P_{ест. қол.})$$

* $D_{ш_{енг.}}$ ни аниқлаштганда коэффициент 0,6 дан 0,62 гача ўзгариши мумкин.

Орқанинг кенглиги:

$$W_{op.} = W_{op.} + P_{op.} + (0,3 - 0,4) + Y_p$$

бу ерда 0,3—0,4 см—эркин ҳад (урта чизиқни белгилаш вақтида торайған орқанинг тегишили кенглигини тиклайди).

Кийим олдининг кўкрак чизиги бўйича кенглиги:

$$W_{old.} = W_k. + (C_{k. II} - C_{k. I}) + P_{old.} + Y_p$$

Кийимнинг кўкрак чизиги бўйича тўқислигини таъминлаш учун қўшиладиган умумий конструктив чок ҳақи P_k , орқанинг қўшимча ҳақ ҳисобга олинмаган ҳолдаги, енг ўмизи ва кийим олдининг формула бўйича ҳисоблаб топилган кенгликлари билан кўкрак айланаси учинчى ўлчовининг ярми ўртасидаги фарқقا тенг:

$$P_k. = [W_{op.} + P_{op.} + 0,6(D_{ym.} - P_{ym.yz.}) - (B_{ym.} - P_{est. qal.}) + \\ + W_k. + (C_{k.II} - C_{k.I}) + P_{old.}] - C_k.$$

2. 6. Кийим пакети (авра билан астар орасидаги қатлам) эвазига қўшиб бериладиган ҳақ, см

Қўшимча ҳақлар	Белгиси	Жильтека	Пиджак	Пальто		
				енгил ватин- сиз	Бир қал- матинли	
					Кишин	
Орқадаги ёқа ўмизи асосининг баландлигига қўшиладиган ҳақ	$P_{op. \text{ ёқа. } \text{сал.}}$	—	0,7	1,5	1,5	2
Орқадаги бел чизигининг узунлигига қўшиладиган ҳақ	$P_{op. \text{ бел. } \text{уз.}}$	0,3	0,4	1,2	1,4	1,6
Орқада елка нуқтасига қўшиладиган ҳақ	$P_{old. \text{ бел. } \text{уз.}}$	0,7	0,8	3,3	3,5	3,8
Олдинда елка нуқтасига қўшиладиган ҳақ	$P_{op. \text{ ел.}}$	0,3	0,4	1,2	1,4	1,6
Олдинда елка нуқтасига қўшиладиган ҳақ	$P_{old. \text{ ел.}}$	0,5	0,7	1,5	1,7	2
Ўмизга улказиб тикиладиган енг боши баландлигига қўшиладиган ҳақ (чокни қанириш ҳақи)	$P_{eng. \text{ сал.}}$	—	0,9	1,2	1,2	1,7
Елка ёстиқласининг қалинлигига бериладиган ҳақ (моделга боғлик)	$P_{est. \text{ қал.}}$	—	0—1	0—2	0—2	0—2,5
Елка ёстиқласининг қалинлиги ҳисобига енг ўмизини узайтириш ҳақи	$P_{ym. \text{ уз.}}$	—	0—2,5	0—5	0—5	0—6,3
Кийим олдининг $ГГ_1$ ва $T_1 T_2$ қисмларига қўшиладиган ҳақ (2. З-расмга қаранг)	$P_{k. k.}$	—	0,5	1	1,2	1,4

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР


1. Кийим деталларининг чизма-ёйилмаларини ҳосил қилиш қандай бос-қичларга бўлинади?
2. Шу босқичларнинг биринчисида нималар аниқланади?
3. Одам гавдаси ўлчовлари ва қушимча ҳақлар қийматини аниқлашда қандай ҳужжатлардан фойдаланилади?
4. Дастробки ҳисоблашдан мақсад нима?
5. Буюм чизмасининг база тури нимадан иборат?
6. Буюм чизмасини асосий схемасини тузиш вақтида қандай ишлар қилинади?
7. Олтинчи босқичда қандай конструктив элементлар тайёрланади?
8. Буюм чизмасини тайёрлаш вақтидаги охирги операцияларни айтиб беринг.
9. ЦНИИШП кийим конструкциялаш умумий методи (ҚҚУМ) нинг асосий мазмунини айтиб беринг.
10. ЦНИИШП ҚҚУМини бошланғич базаси қилиб нима қабул қилинган?
11. Техник ҳақ деб нимага айтилади? Ҳар хил кийимлар учун унинг қандай аҳамияти бор?
12. ЦНИИШП ҚҚУМи буйнча ишлаб чиқилган қушимча ҳақларнинг турларини айтиб беринг.
13. Кийим пакетининг қалинлигига қушиб бериладиган ҳақ қай тарзда ҳисоблаб чиқарилади?
14. Қушимча ҳақлар системасида материаллар қай тарзда ҳисобга олилади?
15. Кийимнинг турлі қисмлари материалларига ишлов бериш учун белгиланган чок ҳақлари қай тариқа ҳисобга олилади?
16. Кийим конструкциясининг дастроаки ҳисоби мазмунини айтиб беринг.
17. Кийим орқаси ва олдининг кенгликлари қандай ҳисоблаб чиқарилади?
18. Енгиниг кенглиги қандай ҳисоблаб топилади?
19. Енг умизининг кенглиги билан упин чуқурлиги ва узунлиги ўртасида, шунингдек, енг умизининг кенглиги билан енг бошининг баландлиги ҳамда узунлиги ўртасида қандай боғланиш бор?
20. Кўкрак чизиги буйнча қушиб бериладиган умумий конструктив ҳақ (Пк) нимадан ташкил топади ва қай тарзда аниқланади?

2.2. ЕЛКАСИ ЁСТИҚЧАЛИ КИЙИМЛАРНИГ АСОСИЙ ЧИЗМАСИНИ ЧИЗИШ ВА ҲИСОБЛАШ

Эркакларнинг елкаси ёстиқчали ташқи кийимларининг турлари жуда кўп; лекин уларни конструкциялаш учун фойдаланиладиган ва бир-биридан принципиал фарқ қиласидан база асослар сони нисбатан чекланган. Айни вақтда елкаси ёстиқчали кийимлар конструкциясининг чизмаси учун керак буладиган маълумотларни ҳисоблаб чиқариш ва чизма тайёрлаш тартиби ҳамда асосий ҳисоблашлар универсал ҳисобланади.

Елкали кийимларни конструкциялаш ва чизмасини тайёрлаш учун эркаклар гавдасининг қўйидаги ўлчов белгилари керак бўлади:

$B_{\text{к.без.}}$, $B_{\text{бел. чиз.}}$, $O_{\text{бўлин.}}$, $O_{\text{кI}}$, $O_{\text{кII}}$, $O_{\text{к.}}$, $O_{\text{сон.}}$, $O_{\text{ел.}}$, $Ш_{\text{ел.к.}}$, $B_{\text{к.}}$,
 $D_{\text{олд. сел.}}$, $D_{\text{ор.уз.}}$, $B_{\text{ел. к.}}$, $B_{\text{олд. ел. к.}}$, $D_{\text{ор. уз. I}}$, $D_{\text{бўян олд. бел.}}$, $Ш_{\text{к.}}$, $Ц_{\text{к.}}$,
 $Ш_{\text{ор.}}$, $D_{\text{к.т.}}$ тир., $d_{\text{кул. верт.}}$, $\Pi_{\text{гав. ҳол.}}$, $\Gamma_{\text{бел I}}$, $\Gamma_{\text{бел II}}$, $d_{\text{олд. ор. к.}}$,
 $d_{\text{олд-ор. бел.}}$, $d_{\text{олд-ор. сон.}}$.



2.2-расм. Елкаси ёстиқчали әркаклар кийимнинг асосий чизма тўри


Тўрининг вертикаль чизиқлари ва конструктив бўлаклар: A_0H — орқанинг марказий чизиги; $a\Gamma_5$ — енг ўмизининг чуқурлиги; ΓH_5 — (T_4H_b) — бар чизиги.

2.2.1. ОРҚАНИНГ ЎРТА ЧИЗИГИ

ЦНИИШП кийим конструкциялаш умумий методига мувофиқ чизмадаги бел чизиги база чизиқ ҳисобланади. Шунга кўра чизмани чизган вақтда унинг чап бурчагига қозоц четидан чап томонда 5—6 см ва тепада 50—60 см қочириб T нуқта қўйилади; бу нуқта бел чизиги ўрнини билдиради. T нуқта орқали тепага ва пастга вертикаль чизиқ тортилади (2.3 ва 2.4-расмлар).

Ўрта чизиқнинг қандай чизилиши кийимнинг бичимиға, шунингдек, унинг орқаси кесикли ёки яхлит бўлишига боғлиқ.

T нуқтадан тепага қараб тортилган чизиқ охирига A_o нуқта қўйилади, ҳосил бўлган TA_o чизиқ бўйин нуқтаси ўрнини билдиради:



2.3-расм. Пиджакнинг асосий чизмаси

Елкаси ёстиқчали кийимлар конструкциясининг чизмасида ҳеч қандай чок ҳаки ва қўшимча хақлар берилмайди [13]. Асосий чизма база тўрга чизилади; база тўр горизонтал ва вертикаль чизиқлардан иборат бўлиб, бу чизиқлар (2. 2-расм) бошқалардан аниқ ажраби турадиган антропометрик нуқталар ва чизиқлар орқали утади [15].

Тўрининг горизонтал чизиқлари ва конструктив бўлаклари:

TT_{04} — сел чизиги, кийимнинг кенглиги;

$\Gamma_5\Gamma_6$ — енг ўмизининг кенглигини билдирувчи чизик;

A_0a — кийим орқасининг кенглиги;


$B\bar{B}_2$ — сон чизиги;

HH_b — этак чизиги.



2.4-расм. Ҳар хил бичимли кийимнинг орқасидаги ўрта чизигини чизиш

2.5-расм. Орқанинг витачкасиз елка чизигини ҳосил қилиш ва чизиш



$$TA_0 = D_{\text{оп. уз.}} + \Pi_{\text{оп. бел. уз.}} + Y_p.$$

A_0 , нуқтадан пастга вертикал бўйлаб A_0Y кесмани қўямиз, ҳосил бўлган A_0Y чизиги орқанинг ўрта чизиги қиялигининг бошланниш жойини билдиради:

$$A_0Y = 0,3D_{\text{оп. уз.}}$$

T нуқтадан пастга вертикал чизиқ бўйлаб TB кесмани қўямиз, ҳосил бўлган TB чизиги сон чизиги ўринини билдиради:

$$TB = 0,5 \cdot D_{\text{оп. уз.}} - 2,5 \text{ см.}$$

A_0Y , T ва B нуқталардан ўнг томонга горизонтал чизиқлар тортилди.

Одамнинг орқаси эгри бўлганлиги учун чизмада ўрта чизиқ бел чизиги бўйлаб ўнгга $TT_1 = 2,2$ мм сурилади.

T_1 нуқта Y нуқта билан туташтирилади. Бели қисман ёпишиб турадиган бичимли кийимларда орқанинг ўрта чизиги бел чизифидан пастга қараб вертикал йўналишда давом этади. Тўғри бичимли кийимларда ўрта чизиқ бел чизигининг T нуқтасидан ўтади (2.5-расм; 2.4-расмга ҳам қаранг). Тўғри бичимли кийимда ўрта чизиқнинг сон чизиги билан кесишган нуқтаси B ҳарфи билан, бели қисман ёпишиб турадиган бичимли кийимда эса B_1 ҳарфи билан белгиланади.

Бели қисман ёпишиб турадиган бичимли кийимнинг чизмасида Y нуқтадан пастга вертикал бўйлаб $YY_1 = A_0Y$ кесма қўйилади. Y_1 нуқтадан ўнгга горизонтал чизиқ тортилади, унинг орқа чизиқ билан кесишган нуқтаси Y_2 билан белгиланади (2.3 ва 2.4-расмларга қаранг).

Орқанинг ўрта чизигини ўнгга суриш миқдори бели қисман ёпишиб турадиган бичимли кийимда қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$A_0A_{01} = \Pi_{\text{тав.хол.}} - \Gamma_{\text{бел.}} - 0,3 \text{ см} - Y_1Y_2.$$

тұғри бичимли орқаси йирмочли кийимда қуидаги формуладан фойдаланылады:

$$A_0 A_{01} = \Pi_{\text{гав. хол.}} - \Gamma_{\text{бел.}} - 1,3 \text{ см.}$$

Тұғри бичимли орқаси қирқимсиз кийимларда орқасинің үрта чизигі белгиланмайды (2.4- расмга қаранд).

Бели қисманаң ёпишиб туралған ва тұғри бичимли, орқаси қирқимлы кийимларнинг чизмаларыда Y ва A_{01} нүкталар (тұғри бичимли орқаси йирмочсиз кийимларда Y нүкта билан A_0 нүкта) үзаро туганырылып, тұғри чизик юқорига дәвом еттирилады. Бу чизиқтә $A_{01}A$ (A_0A) кесмалар қойылады, бу орқа үрта чизик баландлығини сипаттайды; бели қисманаң ёпишиб туралған, орқаси йирмочли кийимда $A_{01}A = \Pi_{\text{ор. ёқа. бел.}}$; тұғри бичимли орқаси йирмочсиз кийимда эса $A_0A = \Pi_{\text{ор. ёқа. уз.}} + 0,6$ см; тұғри бичимли орқаси йирмочли кийимда $A_0A = \Pi_{\text{ор. ёқа. уз.}} + 1,2$ см (88 — 104- размерлар учун) булады. Йирик жүссали кишилар орқасининг әгрилігі катта бұлғанлығыдан уларға мұлжалланған катта размерли кийимларнинг орқасини йирмочли қилиш тавсия этилады.

AUT_1 — бели қисманаң ёпишиб туралған бичимли кийимлар орқасининг үрта чизиги; $AUTB$ — тұғри бичимли кийимлар орқасининг үрта чизиги (2.4- расмга қаранд). Бели қисманаң ёпишиб туралған бичимли ва тұғри бичимли орқаси йирмочли кийимларда орқасинің үрта чизигига Y нүкта сатыда равон әгри чизик воситасыда шакл берилады.

A нүктадан пастта кийимнинг узунлигига тенг вертикаль чизик тортылып, H нүкта билан белгиланады (2.3- расмга қаранд). Кийимнинг узунлиғы AH моделга қараб ёки кийимларнинг узуплик шкаласын бойынша белгиланады:

$$AH = D_{\text{кийим}} + Y_p.$$

H нүктадан үнгга горизонтал чизик тортилады.


2.2. ОРҚАНИНГ ЮҚОРИГИ КОНТУРЛАРЫ

A_0 нүктадан үнгга (2.3—2.6- расмларга қаранд) горизонтал чизик тортылып, орқасинің кенглигі белгиланады. A_0A чизиқнинг узунлигі дастлабки ҳисоблашдан олинади. a нүктадан пастта вертикаль чизик туширилады, уннан бел чизиги билан кесишгандын нүкта T_2 билан белгиланады.

A нүкта AU чизигига нисбатан ҳосил қилинған перпендикуляр чизиқда орқа ёқа үмиси чизилади. Орқа ёқа үмиси (AA_1) нинг кенглигі:

$$AA_1 = C_{\text{кенг.}} / 3 + \Pi_{\text{ор. ўм. кенг.}}$$

Орқа ёқа үмисинің баландлығини $A_1A_2A_1$ нүктадан юқорига AA_1 чизигига перпендикуляр қилип қойылады:



2.6- расм. Орқасинің витачкалы елка чизигини ҳосил қилиш ва чизип

$$A_1 A_2 = 0,15 C_{\text{кенг}} + \Pi_{\text{оп. ёқа. бал.}}$$

A ва A_2 нүкталар равон әгри чизиқ билан үзаро туташтирилиб, орқа ёқа үмизи ҳосил қилинади.

Елканинг Π нүктасини белгилаш учун (2.3, 2.5 ва 2.6- расмларга қаранг) орқа ёқа үмизининг энг баланд нүктаси A_2 дән радиуси R елка қиялиги кенглиги ($W_{\text{ел.к.}}$) га тенг келадиган ёй чизилади; пиджак учун $W_{\text{ел.к.}} = 0,5$ см, пальто учун $W_{\text{ел.к.}} = 0,7 - 1$ см.

Кийимнинг бичимидан қатти назар, T_1 нүктадан иккинчи ёй чизилади; унинг биринчи ёйин кесиб ўтган нүктаси Π белгиланади; иккинчи ёйининг радиуси

$$R_2 = (B_{\text{ел.к.}} - 1,5) + \Pi_{\text{оп.ел.}} + 0,5 \Pi_{\text{ым.ys.}} + Y_p,$$

бу ерда 1,5 см — елка четининг (модель бўйича) кўчирилишини анатлади.

Тўғри бичимли кийимларда R_2 радиуси орқаси йирмочли кийимларда 0,6 см, орқаси йирмочсиз кийимларда эса 1,2 см (орқа ёқа үмизининг баландлигича) үзайтириш керак.

Ёйларнинг кесишган жойидаги Π нүкта елка нүктаси ҳисобланади ва уни тўғри чизиқ ёрдамида A_2 нүкта билан туташтирилади.


Кийимнинг орқасини курак суюклари думбоқлигига ё дазмоллаб, ёки елка чокидаги витачка ёрдамида мослаш мумкин. Буниг учун чизмага пиджак учун 0,7 см, пальто учун 1,2 см дазмол ҳақи ёки 2,0—2,5 см чок ҳақи қўшилади. Шу мақсадда елка чизиги Π нүктадан ўнг томонга шу қиймат катталигига үзайтирилиб, P_1 нүкта қўйилади (2.3 ва 2.6- расмларга қаранг). Орқанинг энг үмизини дазмоллаб мослаш учун үмиз чизиги P_1 нүктадан тепага қараб 0,5—0,8 см үзайтирилади ва уни P_2 нүкта билан белгиланади.

Елка чизифидаги A_2 нүктадан ўнг томонга елка қиялиги кенглиги (1/3) — a_1 нүкта қўйилади (2.6- расмга қаранг). Елка чокидаги витачканини кенглиги $a_1 a_2 = 2,0 — 2,5$ см.


I нүктанинг ўрнини белгилаш учун орқадаги ўрта чизиқнинг Y нүктасидан ўнгга, горизонтал чизиқ бўйича 0,4 $W_{\text{оп.}}$ га тенг масофа ўлчанади ва I ҳарфи билан белгиланади. a_1 нүкта I нүкта билан туташтирилади, ҳосил бўлгани $a_1 I$ чизиқ витачканинг ўналишини билдиради. a_1 нүктадан ўнгга 2,0 — 2,5 см (витачка ҳақи) ўлчанади ва a_2 нүкта қўйилади. Витачканинг узунлиги (чуқурлиги) 7 — 8 см га тенг (I_1 нүкта). I_1 нүкта витачканинг тепадаги учига туташтирилади. Витачканинг тепадаги учини аниқлаш учун P_{81} нүктанинг ўрнини топиш керак. $A_2 \Pi$ ва $I_1 P_8$ радиусли айланаларнинг ёйлари кесишган жой P_{81} нүктанинг ўрни булади. $A_2 P_{81}$ чизиқ витачка ($I_1 = I_1$) ёпи ёзи (тиклилган) ҳолдаги елка чизифини билдиради. a_4 нүкта P_8 нүкта га тўғри чизиқ ёрдамида туташтирилади.

2.2.3. Кийим олдининг белдан юқори қисми

T_2 нүктадан (2.3- расмга қаранг) ўнг томонга горизонтал чизиқ ёйича аввал енг үмизининг кенглиги (T_3 нүкта), кейин полочка



2.7-расм. Катта размерли, ёнбоши кесилмаган кийим олдининг асосий чизмаси



2.8-расм. Кийим олдининг елка чизигини чизиш

кенглиги (T_{04} нүкта) қўйилади. T_2T_3 ва T_3T_{04} чизикларининг узунлиги дастлабки ҳисоблашдан олинади. Кийим олди орїага тортиб кетмаслиги учун чизмада T_3T_{04} чизиқ 5 см узайтирилади (2.20-расм; 2.7-расмга қаранг). T_3 ва T_{04} нүкталар орқали вертикаль чизиқлар тортилади. T_{04} нүктадан ўтган вертикаль чизиқ кичик размерли (1-тўлалик группасига кирадиган 92—112- размерли, 2- тўлалик группасига кирадиган 88—104- размерли ва 3- ҳамда 4- тўлалик группаларига кирадиган 84—102- размерли) кийимларнинг бортлари чизигини билдиради.

T_3 нүктадан чапга горизонтал чизиқ тортилиб, T_5 нүкта қўйилади; ҳосил бўлган T_3T_5 чизиқчанинг узунлиги 3,5—4,5 см бўлиб, ён витачка ўрнини билдиради:

$$T_3T_5 = 3,5 - 4,5 \text{ см (моделга боғлиқ).}$$

T_5 нүкта орқали вертикаль чизиқ тортилади.

Олдинги бел чизиги T_{01} нүктадан ўтган горизонтал чизиққа нисбатан бирмунча пасайтирилади:

$$T_{01}T_4 = [T_{01}T_5 - (L_k + P_{k,k})] \Delta / (B_{k,\text{без.}} - B_{\text{бел.чиз.}}),$$

бунда $\Delta = [d_{\text{олд.-ор.бел.}} + \Gamma_{\text{бел.}}] - d_{\text{олд.-ор.к.}}] / 2$.

Катта размерли (2- тўлалик группасига кирадиган 108—124- размерли ва 3- тўлалик группасига кирадиган 108—128- размерли) кийимларнинг борт чизиги ўнг томонига қорин баландлиги (улчов белгиси $B_{\text{кор.}}$) нинг ярмига узайтирилади (27-расмга қаранг):

$$T_4T_{41} = B_{\text{кор.}} / 2 = [d_{\text{олд.-ор.сон.}} - (d_{\text{олд.-ор.бел.}} + \Gamma_{\text{бел.}})] / 2.$$

T_{41} нүктадан пастга вертикаль чизиқ туширилади; бу — катта размерли кийимларнинг бортларини билдирувчи чизиқдир. Шу борт чизиги бўйича $T_4(T_{41})$ нүктадан $0,5 \cdot D_{\text{од.сон.}} - 2,5$ см пастга B_2

нуқта құйилади; бу T_4B_2 (T_4B_2) чизик соң чизигипи билдиради (2.3-ва 2.7-расмларга қараңг);

$$T_4B_2 (T_{41}B_2) = TB = 0,5 \cdot D_{\text{оп.бел.}} - 2,5 \text{ см.}$$

$T_4(T_{41})$ нуқтадан чапға горизонтал чизик бүйіча $D_k + P_{\text{ц.к.}}$ қийматига тенг масофа ұлчаниб, T_6 нуқта құйилади; натижада T_4T_6 ($T_{41}T_6$) чизик ҳосил бұлади. T_6 нуқта T_6 нуқта билан туташтирилади. Ҳосил бұлған $T_5T_6T_4$ чизик олдығы бел чизигипи билдиради.

Қийим олдининг кенглигини күрсатувчи вертикаль чизик билан бел чизиги кесишгән жой T_7 нуқта билан белгиланади.

T_4 нуқтадан юқорига томон вертикаль чизик бүйіча $T_4\Gamma$ чизик ұлчаниади; бу чизик күкрап маркази үрнини билдиради:

$$T_4\Gamma = (D_{\text{олд.бел.}} - B_k) + 0,5 P_{\text{олд.бел.уз.}} + Ur.$$

Γ нуқтадан чапға горизонтал чизик тортилади, унга кесма құйилади ва у күкрап марказини билдиради:

$$\Gamma\Gamma_1 = D_k + P_{\text{ц.к.}}$$

Γ_1 нуқтадан чапға T_5T_6 чизикқа параллел чизик тортилади, уннинг олд кенглигини күрсатувчи вертикаль чизик билан кесишгән нуқтаси Γ_1 билан белгиланади. Γ_3 нуқта Γ нуқта билан туташтирилади.

Γ_1 нуқтадан перпендикуляр (тик чизик) туширилади ва Γ_2 нуқта құйилади.

Γ нуқтадан юқорига борт чизиги бүйіча $\Gamma\Gamma_4$ кесма құйилади:

$$\Gamma\Gamma_4 = \Gamma_1\Gamma_2 + Ur.$$

Қийимнинг шу қисміда кийим олдига құшыладынан чок ҳақи: пиджак учун — 0,5 — 0,8 см, пальто учун — 1,0 — 1,5 см.

Γ_1 нуқта Γ_4 нуқта билан түғри чизик ёрдамда туташтирилади ва Γ_4 нуқтадан юқорига томон $\Gamma_1\Gamma_1$ чизикқа перпендикуляр чиқарылади. Бу перпендикуляр борт чизигининг күкрап чизигідан юқориги қисмини билдиради. Катта размерли кийимлар учун Γ ва Γ_{41} нуқталар үзаро туташтирилади (2.7-расмға қараңг).

Олд ёқа ұмизининг эң баланд нуқтаси үрнини белгилаш учун борт чизигининг юқориги қисміда унга параллел қилиб вертикаль орқа ёқа ұмизи кенглиги (AA_1) га тенг чизик тортилади (2.8-расм). T_6 нуқтадан R радиус билан Ѽй чизиб (2.8-расмда күрсатылмаган), айланға Ѽйнинг мазкур вертикаль чизик билан кесишгән жойига A_1 нуқта құйилади:

$$R = D_{\text{олд.бел.}} + [D_{\text{оп.бел.1}} - (D_{\text{оп.бел.1 факт}} - P_{\text{оп.бел.уз.}} - Ur) + \\ + P_{\text{олд.бел.уз.}} + Ur,$$

бұнда — $D_{\text{оп.бел.1 факт}}$ — чизмада T_1 нуқтадан UT_1 түғри чизигига (2.3-расмға қараңг) чиқарылған перпендикулярдан орқа ёқа ұмизининг эң баланд нуқтасигача бұлған оралық. Бу оралық орқа ёқа ұмизининг кенглигиге тенг масофада орқапнинг Ѽрта чизигиге параллел ҳолда ұлчаб аниқлапади. Түғри бичимли, орқаси йирмочлы (кесик) ва йирмочсыз кийимларыннан чизмасыда $D_{\text{оп.бел.1 факт}}$ қийматы орқа ёқа ұмизининг ғаландылғычика (орқаси йирмочлы кийимлар учун 0,6 см ва орқаси яхлит кийимлар учун 1,2 см) камайтирилади.

Олд ёқа ўмизининг A_3 нуқтасидан бел чизигига перпендикуляр түширилади ва A_4 нуқта билан белгиланади.

Олд ўмизининг чуқурлиги A_4A_5 кесмага тенг; $0,45 C_{\text{бұдан}}$ га тенг.

Олд ёқа ўмизини ҳосил қилиш учун марказлар A_3 ва A_5 дан A_4A_5 кесма узунлигига тенг радиус билан A_4 нуқтадан үнгга ёлдар чизилади ва уларнинг кесишган нуқталаридан шу радиус билан ёқа ўмизи (A_3A_5) чизилади.

Елжайни олд нуқтасини топыш учун A_3 нуқтадан R_3 радиус билан ёй чизилади (2.8- расмға қаранг):

$R_3 = W_{\text{ел.к}} - 0,5 \text{ см}$ — пиджак учун; $R_3 = W_{\text{ел.к}} - (0,7 - 1,0 \text{ см})$ — пальто учун.

Иккиси ёй T_4 (T_{41}) нуқталардан қойындағы радиус билан чизилади:

$$R_4 = (B_{\text{олд.ел.к.}} + 1,5) + P_{\text{олд.ел.}} + 0,5 P_{\text{ум.уз}} + Ur,$$

бұнда 1,5 см — елка чокининг күчиріш даражасы (модель бүйінча).

Бу ёларнинг кесишган нуқтасини P_4 билан белгиланади. P_4 ва A_4 нуқталарни түсірі чизиқ билан туташтирилади.

2.2.4. Еңг ўмизи

Еңг ўмизи чуқурлигини аниқлаш учун a нуқтадан ўтган вертикаль чизикда ҳамда T_2 нуқтадан 28—33 см іюкорида ёрдамчи P_5 нуқта белгиланади (2.3- расмға қаранг). P_5 нуқтадан үнгга горизонтал чизик тортилади, уннан T_3 нуқтадан ўтган вертикаль чизик билан кесишган жоғыға P_6 нуқта қойылади. P_1 нуқта P_5 нуқта билан ва P_4 нуқта P_6 нуқта билан равон әгри чизик ёлдамида туташтирилади. Шу әгри чизикларнинг узунлигінің үлчаб, еңг ўмизининг чуқурлиги Δl аниқланади:

$$\Delta l = (P_1P_5 - P_4P_6)/2.$$

Шу қиймат ҳисоблаб топилгандан кейин еңг ўмизининг чуқурлигі аниқланади:

$$P_1P_5P_6 = 0,56 D_{\text{ж.м.}} - 0,5 W_{\text{ж.м.}} + \Delta l.$$

G_5 нуқтадан үнгга горизонтал чизик тортилади, уннан кийимнинг белдан іюкориги — күкрак қисми кенглигини күрсатувчи вертикаль чизик билан кесишган жойи G_6 нуқта билан белгиланади. Ҳосил бұлған G_5G_6 чизик еңг ўмизининг чуқурлигини билдиради. G_5G_6 чизигининг T_5 нуқта орқалы ўтган вертикаль чизик билан кесишган жойи G_7 билан белгиланади. (T_3 дан чапда $T_3T_5 = 3,5 - 4,5 \text{ см}$).

Еңг ўмизин чизинини ҳосил қилиш учун керак бўладиган ёрдамчи нуқталар:

G_8 ўмиз чуқурлигини күрсатувчи чизик тегиб ўтадиган нуқта. Кийимнинг орқаси билан олдиннинг чизмалари орасини очиб чизиладиган бўлса, G_8 нуқта иккى хил вазиятни эгаллайди (2.20- расмға қаранг):

$$G_5G_8 = 0,5 W_{\text{ж.м.}} + 1 \text{ см}; G_6G_8 = 0,5 W_{\text{ж.м.}} - 1 \text{ см};$$

Γ_5 — бурчак биссектрисасида I рақами билан белгиланган ёрдамчи нұкта.

$$\Gamma_5 = 0,15 \text{ } \text{Ш}_{\text{м.}} + 1,5 \text{ см};$$

Γ_6 — бурчак биссектрисасида 2 рақами билан белгиланган ёрдамчи нұкта —

$$\Gamma_6 = 0,15 \text{ } \text{Ш}_{\text{м.}};$$

P_7 — олд енг үмиси чизиги Γ_6 нұктадан үтган вертикаль чизик-қа тегиб үтадиган нұкта —

$$\Gamma_6 P_7 = 5 - 5,5 \text{ см} — \text{пиджак учун};$$

$$\Gamma_6 P_7 = 3,5 - 4 \text{ см} — \text{пальто учун}.$$

P_4 ва P_7 нұкталар түғри чизик билан туташтирилади. Бу чизик-нинг қоқ ұртаси (3) дан үңг томонға узунлиғи 0,5 — 0,8 см бұлған шерпендикуляр чизик тортилади ва у 4 билан белгиланади.

Шундан кейин кийим орқасининг $P_1 P_6$, 1, Γ_8 нұкталари, сунгра құқрап қисмининг $\Gamma \Gamma_8$, 2, P_7 , 4 ва P_4 нұкталари үзаро равон эгри чизик ёрдамыда туташтирилиб, кийимнинг енг үмиси ҳосил қилинади. Үмис чизигининг T_5 нұктадан үтган вертикаль чизик билан кесишгандын нұктасини Γ_9 билан белгиланади.

Енг үмиси чизилгандан кейин уининг узунлиғи үлчанади; ҳосил бұлған қыймат қүйидаги формула буйіча ҳисоблаб топылған қыймага солиширилади:

$$D_{\text{шм}} = D_{\text{ент бөш.}} / (1 + H).$$

Енг үмисининг амалдаги узунлиғи ҳисоблаб чиқарылған узунлик-дан $\pm 0,5$ см узунроқ әки қысқароқ булишига йўл қўйилади.


Орқа енг үмисига дазмоллаб шакл беріш учун P_1 нұктадан юқорида $A_2 P_1$ ёйи буйіча құшымча ҳақ миқдори қўйилади ва шу нұкта P_8 билан белгиланади (2.6-расмга қаранг): $P_1 P_8 = 0,5 - 0,8$ см.

A_2 нұкта P_8 нұкта билан туташтирилади; ҳосил бұлған $A_2 P_8$ чизик кийим орқасининг дазмоллаб шакл бериладиган елка чизигини билдиради.

2.2.5. КИЙИМ ОЛДИ ВА ОРҚАСИННИГ ЁН ЧИЗИҚЛАРИ

Кийимнинг ён чизиқларига уининг бичими ва күринишига қараб шакл берилади. Ён чизиқнинг энг юқориги нұктасини белгилаш учун Γ_5 нұктадан юқорига 5 см үлчаб (Γ_{10}) қўйилади (2.9-расм). Ён чизиқнинг шаклига қараб бу қыймат үзгариши мумкин. Γ_{10} нұктадан ўнга горизонтал чизик тортилади, бу чизиқнинг енг үмиси чизиги билан кесишгандын нұктасини Γ_{11} билан белгиланади; орқадаги ён чизик (ён чок) нине учи шу нұктада бўлади.

Бели қисман ёпишиб турадиган бичимли кийимлар орқасининг бел чизиги буйіча кенглиги T_9 нұкта билан чекланади. Бу нұктан тошиш учун T_2 нұктадан чапга 1,5 — 2 см (моделга боғлиқ) үлчаб қўйилади.



2.9- расм. Пиджаккыннг ён кесилари, ён йирмочи ва этак чизигини ҳосил қилиш

Кийим орқасининг сон чизиги ва этак чизиги бүйича кенглиги бел чизиги бүйича аниқланган чизиқдан 0,5 см күп бўлади (2.3- расмга қаранг): $B_1E_3 = HH_1 = T_1T_9 + 0,5$ см. Бироқ моделга қараб, кийимнинг бу жойлардаги кенглигини 1 — 1,5 см орттириш мумкин.

Ҳосил бўлган Γ_{11} , T_9 ва H_1 нуқталар тўғри чизиқ ёрдамида бирбири билан туташтирилади. Тўғри бичимли кийимда орқа этак кенглигини орқа енг ўмизи тагидаги кенгликка тенг қилиб олиш тавсия этилади, яъни кийим орқасининг ён чизиги Γ_{11} нуқтадан пастга йўналган вертикаль чизиқдан иборат бўлади.

Чўнтак ўрни T_7K чизиқ билан (2.3, 2.7 ва 2.9- расмларга қаранг) ёки модель бўйича белгиланади:


$$T_7K = D_{\text{оп. уз.}} / 4 - 7 \text{ — пиджак учун;}$$

$$T_7K = D_{\text{оп. уз.}} / 4 - 6 \text{ — пальто учун.}$$

K нуқтадан бел чизиги (T_6T_5) га параллел қилиб түғри чизиқ тортилади; унинг T_6 дан ўтётган вертикаль чизиқни кесиб ўтган жойи K_1 билан белгиланади (2.3, 2.7 ва 2.9- расмларга қаранг).

Чўнтак чизигининг олдинги учи K_4 нуқта борт чизигига 13 см етмаслиги керак. Кийимнинг моделига қараб бу рақам ўзгариши мумкин.

K_4 нуқтадан чапга горизонтал чизиқ тортилади; бу чизиқ T_5 нуқтадан ўтган вертикаль чизиқ билан K_3 нуқтада кесишади. Ҳосил бўлган $K_1K_4K_3$ чизиқ чўнтак чизигига тушадиган витачкани билдиради.



2.10- расм. Чўнтак чизигинидағи витачкаси енг ўмизига ва барни силжитиш чизигига кўчирилган пиджак олд қисмийнинг чизмаси

Агар чұнтак чизигидаги витачка моделда сақланиб қолади-
ған бұлса, кийим олднинг чап ярмиси қуидаги ҳосил қили-
нади (2.7- расм).

Олд енг үмизи чуқурлиги чизиги билан олд бел чизигининг
ән чизиққа келиб тақалган учларини K_1K_3 витачка кенглигіча
пастга суриш керак. Үмиз чуқурлигини күрсатувчи чизиқнинг
Стандарт жуссалы үгил болаларнинг елқаси ёстиқчали кийимларининг ҳамда шимларининг чизмаси ва ҳисоби учун керак бўладиган ўлчов белгиларининг абсолют қийматлари (5.1-жадвал) ОСТ 17-67—77 нинг тегишли жадвалларидан ёки «ўгил болалар кийимларини конструкциялаш методикаси» (ЦНИИШП) дан олинади [23]. Шунни айтиб ўтиш керакки, ясли ёшидаги болалар кийимларининг чизмасини чизиш вақтидагина бўйин пуктасининг баландлиги B_6 ҳамда елканинг баландлиги $B_{\text{ел.бел}}$ ўлчов белгиларидан фойдаланилади. C_k белгиси ярим кўкрак айланаси III га мос келади.

5.2 — 5.5- жадвалларда конструктив чок ҳақига тегишли маълумотлар берилган.

Бели қисман ёпишиб туратында бичимли кийимларда соннинг ярим айланаси ($P_{\text{сон}}$) га қўшиладиган чок ҳақи: пиджак учун — 3,5—4,5 см, енгил пальто учун 7,5—9,0 см, қишки пальто учун 9,0—10,9 см қилиб олинади. Бошқача бичимли кийимларда $P_{\text{сон}} = 2,5$ дан 4,0 см гача бўлади. Белнинг ярим айланаси ($P_{\text{бел}}$) га қўшиладиган чок ҳақи қиймати моделга боғлиқ бўлади.

5.2. Кийимнинг олди ва орқасида кўкрак чизиги бўйича қўшиладиган чок ҳақи ($P_{\text{ор.}}$ ва $P_{\text{олд.}}$) см.

Кийимнинг тuri	Бичими			
	$P_{\text{ср.}}$	$P_{\text{олд.}}$	$P_{\text{ор.}}$	$P_{\text{олд}}$

Ясли ва мактабгача гарбия ёшидаги болалар учун

Пиджак, куртка	—	—	1,0—1,5	1,5—2,0
Енгил пальто	—	—	2,0—2,5	2,0—2,5
Қишки пальто	—	—	2,5—3,0	2,5—3,0

Кичиква катта мактаб ёшидаги болалар учун

Пиджак, куртка	1,0—1,5	1,0—1,5	1,0—1,5	1,0—1,5
Енгил пальто	1,8—2,4	2,0—2,5	1,8—2,4	2,0—2,5
Қишки пальто	2,5—3,5	2,5—4,0	2,5—3,5	2,5—4,0

Ўспирин үғил болалар учун

Пиджак, куртка	1,5—2,0	1,0—1,5	1,5—2,0	1,0—1,5
Енгил пальто	2,0—3,0	2,5—3,5	2,0—3,0	2,5—3,5
Қишки пальто	2,5—3,5	3,0—4,0	2,5—3,5	3,0—4,0

5.3. Орқа ёқа ўмизи ва орқа енг ўмизига қўшиладиган чок ҳақи, см

Чок ҳақи номи	Чок ҳақи, белгиси	Пиджак	Пальто	
			енгил	қишики
Енг ўмизининг тўқислигига (чукурлиги бўйича)	$P_{\text{ым.чук}}$	2,0—2,5	3—4	4—5
Орқа ёқа ўмизининг кенглигига	$P_{\text{ор.ым.кенг}}$	1,0—1,5	1,5—1,8	2,5—3,0

5.4. Енгининг тўқислиги учун елка айланасига қўшиладиган чок ҳақи P , см.

Кийимнинг тури	Бичими		тўғри
	бели	қисман ёпишиб туради	
Пиджак, куртка	8,5—10,5		11—12
Енгил пальто	11,5—13,0		14—15
Қишики пальто	12,5—15,0		15—17

5.5. Кийим пакетининг қалинлиги учун қўшиладиган чок ҳақи, см

Чок ҳақи	Чок ҳақининг белгиси	Пиджак	Пальто		Кишики	
			енгил			
			ватинсиз	бир қават ватинли		
Орқа ёқа ўмизи асосини баландлатиш учун	$P_{\text{ор.ёқа.бал.}}$	0,7	1,0—1,5	1,0—1,5	1,0—1,5	
Орқа бел узунлигига	$P_{\text{ор.бел.уз.}}$	0,4	1,2	1,4	1,6	
Олд бел узунлигига	$P_{\text{олд.бел.уз}}$	0,8	3,0	3,5	3,8	
Орқадаги елка нуқтасига	$P_{\text{ор.ел.}}$	0,4	1,2	1,4	1,6	
Олд елка нуқтасига	$P_{\text{олд.бел}}$	0,7	1,5	1,7	2,0	
Енг бошининг баландлигига	$P_{\text{енг.бал}}$	0,8	1,0	1,2	1,2	
Елка ёстиқчасининг қалинлигига (моделга боялини)	$P_{\text{ест.к.}}$	0—1,0	0—1,0	0—1,0	0—1,0	
Енг ўмизини елка ёстиқчаси ҳисобига узайтириш учун	$P_{\text{ым.уз.}}$	0—2,5	0—2,5	0—2,5	0—2,5	

Маълумки, енг боши ўмизга салгина буриб ўтказилади. Қуйида ўмизининг ҳар 1 см ига енг бошини буриш нормаси берилган.

Газламанинг тури

Жуп газлама, синтетик толали костюмбол газлама, пахта илидан тўқилган кийим бол газлама	Енг бошини буриш нормаси (Н) см
Костюмбол камволь газлама	0,06—0,07
Пальтобол камволь газлама, костюмбол жун мовут, тоза жун пальтобол юпқа мовут	0,07—0,08
Пальтобол жун газлама, қалин мовут-драп ва ип аралашган жундан тўқилган юпқа мовут-драп	0,1
Юпқа, юмшоқ жун мовут-драп	0,125
	0,15

Кийим орқасининг айрим деталлари, енг ва шимнинг узунлини бўйича чок ҳақи ($Ур$) шу деталлар узунлигининг 1,5 % га, кийимнинг олд қисмida эса 2 % олинади. Деталларининг кенглигига қўшиб бериладиган чок ҳақи: кийимнинг орқасида — 0,3 см, олдида эса 0,5 см бўлиши керак. Шимларнинг бел ва сон чизиклари бўйича 1 см дан чок ҳақи берилади.

Конструкциянинг ҳамма чизмалари чок ҳакини ҳисобга олмай чизилади, яъни чизмада чок ҳақи берилмайди. Дастребки хисоблашда енгнинг зарур кенглиги аниқланади, шунга яраша енг ўмизининг кенглиги ҳисоблаб чиқарилади; кийим орқаси ва олдининг кенглиги зарур (модага боғлиқ) конструктив чок ҳақларини назарда тутиб белгиланади.

Енг юқориги қисмининг кенглиги елка айланасини ($O_{ел}$) ўлчаш ва ҳосил бўлган ўлчамга енгнинг тўкислиги учун бериладиган чок ҳақи ($P_{ел.аён.}$) ни қўшиш йўли билан аниқланади. Бу чок ҳақи 5,4- жадвалдан олинади ва кийимнинг турига ҳамда модага боғлиқ бўлади.

Енг юқориги қисмининг кенглиги қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади: мактаб ёшидаги болалар кийимида — $W_{енг} = O_{ел} + P_{ел.аён.} + 1,7;$

мактабгача тарбия ёшидаги болалар кийимларида — $W_{енг} = 1,2 O_{ел.} + P_{ел.аён.} - 3,5;$
ясли ёшидаги болалар кийимларида — $W_{енг} = 0,90 O_{ел.} + P_{ел.аён.} + 1,7.$

Енг ўмизининг ёпиқ ҳолдаги баландлиги ўлчов белгиси $d_{кэл.в.}$, енг ўмизи чуқурлигига қўшиладиган чок ҳақи $P_{ум.чук.}$ ҳамда елка ёстиқасининг қалинлигига қўшиладиган (агар ёстиқча кўзда тутилган бўлса) чок ҳақи $P_{аст.қал.}$ бўйича аниқланади:

$$B_{ум.} = d_{кэл.в.} + P_{ум.чук.} + P_{аст.қал.} + 1.$$

Енг бошининг баландлигини ифодаловчи қийматда енг бошини буриб ўтказиш нормаси ҳам H кўзда тутилади ва бу қиймат енг ўмизининг баландлиги $B_{ум.}$ га бевосита боғлиқ:

$$B_{енг.бош.} = B_{ум.}(1 + H) + P_{енг.бал.}$$

Енг бошининг узунлиги енгнинг кенглиги $W_{енг}$ ва енг боши баландлиги $B_{енг.бош.}$ га боғлиқ:

$$Д_{енг.сош.} = 1,51 (0,5 W_{енг} + B_{енг.бош.}).$$

Енг ўмизининг узунлиги енг боши узунлигидан енгни буриб ўтказиш нормаси H қийматига қисқароқ бўлади ва қўйидаги формула бўйича топилади:

$$Д_{ум.} = Д_{енг.бош.} / (1 + H).$$

Енг ўмизининг кенглиги унинг ҳисоблаб чиқарилган узунлиги ва баландлигига ҳамда шу жойлардаги чок ҳақига боғлиқ бўлади:

$$W_{\text{жм}} = 0,6^* (D_{\text{жм}} - II_{\text{жм. уз.}}) - (B_{\text{жм}} - \Pi_{\text{ел.}}).$$

Орқанинг кенглиги чок ҳақларни ҳисобга олиб белгиланади:


$$W_{\text{оп}} = W_{\text{сп}} + \Pi_{\text{оп}} + (O - 0,5) + Y_p,$$

бунда $O - 0,5$ см — бели қисман ёпишиб турадигаи бичимли кийимнинг орқадаги ўрта чизигини чизаётганда орқа кенглигининг камайган қисмини коплаш учун хизмат қиладиган эркин ҳад.

Кийимнинг олд кенглигини белгилаша ҳақлари ҳисобга олинади:
ясли ёшидаги болалар кийимида $W_{\text{олд}} = W_k + \Pi_{\text{олд}} + Y_p$;
мактабгача тарбия ёшидаги, кичик ва катта мактаб ёшидаги болалар ҳамда ўспиринлар кийимларида $W_{\text{олд}} = W_k + (C_{\text{кп}} - C_{\text{кл}} + \Pi_{\text{олд}} + Y_p)$.

5.2. ҮФИЛ БОЛАЛАРНИНГ ЕЛКАСИ ЁСТИҚЧАЛИ КИЙИМЛАРИНИНГ АСОСИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЧИЗМАСИНИ ЧИЗИШ

Елкаси ёстиқчали кийимнинг ассоий чизмасини чизиш ва ҳисоблаши учун қуйидаги ўлчов белгилари зарур: $B_{\text{бел. р. к.}}, B_{\text{k. без.}}$, $B_{\text{бел. ч.к.}}, C_{\text{бүйин}}, C_{\text{кп}}, C_{\text{кл}}, C_k + C_{\text{бел.}}, C_{\text{сон.}}, O_{\text{ел.}}, W_{\text{ел. к.}}, B_k, D_{\text{олд бел.}}, D_{\text{олд. уз.}}$, $D_{\text{р. уз.}}, D_{\text{бүйин}}, W_k, \Pi_k, W_p, O_{\text{олд оп.}}, O_{\text{олд. оп. бел.}}, D_{\text{кэл. тир.}}, \Gamma_{\text{бел. 1.}}$. Ўлчов белгиларининг қиймати 5.1-жадвалдан, чоклар ҳақи эса 5.2—5.5-жадваллардан олинади.



5.3-расем. Бели қисман ёпишиб турадиган болалар пальтосининг ассоий чизмаси

* $\Pi_{\text{жм}}$ даги коэффициент 0,6 дан 0,62 гача ўзгариши мумкин. Коэффициент ортса, енг ўмизининг кенглиги ҳам ортади. Бу ҳолда ўмизининг чуқурлиги камайши лозим. Енг ўмизининг кенглиги 0,01 ўзгариши билан ўмиз чуқурлиги 0,5 см га ўзгаради.

Ассоий чизма горизонтал ва вертикаль чизиклардан ташкил топган база турга чизилди (2.2- ва 5.3-расемларга қаранг).

Горизонтал чизиклар: TT_{01} — бел чизифи; $\Gamma_b \Gamma_b$ — енг ўмизининг чуқурлигини кўрсатувчи чизик; Aa — бўйиннинг еттинчи умурткаси тўғрисидаги чизик; BB_3 — орқадаги сон чизифи; HH_1 — орқа этак чизики.

Вертикаль чизиклар: AB — орқадаги ўрта чизик; aI — орқанинг кенглигини кўрсатувчи чизик; $\Gamma_{01}H_5$ — бар чизиги; $T_4\Pi_4$ — кийим олдининг кенглигини ифодаловчи чизик.

5.2.1. ОРҚАНИНГ ЎРТА ЧИЗИҒИ

ЦНИИЦП ККУМ да елкаси ёстиқчали кийимларнинг асосий чизмасини чизиш учун бел чизигидан база чизиқ сифатида фойдаланилади. Чизма қоғоз варагининг чап томондаги четидан 50—60 мм ва юқориги четидан 300—600 мм наридан чизила бошланади. Чизманинг бел чизиги бошланадиган нуқтаси T билан белгиланади. Шу нуқтадан юқорига ва пастга вертикаль чизиқ тортилади (5.4-расм).

Ўрта чизиқнинг чизилиши кийимнинг турига, унинг орқаси чокли ёки яхлит бўлишига, кийимнинг бичимига ҳамда болаларнинг ёш группасига боғлиқ.

Т нуқтадан юқорига вертикаль чизиқ бўйича бўйин нуқтаси қўйиладиган жойгача TA кесма ўлчанади; бу кесма бўйин нуқтасининг вазиятини ифодалайди:


$TA = D_{\text{оп. ф}} + P_{\text{оп. бел.}} + Y_p$ — ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги, кичик ва катта мактаб ёшидаги болаларнинг орқаси чокли кийимлари учун; $TA = D_{\text{оп. уз.}} + P_{\text{оп. бел. уз.}} + P_{\text{оп. бел. бал.}} + Y_p$ — ўспириналар группасига мансуб орқаси чокли кийимлар учун;

$TA = D_{\text{оп. уз.}} + P_{\text{оп. бел. уз.}}$ — ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳамда кичик ва катта мактаб ёшидаги болаларнинг орқаси яхлит кийимлари учун;

$TA = D_{\text{оп. уз.}} + P_{\text{оп. бел. уз.}} + P_{\text{оп. ёқа б.}}$ — ўспириналар группасига мансуб орқаси яхлит кийимлар учун.

У нуқта ($AY = 0,3 D_{\text{оп. уз.}}$ — A нуқтадан пастга вертикаль чизиқ бўйича тортилади) орқадаги ўрта чизиқнинг қиялиги бошланган жойни билдиради.

Б нуқта бел чизиги бошланган нуқтани билдиради ($TB = 0,5 D_{\text{оп. уз.}}$ — T нуқтадан пастга вертикаль чизиқ бўйича тортилади).



5.4-расм. Тури бичимдаги кийимлар орқасининг ўрта чизиғини ҳосил қилиш

TT_1 чизиги орқадаги ўрта чизиқпинг қиялигини ифодалайди; ясли вә мактабгача тарбия ёшидаги болалар кийимида — $TT_1 = 0,8$ см; кичик мактаб ёшидаги болалар кийимида — $TT_1 = 1,9$ см; катта мактаб ёшидаги болалар кийимида — $TT_1 = 2,3$ см; үспириң болалар кийимида — $TT_1 = 2,7$ см.

TT_1 кесма T нүктадан ўнгга горизонтал чизиқ бўйича қўйилади.

Орқаси чокли кийимларда ўрта чизиқ Y_1 нүкта ёрдамида чизилади: $\bar{Y} \bar{Y}_1 = AY$.

Бели қисман ёпишиб турадиган бичимли, орқаси чокли кийимларда ўрта чизиқ A нүктадан горизонтал чизиқ бўйича силжитилади (5.4-расм, а):

ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг кийимларида — $AA_{01} = 0$;

кичик ва катта мактаб ёшидаги болаларнинг кийимларида — $AA_{01} = 0,5$ см;

үспириң болаларнинг кийимларида — $AA_{01} = 1$ см.

Орқадаги ўрта чизиқ A_{01} , Y , $T_1(A, Y, T_1)$ нүкталар орқали тортилиб, кейин вертикал йўналишда давом эттирилади.

Тўғри бичимли, орқаси чокли кийимлар орқасидаги ўрта чизиқ A нүктадан горизонтал чизиқ бўйича қўйидагича силжитилади (5.4-расм, б):

ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг кийимларида — $AA_{01} = Y_1 Y_2$;

кичик ва катта мактаб ёшидаги болаларнинг кийимларида — $AA_{01} = Y_1 Y_2 + 0,5$ см;

үспириңлар группасига мансуб кийимларда — $AA_{01} = Y_1 Y_2 + 1$ см.

Орқадаги ўрта чизиқ A_{01} , Y нүкталар орқали ўтади ва пастга вертикал йўналишда давом эттирилади.

Тўғри бичимли, орқаси яхлит кийимларда орқадаги ўрта чизиқнинг баландлашиш (тепага кутарилиш) даражаси (5.4-расм, в):

ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг кийимларида — $AA_0 = 0,2$ см;

кичик ва катта мактаб ёшидаги болаларнинг кийимларида — $AA_{01} = 0,8$ см;

үспириңлар группасига мансуб кийимларда — $AA_{01} = 1,4$ см.

Орқа ўрта чизиқ A_0 нүктадан вертикал йўналишда тортилади.

Кийимнинг узунлиги моделга мувофиқ ва кийимлар узунлиги шкаласи бўйича белгиланади;

$$A_{01}H (A_0 H) = D_{\text{кни}} + Ur.$$

Ол қадаги ўрта чизиқ бўйин нүктасидан бошланиб, этаккача етиб боради ва бели қисман ёпишиб турадиган бичимли кийимларда — A_{01} , Y , T_1 , H нүкталар орқали, тўғри бичимли, орқаси кеик кийимларда — A_0 , Y , H нүкталар орқали, тўғри бичимли, орқаси яхлит кийимларда эса A_0 ва H нүкталар орқали ўтади. A , A_{01} , T , B ва H нүкталардан ўнгга горизонтал чизиқлар тортилади.

5.2.2. КИЙИМ ОРҚАСИННИГ ЮҚОРИГИ КОНТУРЛАРИ

Орқанинг кенглиги A_a ни (5.3- ва 5.7-расмларга қаранг) дастлабки ҳисобдан олинади ва A нуқтадан ўнгга қўйилади.

Орқа ёқа ўмизининг кенглиги қўйидагича ҳисобланади:

$$A_{01}A_1 (A_0A_1; AA_1) = 1/3 C_{бүйин} + C_{оп. ўм. кенг.}$$

ва орқа ўрта чизикка перпендикуляр чизикда белгиланади (5.3 ва 5.4-расмларга қаранг).

T_1 нуқтадан YT_1 чизикка перпендикуляр чизикдаги ёрдамчи T_{01} нуқтанинг ўрни:

$$T_1T_{01} = A_{01}A (A_0A_1).$$

Орқа ёқа ўмизининг энг баланд нуқтаси орқа ёқа ўмизининг кенглик чизигига нисбатан A_1 нуқтадан чиқарилган перпендикуляр чизикда жойлашган:

$$\text{орқаси йирмошли (чокли) кийимлар учун } T_{01}A_2 = D_{оп. уз 1} + \\ + P_{оп. бел. уз} + Y_p;$$

$$\text{Орқаси чоксиз кийимлар учун } -T_{01}A_2 = D_{оп. уз 1} + P_{оп. бел. уз} + AA_0.$$

Вертикал чизикдаги ёрдамчи нуқта:

$$A_2A_{21} = B_{бел. а. к.} - B_{олд. бел.} + (P_{оп. бел. уз.} - P_{оп. бел.}) - 0,5 P_{ым. уз}$$

A_{21} нуқта орқали горизонтал чизик тортилади.

Орқа елка нуқтасининг ўрни қўйидаги формула бўйича ҳисобланади: $A_2P_0 = W_{ел. к.} - 1 - A_2$ нуқтадан чиқарилган A_{21} горизонтал чизик билан кесишган 1- ёй. Бу тўғри чизикда елка қиялигининг кенглиги (ёки моделга мувофиқ қабул қилинган қиймат) — A_2P кесма плюс дазмоллаб мослаш ҳақи ёки очиқ витачканинг кенглиги — P_P кесма узунлиги ўлчанади. Дазмоллаб мослаш ҳақи пиджак учун 0,7 см ва пальто учун 1,2 см; витачканинг очиқ ҳолдаги кенглиги 1,5—2,5 см. Эркаклар кийимини конструкциялашда орқа елка қиялиги қандай ҳосил қилинган бўлса, бу ҳолда ҳам шундай олинади (5—7-расмга қаранг). Орқа ёқа ўмизи ва елка чизигини ҳосил қилишда A_0 (A_{01}), A_2 , P_5 нуқталардан фойдаланилади.

5.2.3. КИЙИМНИНГ ОЛД [КЎКРАК] ҚИСМИ


Бар чизиги бел чизигидаги T_2 нуқтадан белгиланади (5.3 ва 5.7-расмларга қаранг). T_2 нуқта бел чизиги билан орқанинг кенглик чизиги кесишган жойда бўлади; бу a нуқта орқали ўтган вертикал чизикдир:

$$T_2T_{04} = W_{ым.} + W_{олд.} + (5 - 8),$$

бунда $W_{ым.}$ ва $W_{олд.}$ — дастлабки ҳисобдан чиқарилган қийматлар; 5—8 см — барлар очилиб турмаслиги учун қўшиладиган ҳақ.

T_{04} орқали ўтган вертикал чизикдаги ёрдамчи Γ_0 нуқта қўйидагича топилади:

$$T_{04}\Gamma_0 = B_{к. б.} - B_{бел. чиз.}$$



5.5-расм. Түрлі ёш группасыга мансуб үғил болалар кийимларынг барлық чизиши

на ёрдамчы параллел чизиқ тортилади. Бу чизиқнинг бел чизиги билан кесишган нүктаси T_6 билан белгиланади; T_6 нүктадан чиқарылған перпендикулярнинг бар чизигини кесиб үтган жойнга T_4 нүкта қўйилади. T_4 горизонтал чизиқда T_{04} нүктадан чапга (5.3 ва 5.7-расмларга қаранг) кийимнинг дастлабки ҳисоби жадвалидан олинған кенглиги үлчаб қўйилади ва T_3 нүкта билан белгиланади. T_3 нүкта орқали бар чизиги $T_{04}\Gamma_{01}$ га параллел чизиқ тортилади.

Олд сон чизиги $T_4\Gamma_2$ билан ифодаланади; $T_4\Gamma_2 = TB = 0,5 D_{\text{ор. уз.}}$ Кўкрак марказининг бар чизигидаги ўрни $T_4\Gamma$ кесма билан ифодаланади:

$$T_4\Gamma = (D_{\text{олд. бел.}} - B_k) + 0,5 P_{\text{олд. бел. уз.}} + Y_p.$$

Γ нүктадан бар чизигига перпендикуляр чиқарыллади, перпендикуляр чизиққа узунлиги $\Gamma\Gamma$ (U_k) кесма үлчаб қўйилади, Γ_1 нүкта орқали горизонтал чизиқ тортилади; бу чизиқнинг T_3 орқали үтган вертикаль чизиқ билан кесишган нүктаси Γ_3 билан белгиланади. Γ_3 нүкта Γ нүкта билан түғри чизиқ ёрдамида туташтирилади. Γ_1 нүктадан $\Gamma_3\Gamma$ кесмага нисбатан перпендикуляр чиқарыллади ва унинг $\Gamma_3\Gamma$ билан кесишган нүктаси Γ_2 билан белгиланади.

Бар чизигининг силжитилиши $\Gamma_1\Gamma_2$ кесма узунлиги плюс шу участкадаги Y_p га тенг, яъни $\Gamma\Gamma = \Gamma_1\Gamma_2 + Y_p$ (Y_p эса 0—1 см). Бар чизигининг юқориги қисми $\Gamma_1\Gamma_4$ кесмага перпендикуляр қилиб чизилади.

Орқа ёқа ўмизининг кенглигига тенг келадиган масофадан бар чизигига параллел йўналишда түғри чизиқ тортилади. Шу чизиқда T_6 нүктадан юқорига кесма ажратилади, T_6 ва Γ_1 нүк-

Бар чизигининг вертикальдан четга чиқиши (5.3, 5.5 ва 5.7-расм). $\Gamma_0\Gamma_{01} = 0,5 \cdot [(d_{\text{олд. оп. б.}} + \Gamma_{61}) - d_{\text{олд. оп. к.}}]$.

T_{04} нүкта T_{01} нүкта билан түғри чизиқ ёрдамида туташтирилиб, бар чизигининг бел ва кўкрак чизиқлари орасидаги қисми ҳосил қилинади. Бу чизиқнинг вертикальдан четга оғиши қорининг баландлыгига ва умуртқа фонасининг эгрилик даражасига боғлиқ. Каттароқ ёшдаги болалар кийимларидан бар чизигининг вертикальдан четга чиқиши даражаси камроқ бўлади, ўспиринлар группасига мансуб кийимларда бу чизиқ вертикальга деярли яқинлашади (5.5-расм, а ва б га қаранг).

Бар чизиги $T_{04}\Gamma_{01}$ нинг чап томонидан, унга нисбатан U_k , қийматига тенг масофадан қисқаги-

талар орқали ўтадиган бу кесма олд ёқа ўмизининг учни ифодалайди (5.5- расмга қаранг):

$$T_6 \Gamma A_3 = D_{\text{олд. бел. 1}} + P_{\text{олд. бел. уз.}} + Y_p.$$

A_3 нуқтадан бар чизигига перпендикуляр чиқарилади ва унинг бар чизиги билан кесишган нуқтаси A_1 билан белгиланади. Олд ёқа ўмизининг чуқурлиги: $A_4 A_5 = 0,45 \text{ см}_{\text{бүйин}}$.

A_3 нуқта орқали пастга (5.3 ва 5.7- расмларга қаранг) вертикаль чизик тортиб, шу чизикда $A_3 A_{31}$ кесма ўлчаб қўйиллади:

$$A_3 A_{31} = B_{\text{бел. вайл. кенг.}} - B_{\text{олд. б.}} + (P_{\text{олд. б. уз.}} - P_{\text{олд. бел.}}) - 0,5 \text{ см}_{\text{ум. уз.}}$$

A_{31} нуқтадан чапга горизонтал чизик тортилади. Елка нуқтасининг ўрнини аниқлаш учун A_3 нуқтадан ($W_{\text{ел. к.}} = 1$) га тенг радиус билан ёй чизилади. Ёйнинг A_{31} дан чиққан горизонтал чизик билан кесишган нуқтаси P_{01} билан белгиланади. P_{01} нуқтани A_3 нуқта билан туташтирувчи чизик елка қиялиги кенглиги $A_2 P_1$ га тенг (кийим орқасининг чизмасига қаранг). Олд ёқа ўмизи ва елка чизигини ҳосил қилиш учун A_5 , A_3 ва P_1 нуқталар ўзаро туташтирилади.

5.2.4. ОРҚА ВА ОЛД ЕНГ ЎМИЗЛАРИ ҲАМДА ЁН ЧИЗИҚЛАР

T_2 нуқтадан юқорига вертикаль чизик бўйича 17 — 30 см ўлчаб ёрдамчи P_2 нуқта топилади. Ҳосил бўлган $T_2 P_2$ чизиқнинг узунлиги ёш групласига қараб 17 — 30 см бўлали ($T_2 P_2 = 17 — 30 \text{ см}$): P_2 нуқтадан ўйгуга горизонтал чизик тортилади; унинг T_3 орқали ўтган вертикаль чизик билан кесишган нуқтаси P_3 билан белгиланади.

Енг ўмизининг чуқурлиги қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_5 P_2 \Gamma_5 = 0,56 D_{\text{ым}} - 0,5 W_{\text{ым}} + \Delta l;$$

бунда $\Delta l = 0,5 (P_2 P_5 - P_3 P_1)$ — енг ўмизининг ўйни;


Γ_5 горизонтал — енг ўмизининг чуқурлигини кўрсатувчи чизик.

Орқа енг ўмизини чизиш учун ёрдамчи нуқталар:

$\Gamma_5 \Gamma_8 = 0,5 W_{\text{ым}} + 0,5$; $\Gamma_5 \Gamma_1 = 0,15 W_{\text{ым}} + 17$ — ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларининг кийимларида.

$\Gamma_5 \Gamma_1 = 0,15 W_{\text{ым}} + 1$ — мактаб ўқувчилари ва ўспиринларнинг кийимларида.


Ён чизиқнинг юқориги учи (5.3 ва 5.7- расмларга қаранг) $\Gamma_5 \Gamma_{10} = 3 — 5 \text{ см}$ (моделга боғлиқ). Орқанинг енг ўмизини ҳосил қилиш учун $P_5 (P_6)$, P_2 , Γ_5 нуқталар равон эгри чизик ёрдамида ўзаро туташтирилади; бу чизик енг ўмизининг чуқурлигини кўрсатувчи чизик билан кесишгунча давом эттирилади. Γ_{11} нуқта — ён чизиқнинг юқо-



5.6-расм. Ен чизиқларни ҳосил қилиш

Бели қисман ёпишиб туралған кийимлар орқасининг чизмасыда ён чизиқ Γ_{11} , T_8 , B_3 , H_1 нүкталар орқали үтади, түгрі бичимли кийимда эса Γ_{11} нүктадан бошланған вертикаль чизиқ бүйлаб йұналади (5.6-расм, б ҳамда 5.7-расмга қаранг).

Олд енг үмизини чизиш учун керак бўладиган ёрдамчи нүкталар:



5.7-расм. Үғил болаларга мўлжалланған түрри бичимли пальтоның асосий чизмасы

риги учи. Куртка ва пальто-ларнинг чизмаларида орқанинг ён чизиғи Γ_6 нүктадан ($1/3 - 1/2$) $W_{\text{ым.}}$ масофача үнг томонда бўлади.

Бели қисман ёпишиб туралған бичимли кийимлар орқасининг чизмасыда ён чизиқнинг бел чизиғи түгрисидаги қисми T_2T_8 нинг әгилиш дарежаси (моделга қараб) 1,5—2 см қилиб олинади.

Орқанинг сон ва этак чизиқлари түгрисидаги кенглиги (5.3-расмга қаранг)

$$B(B_1)B_3 = HH_1 = T_1T_8 + 0,5.$$

$G_6P_4 = 3,5 - 5$ (кийимнинг размерига боғлиқ);

$$P_13 = 0,5 P_1P_4;$$

$3-4 = 0,5 - 1 - P_1P_4$ чизиққа чиқарилган перпендикуляр бўйича;

$$G_6 = 0,15 W_{\text{ым.}} - P_4G_6G_{81}$$

бурсчак биссектрисасида;

$$\text{бунда } G_6G_{81} = 0,5 W - 0,5.$$

P_1 , 4, P_4 , 2 ва G_{81} нүкталар равон әгри чизиқ ёрдамида ўзаро туташтирилиб, олд енг үмизи ҳосил қилинади.

Олд ён чизиқнинг учи:

$$G_6G_{51} = W_{\text{ым.}} - G_{10}G_{11};$$

$$G_{51}G_{14} = G_5G_{10},$$

бунда $G_{10}G_{11}$ — синг үмизи кенглигининг орқага гегишли қисми.

Бели қисман ёпишиб туралған бичимли кийимларда бел чизиғи бўйича узунлиги кийимнинг олд кенглигига тенг бўлган

кесма ўлчаниб, кесманинг учи B_2 билан белгиланади:

$$B_2 B_5 = (C_{\text{сон}} + \Pi_{\text{сон}}) - B_1 B_3,$$

бунда $B_1 B_3$ — кийим орқасининг сон чизиги бўйича кенглиги.

Γ_{14} ва B_5 нуқталар тўғри чизиқ ёрдамида ўзаро туташтирилади. Бели қисман ёпишиб турадиган кийимлар олдининг ён чизиги бел чизифидаги T_{11} нуқтадан ўнгга 1,5—2 см (моделга боғлик) эгилган бўлади (T_{12} нуқта). B_5 нуқтадан пастда эса ён чизиқ бар чизигига нисбатан параллел йўналишда давом этади. Орқа ва олд ён чизиқларнинг узунлиги ўзаро тенглаштирилади ва Γ_{81} ҳамда Γ_{14} нуқталар ўзаро туташтирилиб, олд енг ўмизи чизиш ниҳоясига етказилади.

5.2.5. Чўнтак ва қорин витачкасининг ўрни

Чўнтак чизиги K нуқта ёрдамида аниқланади (5.5 ва 5.7-расмларга қаранг): $T_3 K = 1/5 D_{\text{оп. уз.}} - 2$ см (моделга боғлик).

K нуқта $T_4 T_3$ чизиқнинг давомида жойлашган. T_6 нуқтадан пастга, бар чизигига параллел йўналишда тўғри чизиқ тортилади; бу чизиқ K нуқта орқали тортилган горизонтал чизиқни кесиб ўтиши лозим (K_4 нуқта — чўнтак чизифидаги витачканинг учи). K_4 нуқтадан чапга, бар чизигига перпендикуляр йўналишда тўғри чизиқ тортилади, бу чизиқ ён чизиқни кесиб ўтиши лозим. Витачканинг иккала томони чўнтак чизиги бўйича ўзаро тенг бўлиши лозим: $K_4 K_{10} = K_4 K_{11}$. Олд ён чизиқ бел чизифидан пастки қисмининг узунлигига тенг бўлиши лозим:

$$T_{12} K_{11} + K_{10} B_5 H_2 = T_8 B_3 H_1.$$

Тўғри бичимли кийим олдининг сон чизиги тўғрисидаги кенглигини унинг енг ўмизи тагидаги кенглигидан 2,5—3 см зиёдроқ қилиш тавсия этилади.

Бар чизигининг пастки учи (H_5 нуқта):


$$T_4 H_5 = T_1 H + 1,5 \text{ см.}$$

5.2.6. Ён чоки йирмочли кийим олдининг чизмаси

Ён томондаги йирмоч чизиги узунлиги 3—4 см келадиган $G_6 \Gamma_{15}$ кесма билан ифодаланади (5.8-расм).

Γ_{15} нуқтадан ўтган вертикал чизиқнинг енг ўмизи чизиги билан кесишган нуқтаси Γ_{16} билан, K нуқтадан ўтган горизонтал чизиқ билан кесишган нуқтаси эса K_1 билан белгиланади ($K_4 K_3 = K_4 K_1$). K_3 нуқтадан $K_3 K_4$ чизиққа перпендикуляр чиқарилади; бу чизиқ этак чизигини H_4 нуқтада кесиб ўтиши лозим. Γ_{16} , K_1 , K_3 ва H_4 нуқталарни ўзаро туташтириб, ён томондаги йирмоч чизиги ҳосил қилинади.

Кийимнинг ён томони йирмочли бўлган ҳолларда витачка бекитилади, бунинг учун $K_{10} K_3$ чизиқ билан $K_{11} K_1$ чизиқ жуфтлаштирилса бас. Шундай қилгандан йирмочли ён чизиқнинг



5.8-расм. Йирмошли ён чизиқни ҳосил қилиш

Витачкани моделга қараб, бўртма чокка, кокеткага, кесик жойга ва конструкциянинг бошқа жойига кучириш мумкин.

5.3. ЕНГ ЧИЗМАСИННИГ ҮЗИГА ХОСЛИГИ

Енгнинг чизмаси учун керакли маълумотларни ҳисоблаш ва чизма чизиш методикаси 2.3-параграфда баён этилди.

Икки чокли енг (5.9-расм). Икки чокли енгнинг чизмасини чизиш учун қуйидагиларни аниқлаш керак:

енг боши баландлигини кўрсатувчи чизиқнинг вазияти

$$OP = B_{\text{енг. боз}} = B_{\text{жм.}} \cdot (1 + H) + P_{\text{енг.бал.}},$$

тираск чизигининг вазияти

$$OL = D_{\text{қўл. т.}} + P_{\text{енг. бал.}} + P_{\text{ёст. қал.}} + Y_P;$$

енг учи чизигининг вазияти

$$OH = D_{\text{енг}} - 1,5 + Y_P,$$

бунда 1,5 см—енг учининг қиялиги учун узунликка қўшиладиган ҳақ. P , L ва H нуқталар орқали горизонтал чизиқ тортилади.

Енгнинг бўйига икки букланган ҳолдаги кенглиги $OO_1 = 0,5 \cdot L_{\text{енг}}$. O_1 нуқтадан пастга P орқали ўтган чизиқка

5.9-расм. Икки чокли енгнинг чизмаси

перпендикуляр түширилади ва $P_{\text{тир}}$ нүкта қўйилади. $O_1P_{\text{тир}}$ — енгнинг устки қисмида тирсакнинг букилиш чизиги.

Енг боши баландлик чизигидаги ёрдамчи нүқталар:

$$PP_1 = P_{\text{тир}}, \quad P_2 = P_{\text{тир}}, \quad P_3 = 0,5 (0,5 W_{\text{енг}} - W_{\text{ым}}).$$

P нүқтадан ўтган горизонтал чизикка нисбатан P_1, P_2 ва P_3 нүқталардан перпендикуляр чиқарилади; $P_1P_4 = 0,25 W_{\text{енг}}$; $PP_5 = PP_4$; P_6 — енг боши чизигининг горизонтал чизикка тегиб ўтиш нүқтаси;

$$P_{\text{тир}}P_6 = P_{\text{тир}}P_5; \quad P_6P_7 = 0,5 W_{\text{енг}}.$$

P нүқтадаи ўтган горизонтал чизикка P_7 нүқтадан перпендикуляр чиқарилади ва унинг O нүқтадан ўтган горизонтал чизик билан кесишган жойи O_2 билан белгиланади; O_2, P_6 ва P_4 нүқталар тўғри чизиклар ёрдамида туташтирилади; O_2P_6 чизикнинг O_1P чизик билан кесишган жойинга P_8 нүқта қўйилади.


P орқали ўтган горизонтал чизикка P_1 нүқтадан перпендикуляр чиқарилади, унинг O_2P_4 чизик билан кесишган нүқтасига O_3 қўйилади. O_4 нүқтадаи O_2O_3 чизикка чиқарилган перпендикуляр чизиқда узунлиги $O_2O_4 = 0,5 O_2O_3$; $O_4O_5 = 2$ см кесмалар ўлчаб қўйилади. P_4 нүқта P_8 нүқта билан тўғри чизик ёрдамида туташтирилади ва ҳосил бўлган чизигининг O нүқтадаи ўтган чизик билан кесишган нүқтаси P_9 билан белгиланади.

P_2 ва P_3 нүқталардан P орқали ўтган тўғри чизикка перпендикуляр чизиқлар чиқарилади. P_8 нүқта орқали горизонтал чизик тортилади ва унинг мазкур перпендикуляр чизиқлар билан кесишган нүқталари P_{10} ҳамда P_{11} билан белгиланади. $P-O_1O$ биссектрисасида 2—3 см ўлчаб қўйинб, O_6 нүқта белгиланади. $P_{10}, O_6, O_2, O_5, O_3, O_9$ ва P_4 нүқталар ўзаро туташтирилиб, енг бошининг устки қисми ҳосил қилинади.

Енг бошининг остки қисми чизиш учун P_{11} нүқта P_7 нүқта билан туташтирилади. Сўнгра P_{11}, P_5 ва P_9 нүқталар орқали равон эгри чизик ўтказиб, енг бошининг остки қисми ҳосил қилинади.

Енг олд перекати (ЛЛ_1) нинг эгилиш даражаси 1—1,5 см. P_9, L_1 ва H нүқталар орқали тўғри чизик тортилиб, енгнинг олд перекат чизиги ҳосил қилинади. Унинг P орқали ўтган горизонтал чизик билан кесишган жойи P_n пукта билан белгиланади.

Ёрдамчи H нүқта: $HH_1 = 15$ см; енг учининг қиялик чизиги; $H_1H_2 = 2$ см.



5.10-расм. Бир чокли енгининг чизиқлари

Енг учининг ёйиб қўйилган ҳолдаги кенглиги моделга қараб ёки ҳисоблаб аниқланади: ясли ёшидаги болаларнинг кийимларида — $W_{\text{енг учи}} = 0,5 W_{\text{енг}} + 10$; қолган ёш групсадидаги болаларнинг кийимларида — $W_{\text{енг учи}} = O_{\text{биг}} + (P_{\text{ел. айл}} - 1)$. Агар енг учи чизигида тирсак перекатининг кенглиги нулга тенг бўлса, енгнинг устки ва остики қисмларида тирсак чизикларининг пастки учи H_3 нуқтада жойлашади: $HH_3 = 0,5 W_{\text{енг учи}}$.

Енг устки ва остики қисмлари (остки ва устки ярми) нинг олд четини кўрсатувчи чизиклар:

$$P_{\text{n}} P_{13} = P_{\text{n}} P_{14} = L_1 L_2 = L_1 L_3 = HH_4 = HH_5 = 2 - 2,5 \text{ см};$$

бунда $2 - 2,5 \text{ см}$ — олд перекатининг кенглиги.

H_6 нуқтадан $L_2 H_6$ чизиқка перпендикуляр чизиқ чиқарилиб, $L_3 H_5$ чизиқда H_7 нуқта ҳосил қилинади; $H_3 H_6 H_7$ — енг устки ярмининг енг учи чизиги; $H_3 H_6$ — енг остики ярмининг енг учи чизиги.

P_{15} нуқтадан $P_{15} L_2$ тўғри чизиқка перпендикуляр чизиқ тортилади ва униг мазкур тўғри чизиқ билан кесишган нуқтаси P_{16} билан белгиланади. P_{15} , L_2 ва H_6 нуқталар ўзаро туташтирилиб, енг остики ярмининг олд чети, P_{16} , L_3 ва H_7 нуқталар ўзаро туташтирилиб эса, енг устки ярмининг олд чети ҳосил қилинади. P нуқта орқали ўтган горизонтал чизиқда тирсак перекатининг кенглиги:

$P_{\text{тир.}} P_{17} = 1 - 1,5 \text{ см}$; $P_{\text{тир.}} P_{18} = P P_{17}$. P_{17} ва 18 нуқталардан енг боши чизигига перпендикулярлар чиқарилади; уларнинг енг боши чизигин кесиб ўтган нуқталари P_{19} ва P_{20} билан белгиланади:

$$P_{21} P_{19} = P_{21} P_{20} = P_{\text{тир.}} P_{17} = P_{\text{тир.}} P_{18}.$$

$P_{\text{тир.}} H_3$ чизиқнинг тирсак чизиги билан кесишган нуқтаси L_4 билан белгиланади. Тирсак чизигида тирсак перекатининг вазияти $L_4 L_5 = 1 - 1,5 \text{ см}$.

Тирсак перекатининг тирсак чизигидаги кенглиги: $L_5 L_6 = L_5 L_7 = 1 \text{ см}$.

Енг устки ярмининг тирсак устидан ўтадиган четини ифодаловчи чизиқни ҳосил қилиш учун P_{19} , P_{17} , L_6 ва H_3 нуқталар ўзаро туаштириллади.

P_{20} , P_{18} , L_7 ва H_3 нуқталар орқали чизиқ тортилганда эса енг остики ярмининг тирсак устидан ўтадиган чизиги келиб чиқади.

Бир чокли енг (5.10-расм). Бир чокли енгнинг чизмасини ҳосил қилиш учун қўйидаги конструктив кесмаларнинг сантиметр ҳисобидаги узунлигини аниқлаш лозим (енг чизмасининг ўзига хос жиҳатларигагина изоҳ берилади):

$$OP = B_{\text{енг бош.}} = B_{\text{ж.}} (1 + H) + P_{\text{енг бош. бал.}},$$

$$OL = D_{\text{чокл. тир.}} + P_{\text{енг бош. бал.}} + P_{\text{ест. қал.}} + Y_p,$$

$$OH = D_{\text{енг}} - 1,5 + Y_p_{\text{чокл. ҳак.}}; OO_1 = 0,5 W_{\text{енг}},$$

$$PP_1 = P_{\text{тир.}} P_2 = 0,5 (0,5 W_{\text{енг}} - W_{\text{ж.}});$$

$$P_1 P_4 = 0,25 \text{ } W_{\text{енг}}; \quad PP_5 = PP_4; P_{\text{тир.}} P_6 = P_{\text{тир.}} P_5;$$

$$P_6 P_7 = 0,5 \text{ } W_{\text{енг}}.$$

$O_7 O_2 \perp P_4 P_6$. Икки чокли енгнинг ҳисоблаш формуласидан O_3, O_4, O_5, P_9 ва P_{10} нуқталарниң қиймати топилади. $O_1 O_6 = 2-3 \text{ см.}$ $P_{10}, O_6, O_2, O_5, O_3, P_9$ ва P_4 нуқталар орқали чизиқ тортилиб, енг боши чизиги ҳосил қилинади. $P_{\text{тир.}} P_{17} = 1-1,5 \text{ см.}$ P нуқта орқали ўтган горизонтал чизиқка P_{17} нуқтадан перпендикуляр чизиқ чиқарилади; бу перпендикуляр енг боши чизигини P_{19} нуқтада кесиб ўтади.

Енг остки ярмининг тирсак тўғрисидан ўтадиган ён чизигининг юқориги учун P_{19} нуқтадан ўтган горизонтал чизиқда жойлашган: $O_7 P_{20} = O_7 P_{19} - 2 P_{21} P_{19}$.

Енг боши баландлик чизигига P_{20} нуқтадан перпендикуляр чизиқ туширилади ва чизик учун P_{18} нуқта билан белгиланади.

Ёрдамчи P'_7 нуқта P нуқтанинг ўнг томонида жойлашган: $PP'_7 = PP_7. P'_7$ нуқта P_{20} нуқтага туташтирилади ва P_{20}, P_4 ҳамда P_9 нуқталар орқали чизиқ тортилиб, енг бошининг остки ярми ҳосил қилинади.

Енгнинг остки ярми қўйидагича чизилади: H нуқтадан ўнга $HH'_1 = HH_1 = 15 \text{ см}$ узунлигида чизиқ тортилади: енг остки ярмининг енг учун қиялиги — $H'_1 H'_2 = H_1 H_2 = 2 \text{ см}$. Енг учининг кенглиги моделга қараб ёки ҳисоблаб аниқланади:

ясли ёшдаги болалар кийимида — $W_{\text{енг уч}} = 0,5 \text{ } W_{\text{енг}}$ + 10;

қолган ёш группаларида — $W_{\text{енг уч}} = O_{\text{бил.}} + (P_{\text{ел.}} \text{ айл.} - 1)$.

Енгнинг тирсак устидан ўтадиган ён чизигининг пастки учун: $HH'_3 = HH_3 = 0,5 \text{ } W_{\text{енг уч}}$.

$P_{\text{тир.}} H_3$ тўғри чизиги билан тирсак чизиги кесишган нуқта L_4 билан белгиланади.

Тирсак чизигида тирсак перекатининг вазияти $L_4 L_5 = 1-1,5 \text{ см}$ кесма билан, шу ердаги тирсак перекатининг кенглиги эса $L_5 L_6 = 1 \text{ см}$ кесма билан белгиланади.

Енг остки қисменинг тирсак чизиги тўғрисидаги ён чизигининг вазияти: $LL_7 = LL_6 = 2 L_5 L_6$. Енгнинг тирсак тўғрисидан ўтадиган ён чизиқларни ҳосил қилиш учун P_{19}, P_{17}, L_6, H_3 нуқталар ўзаро туташтирилади, шунингдек P_{20}, P_{18}, L_7 ҳамда H'_3 нуқгалар орқали ҳам чизиқ тортилади.

Енг бошини ўмизга буриб ўтқазиш нормасининг ҳисоблаб чиқарилган қиймати ($P_{\text{бүр. ўт.}} = D_{\text{им.}} H$) ҳақиқий қийматга солиштириб кўрилади (ҳақиқий қиймат енг боши чизигининг узунилиги билан енг ўмизи ҳақиқий узунилиги ўртасидаги фарқи тенг); солиштирилганда ҳисобий қиймати билан ҳақиқий қиймат ўртасидаги фарқ $\pm 0,5 \text{ см}$ даан ошмаслиги керак.

Енг ўмизи чизигидаги ҳамда енг боши чизигидаги кертиклиар ўрни эркаклар кийимида сингари аниқланади (2.3- параграфга қараинг).

5.4. ОСТКИ ЁҚА ЧИЗМАСИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ

Үғил болалар кийими остки ёқасининг чизмасини чизиш методикаси 2.4- параграфда батафсил тушунтирилган эркаклар кийими остки ёқаси чизмасини чизиш методидан фарқ қилмайди. Болалар кийими ёқаси икки хил бўлади. Пиджак типидаги ёқа ва бари тепагача тугмаланадиган кийимлар ёқаси.

Пиджак типидаги остки ёқа (5.11-расм). Кийимнинг моделiga мувофиқ равишда ёқа ўмизи — A_7 нуқта — юқорироқ кутарилади ёки пастроқ туширилади. Ёқа қайтармаси (лацкан) ни қайниш нуқтаси энг юқориги чизмадан юқорироқда — L нуқтада бўлади.



Орқа ёқа ўмизи чизиги билан орқа елка чизифидан контур бўйича нусха кўчирилади. Олдинги елка чизиги нусха кўчиришдан ҳосил бўлган орқа елка чизиги билан жуфтлаштирилади; кийим олдининг чизмасида ёқа ўмизи ҳамда орқа ўрта чизиқнинг юқориги қисми чизилади.

Елка чизиги 2—3 см, яъни тик ёқа A_3Z узунлигича давом эттирилади. L нуқта Z нуқтадан тўғри чизиқ ёрдамида туташтирилади. A_3 нуқтадан ёқа қайтармасини қайтариш чизиги (LZ)га перпендикуляр чизиқ тортилади ва Z_1 нуқта қўйилади. A_3Z_1 чизиқ ёқанинг қайтариб қўйиладиган чети кенглигича (Z_1Z_5) узайтирилади (яъни давом эттирилади); $Z_1Z_5 = B_{ct} + (1-1,5)$.

Орқа ёқа ўмизи чизиги (AA_3)га параллел қилиб, то A_3Z_5 чизиги билан кесишгунча, $A_{11}A_{12}$ эгри чизиқ тортилади; ёқа ўмизи чизиги билан бу эгри чизиқ оралиги (AA_{11}) ёқанинг қайтариб қўйиладиган четининг кенглиги билан ёқа стойкаси баландлиги ўртасидаги фарқقا тенг.

A_3Z_5 чизиққа Z_5 нуқтадан чиқарилган перпендикуляр чизиқда $A_{11}A_{12}$ ва AA_3 ёйларнинг узунлиги орасидаги фарқقا тенг бўлган Z_5Z_7 кесма ўлчаб қўйилади.

A_3 нуқтадан A_3Z_7 чизиққа перпендикуляр чизиқ тортилади, бу чизиқда орқа ёқа ўмизи узунлиги $l_{r.c}$ га тенг кесма ўлчаб қўйилади. A_3Z_3 — ёқанинг орқа ўмизга уланиш чизиги.



5.11-расм. Пиджак типидаги остки ёқанинг чизмаси

5.12-расм. Бари ўртадан тугмаланадиган кийим остки ёқасининг чизмаси

Z_3 нүктадан Z_3A_3 чизигиغا перпендикуляр чизиқда Z_3Z_2 кесма (стойка баландлиги) ва Z_2Z_4 кесма (отлётнинг кенглигиги) ўлчаб қўйилади.

Остки ёқанинг олдинги чети моделга қараб ҳосил қилинади — Z_6 нүкта. Z_3 , A_3 ва A_7 нүқталар ўзаро туташтирилиб остки ёқанинг ўмизга уланиш чизиги ҳосил қилинади. Ёқани қайтариб қўйиш чизиги четки Z_4 ва Z_6 нүқталар ёрдамида моделга мувофиқ чизилади. Z_3 , Z_2 ва Z_4 нүқталарда аниқ тўғри бурчаклар ҳосил бўлишига эътибор бериш керак.

Бари ўртадан тугмаланадиган кийимларнинг остки ёқаси (5.12- расм). Бундай ёқанинг чизмаси кийим чизмасидан мустақил чизилади. О нүктада тўғри бурчак чизилади. Вертикал чизик бўйича аввал ёқа асосининг баландлиги ($OB = 2—4$ см), сўнгра ёқа стойкасининг баландлиги ($BB_1 = 2,5—3,5$ см) ва энг охирида отлётнинг кенглигиги ($B_1B_2 = 5—8$ см) (моделга кўра), ўлчаб қўйилади.

Шундан кейин остки ёқанинг ўмизга улаш чизиги BA нинг узунлиги аниқланади; унинг узунилиги орқа ёқа ўмизининг узунлиги $l_{\text{оп. ёқа}}$ плюс олдинги ёқа ўмизининг узунлиги $l_{\text{олд ёқа}}$ га teng, яъни $BA = l_{\text{оп. ёқа}} + l_{\text{олд ёқа}}$. Орқа ёқа ўмизи билан олд ёқа ўмизининг узунликлари чизма бўйича ўлчанади.

B нүкта A нүкта билан тўғри чизик ёрдамида туташтирилади; ҳосил бўлган чизиқни l нүктада икки тенг қисмга бўлинади, l нүктадан BA чизиққа перпендикуляр чизик тортилади, бу чизиқда $0,8—1,5$ см ўлчаб қўйиб, 2 нүкта қўйилади, патижада $1—2$ кесма ҳосил бўлади. B , 2 , A нүқталар равон эгри чизик ёрдамида ўзаро туташтирилиб, ёқанинг ўмизга уланиш чизиги ҳосил қилинади.

B_1 , 4 ва A нүқталар орқали чизиқ тортилса, ёқа стойкаси ҳосил бўлади. 4 нүкта B_1A чизиққа нисбатан тортилган ва унинг ўртасидан ўтган перпендикуляр чизик ($3—4$) да жойлашган бўлади. $3—4$ чизиқнинг узунлиги $0,8—1$ см га teng.

Ёқанинг учларига моделга мувофиқ шакл берилади. Ёқанинг қайтариб қўйиладиган чети, яъни отлёт чизифини ҳосил қилиш учун B_2 нүкта билан A_1 нүқтани тўғри чизик ёрдамида ўзаро туташтириш ва шу тўғри чизиқни икки тенг қисмга бўлиб, бўлиш нүқтасини 5 билан белгиланади. 5 нүктадан тепага $1,5—2,5$ см узунликда перпендикуляр чизик чиқариб, чизик учига 6 рақамини қўйиш лозим. Кейин B_2 , 6 ва A_1 нүқталар равон эгри чизик ёрдамида ўзаро туташтирилиб, ёқанинг қайтарма қисми-нинг чети ҳосил қилинади.

5.5. ТУРЛИ ЁШДАГИ ҮФИЛ БОЛАЛАР ШИМИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ

Үфил болалар шимини конструкциялашга оёқларнинг эркин суюклари формаси таъсир этади. Ясли ёшидаги болаларнинг оёқлари жуда калта бўлади, лекин бола катта бўлган сари

оёқларни ҳам усисб узаявсери; ўспирин болаларнинг ҳамда тез ўсадиган ёшдаги (акцелерат) болаларнинг оёқлари тананинг бўйидан узунроқ бўлади.

Ўғил болалар шимини чизиш схемаси худди эркаклар шимини чизиш схемаси каби бўлади. Шимнинг чизмасини чизиш ва ҳисоблаш учун қўйидаги ўлчов белгилари талаб қилинади: C_k ; $C_{бел}$; $C_{сон}$; $B_{к.без}$; $B_{бел. чиз}$; $D_{ен. бел}$; $D_{паст}$; C_k ; $B_{тиз}$; $\Gamma_{бел I}$; $\Gamma_{бел II}$; $d_{олд. ор. к.}$; $d_{олд. ор. бел}$. Ўлчов белгиларининг маъноси 5.1-жадвалда берилган. Шимларнинг сон чизигига қўшиладиган конструктив ҳақ 2—4 см қилиб қабул қилинган (моделга боғлиқ).

Шимнинг асосий параметрлари чизма тўрида белгиланган (3.1-расмга қаранг); бу тўр эса горизонтал ва вертикал чизиқлардан ташкил топган.

Тўрнинг горизонтал чизиқлари қўйидаги маънони англатади: T — бел чизиги; B — сон чизиги; $Я$ — думба чизиги; K — тизза чизиги; H — почанинг учи (пастки чизиги).

Вертикал чизиқлар: TH — шим олд ярмининг тах чизиги; TY — ўтириш чизиги баландлигини англатади.

Шимнинг чизмаси қоғознинг ўртасидан, унинг юқориги четидан 5 см қочириб чизилади, чизиқ бошига T нуқта қўйилади (5.13-расм). T нуқтадан пастга вертикал чизиқ туширилади; бу — шимнинг ўқ чизиги бўлади. Ўқ чизиқ бир неча кесмага бўлинади.

Ўтириш чизиги баландлиги (моделга боғлиқ):

ясли ёшидаги болалар шимида — $TY = D_{ен. бел} - D_{паст} + 3$;

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар шимида — $TY = D_{ен. бел} - D_{паст} + (1 - 2)$;

кичик ра катта ёшдаги мактаб ўқувчилари шимида — $TY = D_{ен. бел} - D_{паст} - 3$; ўспириналар шимида — $TY = D_{ен. бел} - D_{паст} - 4$.

Сон чизигининг вазияти: $ЯB = 6$ см.

Тизза чизигининг вазияти:

ясли ёшидаги болалар шимида — $TK = D_{ен. бел} - B_{тиз} + 3 + Ур$;

мактабгача тарбия ёшидаги болалар шимида — $TK = D_{ен. бел} - B_{тиз} + 2 + Ур$;

кичик ва катта ёшдаги мактаб ўқувчилари шимида — $TK = D_{ен. бел} - B_{тиз} - 3 + Ур$;

ўспириналар шимида — $TK = D_{ен. бел} - B_{тиз} - 4 + Ур$.

Почанинг пастки чизиги (почанинг учи).

$$T_0H = D_k + Ур,$$

бунда D_k — шимнинг узунлиги (моделга мувофиқ ёки кийимлар узунлиги шкаласидан олинади); T_0 — чизмадан аниқланади (бу ҳақда қўйида айтиб ўтилади).

T , B , $Я$, K ва H нуқталардан ўнг ва чап томонларга горизонтал чизиқлар тортилади.

Шим олдининг ўрта чизиги:

$$ББ_1 = 0,15 C_{сон} + 1/4 (D_{ен. бел} + Ур) + 1.$$

Б нүктадан чапга B_B_1 кесма белгиланади. B_1 нүктадан ўтган вертикаль чизик нинг T нүктадан ўтган горизонтал чизик билан кесишган жойига T_1 нүкта, Я нүктадан ўтган горизонтал чизик билан кесишган жойига эса Я₁ нүкта қўйилади. B_1 нүктадан чапга 0,4 см ўлчаниб, B_2 нүкта қўйилади, натижада B_1B_2 кесма ҳосил бўлади ($B_1B_2 = 0,4$ см).

Шим олд ўрта чизигининг юқориги учи:

$$T_1T_2 = C_{\text{к}} \Delta / (B_{\text{к. без.}} - B_{\text{бел. чиз.}});$$

бу ерда $\Delta = 0,5 [(d_{\text{олд. оп. бел.}} + \Gamma_{\text{бел.}}) - d_{\text{олд. оп. к.}}]$.

T_2 нүктани модага қараб, T_1Y_1 чизигининг истаган бир жойига кўчириш мумкин.

Шим олд ярми ён чизигининг T горизонтал чизикдаги базиятини T_2T_3 кесма белгилайди:

$$T_2T_3 = 0,5 C_{\text{бел.}} + B + 0,5 \ U_p,$$

бунда B — олд витачканинг очилиш даражаси (моделга боғлиқ).

T_3 нүктадан перпендикуляр чизик чиқарилади ва шу чизик бўйича $T_3T_4 = 0,7$ см ўлчаб қўйилади.

T_2 нүкта T_4 нүкта билан тўғри чизик ёрдамида туташтирилади; ҳосил бўлған чизик шимнинг юқориги зиҳи ҳисобланади. T нүкта орқали ўтган вертикаль чизик юқорига давом эттирилади, унинг T_2T_4 чизик билан кесишган жойига T_0 қўйилади; T_0 дан ўнгга 0,5 B ва чапга 0,5 B ўлчанади.

Оғнинг кенглиги ва оғ чизигининг йўналиши B_1B_3 кесма билан белгиланади; бу кесма эса B_1 нүктадан чапга горизонтал чизик тортиб ҳосил қилинади:


$$B_1B_3 = 0,3 (0,4 C_{\text{сон}} - 1,5).$$

Почанинг пастки чизик бўйича кенглиги моделга қараб аниқланади. Шим олд ярмининг пастки чизик бўйича кенглиги шим орқа ярмининг шу жойдаги кенглигидан 4 см камроқ бўлади; $HH_1 = HH_2 = 0,5$ ($W - 2$). Шим орқа ярмининг пастки чизик бўйича кенглиги: $HH_3 = HH_4 = 0,5$ ($W_{\text{паст}} + 2$).

Шим олд ярми ўрта чизигининг пастки учи пастки чизикдан 0,5 см баландроқда жойлашади: $HH_5 = 0,5$ см.

Шимнинг тизза тўғрисидаги кенглиги моделга боғлиқ бўлади. Шимнинг олд ярми орқа ярмидан 4—5 см торроқ бўлади. Шим олд ярмининг ён чизиги билан олд оғ чизигининг тизза чизиги тўғрисидаги вазияти қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$KK_1 = KK_2 = 0,5 W - (2 - 2,5).$$



5.13-расм. Ўғил болалар шимининг чизмаси

Шим орқа ярмининг ён чизиги билан оғ чизигининг тиззаси түғрисидаги вазияти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_1 K_3 = K_2 K_4 = 2 - 2,5 \text{ см.}$$

B_3 нуқта K_2 нуқтага тўғри чизик ёрдамида туташтирилади, ҳосил бўлган чизиқнинг \bar{Y} нуқта орқали ўтган горизонтал чизик билан кесишган жойига \bar{Y}_2 нуқта қўйилади; бу нуқта олдинги оғ чизигининг учи (энг баланд нуқтаси) бўлади. H_2 нуқтадан K_2 нуқтагача тўғри чизик ва K_2 нуқтадан \bar{Y}_2 нуқтагача ботиқ эгри чизик тортилиб, шимнинг олд оғ чизиги ҳосил қилинади.

Ёрдамчи \bar{Y}_3 нуқта \bar{Y}_2 , \bar{Y}_1 , B_1 бурчакнинг биссектрисасида бўлади. $\bar{Y}_1 \bar{Y}_3 = 1,8 - 2,5 \text{ см.}$

Шим олд ярмининг ўрта чизиги \bar{Y}_2 , \bar{Y}_3 , B_2 ва T_2 нуқталари ишравон эгри чизик ёрдамида ўзаро туташтириб ҳосил қилинади.

Олд ён чизиқнинг сон чизиги түғрисидаги вазияти: $B_4 = B\bar{B}_1 + B_1 B_3$ (B нуқтадан ўнг томонга горизонтал чизик бўйича ўлчаниади).

Шим олд ярмининг ён чизигини ҳосил қилиш учун T_4 , B_4 , K_1 нуқталар равон эгри чизик ёрдамида ўзаро туташтирилади; сўнгра K_1 нуқта H_1 нуқта билан тўғри чизик ёрдамида туташтирилади.

Орқа оғ чизигининг йўналиши:

$$B_5 = 0,5 [(1,4 C_{\text{сон}} + P_{\text{сон}} + Y_p - 1,5) - B_3 B_4] + 0,5.$$

B_5 нуқта K_4 нуқта билан тўғри чизик ёрдамида туташтирилади ва олд ҳамда орқа оғ чизиқларининг узунлиги тенглаштирилади: $K_4 \bar{Y}_4 = K_2 \bar{Y}_2$. Оғ чизигини ҳосил қилиш учун \bar{Y}_4 нуқта K_4 нуқта билан ботиқ эгри чизик ёрдамида ва K_4 нуқта билан тўғри чизик ёрдамида туташтирилади.

Шим орқа ярмипинг кенглиги B_6 нуқта ёрдамида аниқланади:

$$B_5 B_6 = 0,7 (0,4 C_{\text{сон}} - 1,5).$$

$B_5 B_6$ кесма B_5 нуқтадан ўнгга горизонтал чизик бўйича ўлчаниади.

B_6 орқали ўтган вертикал чизик билан \bar{Y} дан ўтган горизонтал чизик кесишган нуқта T_5 билан белгиланади.

Шим орқа ярмининг ўрта чизиги йўналиши:

$$T_5 T_6 = \Gamma_{\text{бел II}} - (0,5 - 0,7).$$

0,5 - 0,7 см — шимнинг орқа ярмини тортиб чўзиш даражаси.

Ёрдамчи \bar{Y}_6 нуқта $\bar{Y}_2 \bar{Y}_5 T_5$ ($\bar{Y}_5 \bar{Y}_6 = 2,5 - 3 \text{ см}$) бурчак биссектрисасида жойлашган.

Шим орқа ярми ён чизигининг сон чизиги түғрисидаги вазияти:

$$B_6 = 0,5 [(1,4 C_{\text{сон}} + P_{\text{сон}} + Y_p - 1,5) - B_3 B_4] - 0,5.$$

B_7 кесма B нуқтадан ўнгга горизонтал чизик бўйича ўлчаниади.

Шим орқа ярми ён чизигининг T нуқта орқали ўтган горизонтал чизиқдаги вазияти:

$$T_6 T_9 = 0,5 C_{6\text{ел}} + B + 0,5 + 0,5 \text{ Ур.}$$

$T_6 T_9$ кесма T_6 нуқтадан ўнгга горизонтал чизиқ бўйича ўлчанади.

B_7 нуқта K_3 ва T_9 нуқталарга тўғри чизиқ ёрдамида туташтирилади.

Шим орқа ярмининг ён чизигини ҳосил қилиш учун T_9 , B , ва K_3 ва H_3 нуқталар ўзаро туташтирилади, бу чизиқнинг T_9 нуқта билан K_3 нуқта орасидаги қисми равон эгри чизиқдан иборат бўлади; кейин K_3 нуқтадан H_3 нуқтагача тўғри чизиқ тарзида давом эттирилади. Олд ва орқа ён чизиқларнинг узунлиги ўзаро тенглаштирилади:

$$K_3 B_7 T_9 T_{10} = K_1 B_4 T_4.$$

Шим орқа ярми ўрта чизигининг юқориги учини аниқлаш учун B_6 нуқта T_6 нуқтага тўғри чизиқ ёрдамида туташтирилади, сўнгра бу чизиқ юқорига давом эттирилади. K нуқтадан узунлиги $K T_{10}$ га тенг радиус билан ёй чизилади, ёйнинг $B_6 T_6$ чизиқ билан кесишган жойига T_6 нуқта қўйилади. T_8 нуқта орқадаги ўрта чизигининг юқориги уни ҳисобланади. $Я_4$, $Я_6$, B_6 , T_6 ва T_8 нуқталар равон эгри чизиқ ёрдамида ўзаро туташтирилиб, шим орқасининг ўрта чизиги ҳосил қилинади. $B_6 B_8 = T_6 T_8 B_6 T_8$ чизиқ бўйича юқорига ўлчаб қўйилади.

Бел чизигидаги витачка шим орқа ярмининг ўртасига жойлаштирилади. Витачканинг ўрта чизиги $T_8 T_{10}$ чизигига перпендикуляр қилиб чизилади. Шим орқасининг юқориги чети витачка ёпиб қўйилган ҳолда, эгри чизиқ кўринишида ҳосил қилиниши лозим. $B_6 B_8$ — шим орқа ярмининг сон чизиги.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Болалар кийимининг асосий сифат кўрсаткичларидан бирини айтиб беринг.

2. Ясли ёшидаги болаларнинг кийимлари қандай хусусиятларга эга бўлиши лозим ва кийимларнинг қайси тури бу талабларга мос келади?

3. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мўлжалланган кийимлар турини айтиб беринг.

4. Мактаб ёшидаги болалар ва ўспириналарга мўлжалланган кийимлар турини айтиб беринг.

5. Болаларга мўлжалланган кийимларга хос услугуб нимадан иборат?

6. Замон талабига мос келадиган болалар кийимининг турларини айтиб беринг.

7. Ўғил болаларга мўлжалланган елкаси ёстиқчали кийимлар конструкциясининг қандай элементлари ёш группасига боғлиқ бўлади?

8. Ўғил болаларнинг елкаси ёстиқчали кийимларини конструкциялаш учун қандай ўлчов белгилари талаб қилинади?

9. Ўғил болаларнинг елкаси ёстиқчали кийимларини конструкциялаш вақтида фойдаланиладиган конструктив ҳақларнинг асосий турларини айтиб беринг. Бу конструктив ҳақлар ёш группасига ва кийимнинг турига боғлиқми?

10. Конструктив ҳақларда материалнинг хоссалари қай тарэда ҳисобга олиниади?
11. Ўғил болаларнинг елкаси ёстиқчали кийимларини конструкциялашда қандай ва қанча чок ҳақи кўзда тутилади?
12. Дастлабки ҳисобда кийимнинг қайси қисмларига тегишли маълумотлар ҳисоблаб чиқарилади? Бундан кўзланган мақсад нима?
13. Ўғил болаларнинг елкаси ёстиқчали кийимлари асосий чизмасининг таяни турни қандай чизиқлардан иборат бўлади?
14. Ўғил болаларнинг елкаси ёстиқчали кийимларидаги орқадаги ўрта чизиқнинг қайси варианatlари ишлатилиади? Қандай ҳолларда қайси вариант қўлланилади?
15. Кийим орқасининг юқори контурига конструкциянинг қайси элементлари киритилади?
16. Кийим орқасининг елка чизиги қандай ҳосил қилиниади? Уни чизиш методикаси нималарга асосланган?
17. Ҳар хил ёш групласига мансуб ўғил болалардаги морфологик фарқларни кийим олдининг қайси конструктив элементлари акс эттиради?
18. Ўғил болаларга мўлжалланган елкаси ёстиқчали кийимларнинг ён чизиқлари қандай булиши мумкин ва уларнинг варианatlари нималарга қараб танланади?
19. Чўнтакнинг ва қорин тўғрисидаги витачканинг вазияти қандай аниқланади?
20. Кийимнинг ён томони йирмошли бўлган ҳолларда асосий чизмага қандаи үзгартришлар киритилади?
21. Икки чокли енг билан бир чокли енгнинг чизмаларни чизиш фарқини айтib беринг.
22. Остки ёқаларнинг ўғил болалар кийимларига хос конструкцияларни айтib беринг. Уларнинг конструктив элементлари нимадан иборат?
23. Болаларнинг қандай морфологик белгилари шимларнинг конструкциясига бевосита таъсир кўрсатади?
24. Шимларнинг чизмаси учун керакли маълумотларни ҳисоблаш ва чизмани чизиш учун қандай ўлчов белгилари, конструктив ҳақлар ва чок ҳақлари талаб қилиниади?
25. Чизма тўрининг қандай асосий чизиқлари шимнинг параметларини белгилаб беради?
26. Шимнинг конструктив элементлари ва айrim қисмлари узунлигини ҳисоблашга болаларнинг ёш групласи қандай таъсир кўрсатади?
27. Шимнинг олдидағи ва орқасидаги витачкалар қандай ҳосил қилиниади?

6. ЁРДАМЧИ ДЕТАЛЛАРНИ ЧИЗИШ, АНДАЗА ТАЙЁРЛАШ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ЖОЙЛАШ

6.1. Андазалар конструкциясини тузиш ва уларни кўпайтириш -

Кийим деталлари андаза бўйича бичилади. Андаза тайёрлашдан олдин кийим деталларининг чизмасида витачкалар, ён чизиқлар, енг, шим ва бошқа деталлар чизиқларининг барча ўтмас бурчаклари уларнинг учига мумкин қадар яқинроқдан думалоқланади. Сунгра кийим орқаси ва олди деталларининг, енгнинг устки ва остки ярмининг, шимнинг олд ярми билан орқа ярми жуфтлаштирилиб бир-бирига уланадиган зиҳларининг ўзаро мос келиши текширилади; бунда конструкция чизиқларидан арзимаган даражадагина четга чиқишига йўл қўйилади. Шу тарзда аниқланган чизмаларда чокларга ҳамда кийим этагини, енг уни ва шим почасини букиш учун қабул қилинган технолого-гик ва техник шартларга мувофиқ чок ҳақи белгиланади.

Андазалар тайёрлаш усулига қараб, асосий андаза, иккиламчи (хосила) андаза ва ёрдамчи андаза деган турларга ажратылади, бажарадиган вазифасига қараб эса, эталон-андаза (оригиналлар), иш андазаси ва ёрдамчи андаза каби хилларга ажратылади.

Эталон-андазалар иш андазаларини текшириш учун контрол восита сифатида хизмат қиласы. Улар экспериментал цехларда сақланади ва оригинал-чизмалар/ёки үлчовлар табели бүйича камида кварталда бир марта текшириб күрілади.

Иш андазаларидан бевосита технологик жараёнларда (күйим бичиш, бициқларни текшириш ва ҳоказолар вақтида) фойдаланилади. Бу андазалар ойнга камида бир марта эталон андазалар бүйича текширилади. Кесилган жойлардаги четта чиқищлар норматив-техник ұжжатларға мувофиқ белгиланади.

Ёрдамчи андазалар күйимнинг қайириб букиш чизиқлары, кесиб ташланадиган жойлари, чүнтаклар, измалар, тұмалар ва ҳоказолар үринине құшимча равишида белгилаш учун хизмат қиласы.

Андаза қалинлиги 0,9—1,62 мм келедиган картон қоздан тайёрланади. Бу мақсадда ишлатыладиган картоннинг памлик даражасы ҳавонинг нормал нисбий памлигі 60—65% бұлғанда 8% дан ошмаслиги лозим. Иш андазаларининг хизмат муддатиши чөзіш учун уларнинг контури бүйича тунука тасма тутилади ёки четларига махсус әрітма (елим, суюқ шиша) суртилади, ё бұлмаса картон қозданға остики томонига құм қоғоз ёпиширилади; шундай қилинганда картон тезда йиртилмайды ва андаза газлама билан яхши тишлишади, бу эса бичиш аниқлигиги оширади.

Одатда иш андазалари 3—5 комплект қилиб тайёрланади.

Асосий андазалар күйим конструкциясыннан чизмаси бүйича тайёрланади; бу андазаларда чок ҳақи, күйим этакларини қайириб букиш, ортиқча жойларни кесиб ташлаш ҳақлары албатта ҳисобға олинған бұлади. Күйимнинг орқаси, олди, енглары, ён чизиқларига, шимнинг олд ва орқа ярмига құшиб берилдиган чок ҳақи «Тикилған күйимлар. Қавиқлар, баһялар ва чоклар» давлат стандартына мувофиқ белгиланади. Деталларнинг (масалан, устки ёқа, подборт ва шу кабиларнинг) четини қайириб букиш ҳақи газламаның қалинлигига ҳамда узел конструкциясына боелиқ бўлиб, норматив-техник ұжжатларда кўзда тутилади.

Эркаклар костюми деталларининг конструкциясида пиджак орқасининг ўрта чизиги, пиджак орқаси ва олдининг ён чизиқлари, елка чизиқлары, олд витачкалар чизиқлари, енгларнинг олдинги зиҳлари ва тирсак түғрисидан үтадиган зиҳлари, шимларнинг ён ва оғ чизиқларини унификациялаш кўзда тутилган. 6.1-расмда эркаклар костюми деталларининг асосий андазасини тайёрлаш схемаси берилган (кесиладиган жойларға ҳақ ташлаб кетилмаган).


Аҳолининг шахсий буюртмасига мувофиқ күйим тикишда

база конструкциялар андазаси ҳамда чалафабрикат бичиш учун хизмат қыладиган андазалардан фойдаланилади. База конструкциялар андазасини тайёрганда чок ҳақи берилмайды. Кийимни бичганды тегишли жойларда чок ҳақи ташлаб кетилади, бу эса кийим балансини яхшилаш мақсадида унга бирмунча ўзгартириш киритишга ва композицион ечимларга имкон туғдиради (6.1- жадвал).

Кийим деталларининг четларини түғри ва аниқ улаш мумкин бўлиши учун, андазаларни тайёрганда кертиклар қилинади (6.1- расмга қаранг).

Умиз чизиги ва синг бошидағи кертикларни қандай ҳосил қилиш кераклиги енгларнинг чизмасини чизиш түғрисида сўз боргандо (5.3- параграфга қаранг) тушунтириб келтирилган эди.


Шимнинг олд ва орқа ярмининг андазаларида ён чизиқлар билан оғ чизиқларидаги кертиклар тизза чизиги түғрисида жой-



лашади; шунингдек, гульфик ва откос улаб тикила бошлайдиган нуқтага ёки ундан 2 см баландроққа ҳам кертик қилинади (6.1-расм, г га қаранг).

Реглан енгли кийимда кертикларниң ўрни орқанинг ўрта чизигида худди бел түғрисида, кийим орқаси ва олдининг ёи чизиқлариде эса айни бел ва сон чизиқлари түғрисида бўлади. Орқа енг ўмизидаги биринчи кертик орқа ёқа ўмизи чизигидан 7—8 см нарида жойлашади; иккинчи кертик эса тирсакнинг перекат чизиги учидаги бўлади. Енгларниң ўмизига улаб тикиладиган чизиқларининг тўрт жойи кертилади: енгининг олдинги қисмида — олд ёқа ўмизи бурчагидан 6—7 см масофада, енгининг орқа қисмида — орқа ёқа ўмизи чизигидан 7—8 см масофада; енгининг олд қисмида эса — олд перекат чизигининг уни билан бир сатҳда (учинчи кертик) бўлади; тўртинчи кертик енгининг орқа қисмида тирсакнинг перекат чизиги уни билан бир сатҳда жойлашади. Енгларниң олд ва орқа қисмларинда устки зиҳларининг уч жойи кертилади: бири — елканинг охирги нуқтаси билан бир сатҳда, иккинчиси — енг ўмизининг чуқурлик чизиги сатҳида, учинчиси — енг уни чизигидан 7—8 см нарида жойлашади. Енгининг олд ва орқа қисмларининг ости зиҳларидаги биринчи кертик шу чизиқ учидан 6—7 см масофада, иккинчи кертик эса енг учидаги чизиқдан 7—8 см масофада бўлади.

Асосий андазалар ишлаб чиқилгандан кейин деталларининг жуфтлаштириладиган контурлари текшириб кўрилади (6.2-расм).



6.1-расм. Эркаклар костюми деталларининг асосий андазасини чизиш:

a — костюминг орқаси, ён йирмоч ва костюминг олди; *b* — енг; *c* — ёқолар; *g* — шим

6.1. Эркаклар кийими деталларидаги чок ҳақи ва запас ҳақлар [15]

Кийим деталларининг чок ҳақи ташлаб кетиладиган жойлари	Чок ҳақи, [см]		
	асосий газлама (аер)		астар
	пальто, калтв пальто, плаш	пиджак, куртка	

Кийимнинг орқаси

Орқадаги урта чизик:

юқориги	3	3	2
горизонтал чизик бўйича чапда	—	—	2,3
Ёнг ўмизининг чети, вертикал йўналишида юқорига	2	2	—
Елка чизиги:			
вертикал йўналишида юқорига	1	1	2—2,5
горизонтал йўналишида ўнгга	—	—	0,3
Ёнг ўмизи чизиги:			
устки қисмida горизонтал йўналишида ўнгга	2,5	2,5	2,5—3
вертикал йўналишида юқорига	—	—	2,5—3
тор қисмida, горизонтал йўналишида ўнгга	—	—	2, 2,5
ён чизик учida, горизонтал йўналишида ўнгга	2,5	2,5	2—2,5
вертикал йўналишида юқорига	—	—	1,7—2
Ён чизик, горизонтал йўналишида ўнгга	1	1	0,5
Этак чизиги, вертикал йўналишида пастга			
түгри бичимли кийимда	5	4	5—6
тўқис бичимли кийимда	3	3	—

Кийимнига олди

Ёқа ўмизининг чети			
чизик учida, вертикал йўналишида юқорига	2	2	2,5—3
ўмиз асосида, ——————	1	1	—
Елка чизиги (чети)			
вертикал йўналишида юқорига	3	3	2,5—3
горизонтал йўналишида чапга	—	—	0,5
Ёнг ўмизининг чети (зиҳи)			
устки қисмida, горизонтал йўналишида чапга	2,5	2,5	2,5—3
вертикал йўналишида юқорига	—	—	2,5—3
тор жойида	3	3	2—2,5
ён чизик учida, горизонтал йўналишида чапга	2,5	2,5	2—2,5
вертикал йўналишида юқорига	—	—	1,7—2
Ён чизик, горизонтал йўналишида чапга	3	3	2—2,5
Этак чизиги, вертикал йўналишида пастга	5	4	0,5


Енг

Енг боши чизиги (чети)			
енгнинг устки қисми, тирсак чизиги	1	1	2—2,5

Кийим деталларининг чок ҳақи ташлаб кетиладиган жойлари	Чок ҳақи, см		
	асосий газлама (авра)	пальто, калта пальто, плаш	астар
енгнинг остки қисми, тирсак чизигининг учидаги, вертикаль йўналишда юқорига	2	2	—
Енгнинг олд чети (устки қисмидаги вертикаль йўналишда юқорига горизонтал йўналишда ўнгга	1	1	4,5—5 1,5
Енг олд чети (остки қисмидаги вертикаль йўналишда юқорига горизонтал йўналишда ўнгга	—	—	2 1
Тирсак тўғрисидаги зиҳи енгнинг устки қисми, вертикаль йўналишда юқорига	1	1	5—5,5
енгнинг остки қисми, вертикаль йўналишда юқорига	3	3	5—5,5
Енг учи вертикаль йўналишда юқорига горизонтал йўналишда чапга	5	5	2 1


Эслатмачи. Шимларда олд ён чизик, олд ор чизиги, бант чизиги на боланинг юқориги четига ташлаб кетиладиган чок ҳақи 1 см га тенг; шим орқа ярмининг ор чизиги, ётга чизигининг юқориги учига қўшиладиган чок ҳақи 1 см га, манжетаси почвалинг пастки чизигига қўшиладиган чок ҳақи 4—6 см га тенг.

Иккиламчи (ҳосила) андазалар асосий андазалар бўйича тайёрланади. Иккиламчи андазаларга қўйндагилар киради: асосий материалдан тикиладиган деталларнинг (подборт, устки ёқа, гульфик ва откос) андазалари; астарбоп материалдан тикиладиган деталларнинг (кийимнинг олди ва орқаси, енгнинг



6.2-расм. Деталлар контурларининг туташинин текшириш

устки ва остки қисмлари, жилемка астари, шим олд ярмининг астари, гульфик, откосок, леи ва ҳоказо) андазалари; оралиқ материалдан тайёрланадиган деталлар (кийимнинг кўкрак қисмига, елкага ва ёқа оралиғига қўйиладиган дағал матодан иборат бортовка)нинг андазалари; астарлик материалдан тайёрланадиган деталлар (пиджак ва жилемтакининг олд қисмига, йирмочга, орқа этакка, енг ўмизига, ён этакка, енглар учига, устки ва остки ёқаларга, подбортга қўйиладиган такрорий оралиқ материал) андазалари. Подборт, кийим олди ва орқасининг астари, енг астари андазаларини тайёрлаш тартиби 6.3-расмда кўрсатилган. Эркаклар устки кийимининг иккиласи (ҳосила) андазаларини тайёрлаш усуллари ушбу дарслекнинг охирида берилган адабиёт рўйхатидаги китобларда [8, 10—13, 18] ва



кийимларни конструкциялаш ҳақидаги бошқа ўқув методика ҳамда норматив материалларда батафсил баён этилган.

Ёрдамчи андазалар кийим деталларининг асосий ва иккиламчи андазаларидан фойдаланиб тайёрланади.


Асосий ва иккиламчи эталон-андазаларга ҳамда иш андазалариға техник талабларга мувофиқ қўйидаги белгилар қўйилади: газламанинг бўйлама йўналишини ифодаловчи чизиқ — танда или йўналиши (Т.И); бўйлама йўналишдан четга чиқиш чизиқлари; улоқ тушадиган жойларда уларнинг минимал ва максимал кенглигини кўрсатувчи чизиқлар (кийимларнинг тармоқ стандартига мувофиқ); бир-бирига улападиган деталларнинг жуфтлаштириладиган жойларидағи контрол кертиклар.

Ёрдамчи андазаларда чўнтаклар, витачкалар, бурмалар, измалар, тугмалар ва ҳоказолар ўрни кўрсатилиди.

Асосий, иккиламчи ва ёрдамчи эталон-андазаларнинг ҳамда иш андазаларининг барча комплектларида кесиладиган жойлардаги чизиқлар бўйича (андазанинг четидан 1 мм қочириб) 8—10 см оралатиб тамға босилади ёки чизиқ чизилади; тамға ва чизиқлар андазанинг эскириш даражасини текшириб туриш учун керак.

Андазанинг бирида, одатда кийим олдининг деталида, барча деталлар ва андазаларнинг вазифаси бўйича спецификацияси тузилади. Тармоқ стандартига мувофиқ рухсат этиладиган деталлар андазалариға (остки ёқа, подбортлар, енглар астари ва ҳоказоларга) йўл қўйиладиган улоқлар чизилади.

Иш андазаларида кесиш аниқлигидан йўл қўйиладиган. четга чиқишлиарни кўрсатиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Кийимнинг



6.3-расм. Пиджак (а) ва шим (б) деталларининг ҳоисила андазаларини тайёллаш

6.2. Газлама танда ипининг йўналиши ва кийим деталларида ундан четга чиқилиши [15]

Кийим деталлари	Кийимнинг асосий деталларидаги танда ипининг йўналиши	Танда ипи йўналишидан четга чиқиш, %	
		Сидирға ранг газламада	Йўл-йўл ва катакли газламада
Кийимнинг орқаси яхлит ўртаси чокли	Орқанинг ўрта чизиги Орқадаги ўрта чизикнинг белдан этаккача бўлган қисми	2 2	0,5 0,5
Кийимнинг олди яхлит тугмаланадиган	Бар чизиги Бар чизигининг энг юкориги измадан этаккача бўлган қисми	1 1	0 0
Ўтқазма енг бир чокли икки чокли — устки ва остки қисмлардан иборат икки чокли — олд ва тирсак қисмларидан иборат	Деталнинг ўрта чизиги Енг устки қисми олд энхининг юкориги ва пастки бурчакларни улаш чизиги Олд энхининг этакдан витака учигача бўлган чизиги	4—5 6—7 4	1 2—3 1
Реглан бичимли енг бир чокли икки чокли — олд ва ўрта қисмлардан иборат	Деталнинг ўрта чизиги Деталнинг ўрта чизиги	4 2	1 0,5

Эслатма. Деталлардаги асосий чизикларнинг йўналиши моделга ва газламанинг турига қараб бошқачароқ бўлиши мумкин.

ниҳоят даражада аниқ бичилиши талаб қилинадиган жойларидаги (ёқа ўмизи, елка зиҳлари, енг ўмизи, енг боши) йўл қўйиладиган четга чиқишилар $\pm 0,1$ см га тенг; устки деталларнинг бошқа жойларидаги йўл қўйиладиган четга чиқишилар $\pm 0,25$ см, астар ва оралиқ материалдан тайёрланадиган деталларда $\pm 0,4$ см ни ташкил этади.

Кийимларнинг кўпчилиги ҳаракатчан тўрсимон структурали газламадан тикилади. Кийиш жараённада газлама структураси ўзгариб, кийимнинг формаси бузилиши мумкин. Буни олдини олиш учун кийим деталларини шундай бичиш керакки, асосий чузувчи кучлар газламанинг танда иплари бўйлаб йўналсин. Бунинг учун юқорида айтиб ўтилган белгилардан ташқари, кийимнинг ҳар бир деталида танда ипининг йўналиши ва бу йўналишдан йўл қўйиладиган четга чиқишилар кўрсатилади. Танда ипи йўналишидан чекли четга чиқишилар материал толасининг таркибига, структурасига, материалнинг тўқилиш зичлигига, кийимнинг конструкцияси, вазифаси ва ҳоказоларга боғлиқ (6.2—6.4- жадваллар).

6.3. Газлама танда ипининг йўналиши ва кийимнинг майда деталларида бу йўналишдан четга чиқилиши

Кийим детали	Кийимнинг майда деталларида танда ипининг йўналиши	Танда ипи йўналишидан четга чиқиш, %					
		жун газлама		ип газлама		ипак газлама	
		1*	2**	1*	2**	1*	2**
Устки ёқа	Ёқанинг ўртасидаги чизик	5	5	5	5	5	5
Остки ёқа ёқа қайтармаси очиб қўйладиган кийимларда барни ўмизгача тугмаланадиган кийимларда «шалка»	Раскеп чизиги	20	20	10	20	10	20
стойка (тиқ ёқа)	Ёқанинг ўртасига нисбатан 30 — 60° бурчак ҳосил қўйладиган чизик	20	20	10	20	10	20
Подборт	Ёқанинг ўртасидаги чизик	20	20	10	20	10	20
Капюшон (қайтарма қалпоқ)	Ёқанинг ўртасидаги чизик	0	0	0	0	0	0
Белбоғ (пояс)	Подборт ташки зиҳиниг белдаи этаккача бўлган қисми (чизиги)	5	5	5	5	5	5
	Олд зиҳини билдирувчи чизик	5	5	5	5	5	5
	Деталнинг кўндаланг йўналишдаги ўрта чизиги	0,5	5	0,5	5	0,5	5

* Катакли газлама

** Сидирга ранг газлама

6.2. АНДАЗАЛАРНИ ТЕХНИК КЎПАЙТИРИШ

Андазаларни техник кўпайтиришдан мақсад мазкур модель учун лойиҳаланадиган кийимнинг барча размерлари ҳамда ростлари учун андазалар ҳосил қилишдир.

Андазаларни техник кўпайтириш иши билан модель тузувчи ташкилотлар, тикувчилик корхоналарининг лабораториялари ҳамда конструкторлик бюролари шуғулланади.

Андазаларни кўпайтиришининг қўлда бажариладиган бир неча усуллари бор; шунингдек, уларни ЭҲМлардан фойдаланиб автоматлаштирилган режимда кўпайтириш ҳам мумкин.

Андазаларни кўпайтиришининг иур усулни шундан иборатки (6.4-расм, а), марказ (фокус) сифатида қабул қилинган

6.4. Астарбоп газламадан тикилган деталларда таңда ипининг йўналиши ва ундан йўл кўйиладиган четга чиқишлар

Кийим детали	Астарбоп газламадац тикиладиган деталларда таңда ипини йўналиши	Таңда ипидан четга чиқиш, %			
		Таңда ипидан четга чиқиш, %		Ип газламада	Ипак газламада
		1	2		
Кийимнинг орқаси Кийимнинг олди	Орқадаги ўрта чизик Борт чизизининг белдан этаккача бўлган қисми	0	2	0	1
Ўтқазма енг бир чокли икки чокли— устки ва остиқ қисмларидан иборат икки чокли — олдинги ва тирсак қисмларидан иборат	Деталиниг ўрта чизиги Устки ва остиқ қисмлар олдзиҳининг юқориги ва пастки бурчакларини улаш чизиги Олд зиж чизигининг енг учидан витачка учигача бўлган қисми	0	15	0	10
Реглан енг бир чокли икки чокли — олдинги ва тирсак қисмларидан иборат Шимминг олд ва орқа ярми	Деталиниг ўрта чизиги Устки энж чизигининг этакдан елка нуқтасигача бўлган қисми Тизза чизиги ўртасидаги нуқта билан почанинг пастки чизиги ўртасидаги нуқтани улаш чизиги	0	15	0	10
		0	15	0	10
		0	0	0	2

6.5. Конструктив нуқталарни силжитиш белгилари системаси

Белгилар	Горизонтал йўналишда		Вертикал йўналишда	
	размер ёки рост катталаشتирилганда	размер ёки рост кичрайтирилганда	размер ёки рост катталаشتирилганда	размер ёки рост кичрайтирилганда
+(плюс)	Ўнгга Чапга	Чапга Ўнгга	Юқорига Пастга	Пастга Юқорига
-(минус)				


нуқтадан нур (чизик)лар чиқарилади; бу нурлар фокусни конструктив нуқталарга туташтиради; нурлар (чизиқлар)нинг узунлиги ҳисоблаш жадвалларидан олинган орттириш қийматлари узунлигича давом эттирилади.

Бу усул содда булиши билан бирга, у камчиликка ҳам эга; бу камчилик фокус танлашга тааллуқлидир: конструктив нуқталар сони қаинча кўп бўлса, уларни аниқлаш шунча қийинлашади. Бу усулдан асосан бош кийимлари ҳамда корсетли (куллобли) кийимлар айрим деталларининг андазаларини кўпайтиришда фойдаланилади.

Группаляш усули деталлар (база деталь ва четки катта ёки кичик деталь ёки иккита четки деталь) андазаларининг икки комплектини горизонтал ва вертикал база чизиқлар

6.4-расм. Андазаларни кўпайтиришнинг техник усуллари:

a — нур усули; *б* — группалаш усули; *в* — пропорционал-ҳисоблаш усули



бўйича жуфтлашдан иборат (6.4-расм, б). Бир ном билан юритиладиган конструктив нуқталар тўғри чизиқлар ёрдамида туаштирилади ва оралиқ ростлар сонидан бир рақами (яъни бирлик) чегириб ташлагандан кейин ($n=1$) қолган сонга бўлинади.

Бу энг аниқ усул бўлиб, ҳар қандай шаклдаги деталлар андазаларини кўпайтиришда қўлланилади. Мазкур усулнинг асосий камчилиги шуки, бунда меҳнат ва материал кўп сарф бўлади. Шунга кўра ундан нур усули ва пропорционал-ҳисоблаш усули учун орттириш ҳисоблаш жадвалларини тузиш вақтида гина фойдаланилади.

Пропорционал-ҳисоблаш усули гавданинг ўлчов белгилари ўзгаришига қараб, ҳар бир конструктив нуқтани вертикал ва горизонтал йўналишларда (бўйига ва энига) силжитишга асосланган (6.4-расм, в).

Ҳар бир нуқтанинг силжитилиши 6.5-жадвалда плюс (+) ва минус (—) белгилари билан кўрсатилган.

Андазаларни пропорционал-ҳисоблаш усулида кўпайтириш кийимларни конструкциялаш ЦНИИШП методикасига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳар бир конструктив группага тегишли орттириш қийматлари ҳисоблаш жадвалларини тузиш йўли билан аниқланган, бу мақсадда эса кўпайтириш тўри чизилган.

Турли тўлалик группасига кирадиган эркакларнинг жуссаси бир-биридан фарқ қиласидек, ҳар хил ёш группасига мансуб болаларнинг жуссаси ҳам бир-биридан фарқ қиласидек. Шунга кўра кийим модели, намунаси, конструкциясини яратишдаги каби, андазаларни кўпайтиришда ҳам муайян тўлалик-размер группасига мансуб булган стандарт жусса асос қилиб олишиши лозим.

Андазаларни техник кўпайтириш жараёни сермеҳнат иш бўлиб, кўп вақт сарфлашни ҳамда диққатликни талаб қиласидек. Бунда вақтни тежаш учун андазани кўпайтириш ишини осонлаштирадиган турли мосламалар қўлланилади; уларнинг энг содда тuri орттириш нуқталари оралиғи игналар воситасида кўрсатиб қўйилган ва углеродли мосламалар йигинидендан иборат.

Андазаларни күпайтиришда «градемастер», «мульти градер» вариатори каби жуда содда асбоблардан ҳам фойдаланилади.

Хозирги вақтда андазалар машина усулида, яъни ЭҲМлар, графопостроителлар ҳамда қирқувчи асбоблар ёрдамида күпайтирилмоқда.

6.3. АНДАЗАЛАРНИ ГАЗЛАМА УСТИГА ҚҮЙИШ ВА БИЧИШ

① **Андазаларни газлама устига қўйиш ҳамда кийимни бичиш техник талабларга мувофиқ бажарилиши лозим. Асосий, иккиламчи ва ёрдамчи иш андазалари комплекти техник контрол булимида текширилган ва қачон текширилганлиги (ої, кун ва иили) ёзилган, имзо чекилган ҳамда ОТКнинг штампи босилган бўлиши керак. Корхонадаги иш андазалари эталон-андазалар ҳамда ўлчамлар табели бўйича текширилади.**

Тайёр кийимнинг сифати бичиш вақтида андазаларнинг газлама устига техник талабларга мувофиқ, тўғри қўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.]

Тукли газламалар, шунингдек, ҳар хил тусдаги газламалардан кийим бичиш вақтида асосий газламадан тикиладиган деталларнинг барча андазалари (адип ва остки ёқалар бундан мустасно) бир томонга қаратилиши керак. Кийим духоба, баҳмал, нимбаҳмал, чийдухобадан бичилаётганда андазани газлама туки пастдан юқорига қараб турадиган қилиб жойлаш керак. Шунда тайёр кийимнинг материали ялтираб турмайди. Гуллари ҳар томонга қаратилган газламаларда андазаларни газлама гуллари пастдан юқорига ёки, аксинча, юқоридан пастга қараб турадиган қилиб жойлаш тавсия этилади.

Байка, фланель, мовут (драп, сукно) каби тукли материаллар, пахта ипи, вегонь ип, меланж ипдан тўқилган материаллардан, замша ва чийдухобадан кийим бичишида андазаларни туклар пастдан юқорига қараб турадиган қилиб жойлаш керак, шунда кийимнинг материали ортиқча пахмоқланмайди. Умуман, андазанинг жойланиши материал тукининг узун-қисқалиги ва майин-дағаллигига боғлиқ. Хуллас, узун тукли материалда туклар юқоридан пастга, қисқа тукли материалларда пастдан юқорига йўналган бўлади.

Туклари кўзга аранг чалинадиган материалдан тикиладиган кийимни бичганда ҳамма деталларда материал тукларининг бир йўналишда жойлашган бўлишига эътибор берниш керак. Агар газлама устига икки кийимнинг андазаларини бир йўла жойлаштиришга тўғри келса, у ҳолда бир кийимнинг жами деталларида газлама туклари бир томонга, иккинчи комплектда эса бошқа томонга қаратилиши лозим.

Сидирга ранг, йўл-йўл ёки катак (туксиз) газламадан кийим бичишида (агар катаклар, гуллар симметрик жойлашган бўлса) деталларнинг андазаларини қарама-қарши

Йұналишда жойлашға йўл қўйилади. Гуллари посимметрик, шунингдек, маълум йұналишда жойлашган газламада бир кийимнинг ҳамма деталлари андазаси бир томонға қаратиб қўйилади.

Хол-хол гулли (холлар йирик бўлса) ёкий ўл-й ўл газламадан кийим бичишида ва тикишда кийим орқаси ва олдининг ўрта чизиги гулнинг қоқ ўртасига тўғри келтирилиши лозим.

И ўл-й ўл ва катак газлама устига андазаларни жойлаётганданда айрим деталларнинг четларидаги, чунончи: кийимнинг олдида — бортлар четидаги, кийим орқасида — ўрта чизиқдаги, подбортларда — ёқа қайтармаларининг ташқи зиҳларидаги, чүнтаклар, чүнтак қопқоқлари, кукрак чүнтаги (листочки), ёқа, хлястик, олд ва орқа кокеткалардаги (складка ёки витачагача) йўлларнинг ёхуд катакларниң бир-бирига мос ҳолда тўғри келтирилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Кийимнинг мазкур деталларини бичаётгандан газламанинг гулларини бир-бирига тўғри келтириш учун ундан тақоролнадиган гулнинг катталигида ёки тўла катталигида чок ҳақи ташлаб кетилади. Кийимнинг орқаси (чокли бўлган ҳолларда) ва подбортларни бичаётгандан чок ҳақи ташлаб кетилмайди, балки бу деталлар газламанинг четига яқинроқ жойлаштирилди. Газламанинг тақоролнадиган гуллари йирик бўлганда ҳам шундай талаблар қўйилади.

Белбоғли ва елкаси ёстиқчали кийимларда чок ҳақи газламанинг кўндаланг жойлашган йирик йўллари ён чокларда бир-бирига тўғри келишини, ёқанинг ҳар иккала учиди ҳамда ёқа қайтармаларида эса симметрик жойлашувиши таъминланоги лозим.

Кийим деталларини бичганда ҳамма деталларнинг четларидан андазадан озгина бўлса-да четга чиқилишини назарда тутиш керак. Лекин бу четга чиқишлар қуйида кўрсатилган дара жадан зиёд бўлмаслиги лозим:

асосий материалдан бичилган деталларнинг четлари (елка чизиги, енг ўмизи, енг боши ва ҳоказо) да $\pm 0,1 - 0,15$ см;

асосий материал ва астарбоп газламадан бичилган деталлар четида (бортлар зиҳида, олд ён чизиқларда, енгнинг тирсак тўғрисидаги ва олдинги зиҳларida, ёқалар ва қоплама чүнтакларнинг четларida ва ҳоказо) $\pm 0,15 - 2$ см;

турли оралиқ деталлар, кийимнинг олд ва орқа этаклари (авраси ва астари) да ва ҳоказоларда $\pm 0,25 - 0,3$ см;

кертикларнинг ўлчамларida ва бир-бирига писбатан жойлашувида $\pm 0,2$ см.

Андазадан энг кўп билан 0,2 см четга чиқишга йўл қўйиладиган деталларни бичиши вақтида уларнинг андазалари ораларидан камида 0,1—0,15 см қолдириб жойлаш лозим.

Тикувчилик саноатида ва манший хизмат системасида андазаларни жойлаштиришнинг типавий схемалари қўлланилади; бу схемалар ЦНИИШП ва ЦОТШЛ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар хил моделдаги кийим учун қўлланилиши

мумкни; бу схемаларда размери ва рости ҳар хил бўлган киймларнинг йирик деталлари андазаларини эни бир тиндаги газламалар устига жойлаш тартиби ҳам кўзда тутилган.

✓ Андазаларни газлама устига жойлашнинг бир печа варианти мавжуд. Лекин асосий принцип қўйидагидан иборат. Йирик деталларнинг андазаларини жойлашда уларнинг тўғри чизиқли (ёки шунга яқин) четлари жойлаш рамкасининг четига тақаб қўйилади, эгри чизиқли четлари эса майдончанинг уртасига тўғри келтирилади. Йирик андазалар орасига майдароқлари жойланади, бунида ёндош андазаларнинг четлари бир-бирига тегиб туриши лозим.

Йирик ба уртача катталикдаги андазалариниң четларини шундай жуфтлаштириш керакки, уларнинг ўйиқларидан ҳосил бўлган очиқ жойларга майда андазалар сифадиган бўлсин.

Тавсия этилаётган типавий схемаларнинг кўпчилиги андазаларни симметрик жойлаштириш, яъни ҳар иккала қисмда (агар уни шартли разиша диагонал бўйича икки қисмга бўладиган бўлсан) бир хилда жойлаштириш принципи бўйича тузилган.

Размерлари ва рости бир хил бўлган ва оралиқ, группага киритиладиган кийимларнинг андазаларини жойлашда энг қулай ва яхши типавий схемадан фойдаланиш мумкни. Бир турдаги, лекин ҳар хил моделдаги кийимларнинг андазалари шакли бир-бирига жуда ўхшайди, уларни газлама устига жойлаштиришда йирик андазаларни жойлаштириш схемасидан фойдаланиш мумкни.


Материалнинг қиймати тайёр кийим танинархнинг 80—90% иш ташқијл этади; шунга кура кийим бичишда материални тежаб-тергашнинг катта аҳамияти бор.

Материал устига андазаларни жойлашдаги тежкамкорлик қийим чиқишига қараб белгиланади: яроқсиз қийимларнинг кўп-оз чиқиши турли омилларга боғлиқ; газламанинг эни ва тури, жойланган деталларниң формаси, ўлчами ва сони, андазаларни жойлаш схемаси, кийимнинг размери ва рости ҳамда газлама устига андазаларни жойлаш тартиби шундай омиллар жумласига киради. Қийимларнинг кўп-оз чиқишига андазаларнинг жойланиш тартиби кўпроқ таъсир этади. Палто деталларнинг андазаларни жойлашнинг асосий схемалари кийим олди ва орқасининг вазиятига, пиджак олдининг ҳамда шим олди ва орқасиниң вазиятига қараб аниқланган. 6.5-расмда андазаларни газлама устига жойлаш типавий схемасининг икки варианти берилган. Шу нарса маълумки, кийимнинг асосий деталлари бирин-кетин бўйига жойлаштирилса ёки қиязихлари бўйича жуфтлаштирилса, андазалар оралигидан жуда оз қийикм чиқади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Андаза деб нимага айтилади? Уларнинг кийим деталлари чизмаларидан нима фарқи бор?

2. Андазалар тайёрдаш усулига қараб қандай турларга ажратилиди?



6.5-расм. Эркаклар пальтоси деталларининг андазаларини газлама устига икки хил жойлаштириш

3. Андазалар вазифасига қараб қандай турларга ажратилади?

4. Эталон-андаза деганда нима тушунилади ва ундан қасерда фойдаланилади?

5. Иш андазалари қасерда ишлатилади?

6. Ердамчи андазалардан қандай мақсадда фойдаланилади?

7. Андазалар қандай материалдан тайёрланади?

8. Асосий андазалар қай тарзда ҳосил қилинади? Бунда қандай ҳужжатлардан фойдаланилади?

9. Чок хақининг ва этак (енг учи ва шим почаси)ни қайниб букиш ҳақининг катталиги нимага боғлиқ?

10. Кийимнинг турли детальларидаги кертиклар ўрини қандай аниқланади ва улар қандай жойлаштирилади?

11. Иккиласми (ҳосила) андазалар қандай ҳосил қилинади?

12. Ердамчи андазаларни тайёрлашда қандай андазаларга асосланилади?

13. Андазаларга қандай белгилар қўйилади?

14. Андазаларда нега танда ипларининг йўналиши ва бу йўналишдан четга чиқишилар курсатиб қўйилади? Танда или йўналишидан четга чиқиш дарражаси нимага боғлиқ?

15. Андазалар нима учун кўпайтирилади?

16. Андазаларни техник кўпайтиришининг қўлда бажариладиган усулларини айтиб беринг. Бу усуллар қандай ҳолларда қўлланилади?

17. Эркаклар ва угил болалар кийимларининг андазаларни техник кўпайтиринда қайси усуллар қўлланилади? Нега?

18. Андазаларни техник кўпайтириш ишларини қўлда бажарганда вақтии тежаш учун қандай мосламалар ишлатилади?

19. Кийим деталларининг андазаларини техник кўпайтириш усулларини такомиллаштириш истиқболларини айтиб беринг.

20. Турли андазаларни текшириш муддатлари ва тартибларини айтиб беринг.

21. Андазаларни газлама устига жойлашда ва кийимни бичишида қандай ҳужжатлардан фойдаланилади?

22. Тукли газламалар устига андазалар қандай жойлаштирилади?

23. Тукнинг узуилиги турлича бўлган газламалар устига андазаларни жойлаштириша туклар йўналиши қайси томонда булиши керак?

24. Гуллари фақат бир томонга йўналган газламалар устига ва гулларини ҳар томонга йўналган газламалар устига андазалар қандай жойлашади?

25. Такрорланадиган йирик гулли газламалар устига андазаларни жойлашда қандай талабларга риоя қилиш керак?
26. Такрорланадиган йирик гулли газламалардан кийим бичишда қаерга ва қанча чок ҳақи ташлаб кетилади?
27. Кийим бичиш вақтида деталлар четининг андаза четидан қанча чегта чиқишига йул қўйилади?
28. Кийим деталлари андазаларни жойлаштиришнинг типавий схемалари нимадан иборат? Улардан қандай мақсадларда фойдаланилади?
29. Андазаларни газлама устига жойлашнинг асосий принципини айтиб беринг.
30. Кийимни бичиш вақтида андазалар оралигидан чиқадиган чиқинидар (қийқимлар) қандай факторларга боғлиқ?
31. Андазаларни газлама устига жойлашда қайси йул билан тежамкорликка эришилади?

7. КОНСТРУКТОРЛИК ИШЛАРИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

7.1. Примерка қилиб ва примеркасиз тикиладиган кийимларни конструкциялаш хусусиятлари. Примерка қилиш принципи

Кийимлар шахсий буюртма бўйича тикилганда ҳам, куплаб ишлаб чиқариладиган кийимларнинг намуна моделини лойиҳалаш вақтида ҳам кийим кийгизиб кўрилади, яъни примерка қилинади. Примеркалар сони ва кийимнинг примерка учун қанчалик тайёр эканлиги унинг турига, материалнинг хоссасига, моделнинг хусусиятларига, мутахассисларнинг малакасига, шахсий буюртма бўйича кийимни тикканда эса — буюртмачининг бўй-бастига ҳам боғлиқ бўлади.

Шахсий буюртма бўйича тикиладиган кийимни примерка қилаётганда конструкцияга ёки кийимга аниқлик киритиш учун кўйидаги шартли белгилардан фойдаланилади.

Шартли белгилар	Конструкцияга киритиладиган аниқлик мазмуни
	Торайтирилсин — шартли белги вертикал чок бўйлаб жойлашади. Деталининг шу жойини қанча торайтириш керак бўлса, чок билан белгининг вертикал чизиги оралиғи шу миқдорга тенг бўлади.
+	Кенгайтирилсин — шартли белги вертикал чок бўйлаб жойлашади. Деталининг шу жойи қанча кенгайтирилдиган бўлса, белгининг вертикал чизиги билан чок оралиғи шунга тенг бўлади.
—	Қисқартирилсин — шартли белги горизонтал чизиқ (этак чизиги, кокетка чети ва т. к.) бўйлаб жойлашади. Кийим ёки деталининг шу жойини қанча (иначе см) қисқартириш керак бўлса, белги чизиги билан қайриб букиш чизиги оралиғи шунга тенг бўлади.
++	Узайтирилсин — шартли белги горизонтал чизиқ бўйлаб жойлашади. Кийим ёки деталининг шу жойини ичча сантиметр узайтиш керак бўлса, қайриб букиш чизиги билан белги чизиги оралиғи шунга тенг бўлади.

Сурисин — кийимнинг қаерида битта деталь иккинчи сига нисбатан (масалан, ён чок соҳасида ва к.) сурилиши керак бўлса, шартли белги шу жойга қўйилади. Бир деталь иккинчи деталга нисбатан ёки бир узел бошқасига нисбатан қанча сурилиши керак бўлса, икки горизонтал чизик оралиғи шу миқдорга тенг бўлади.

Елка, енг ўмизи, кўкрак соҳасига оралиқ мато қўйилсин.

Деталнинг шу жойи тортиб чўзилсин.

Деталнинг шу жойидаги дўмбоқлик дазмоллаб текислансин.

Костюмлар группасига мансуб кийимлар — кўйлак устидан, пальто эса пиджак ёки свитер устидан примерка қилинади. Эркаклар ва ўғил болалар кийимларида ўзгартириш белгилари гавда (кийим)нинг чап томонига қўйилади. Деталлар кўк солиб ёки тепчиб уланади. Бортлар астари машинада тикилади.

Биринчи примеркада кийимнинг орқаси, олди, енги, ёқасининг узунликлари, кийимнинг баланси ва бичими аниқланади; шунингдек, деталларга ҳажмий форма берадиган витачкаларнинг очиқ ҳолдаги кенглиги аниқ белгиланади, чунки уни кейинчалик туғрилаш жуда қийин [2, 14, 15].

Биринчи примеркага тайёрланган кийимда бар, кўкрак, сон чизиқлари, баланс тик чизиқлар, измаларнинг вазияти, ёки қайтармасининг тахи, чўнтаклар чизиги аниқ белгиланиши, кийимнинг этаги қайириб, тепчиб қўйилиши, елка ёстиқчалари (оралиқ материал) ва майда деталларнинг (чунопчи, чўнтақ қопқоқлари, пат, белбанд ва ҳоказоларнинг) қогоздан ясалган макетлари биректирилиши лозим. Қишки кийимда авра билан астар оралиғига қўйиладиган ватин тайёрланади.

Примеркадан олдин кийимни столга ёйиб қўйиб технологик камчиликлари бор-йўқлигини текшириш: ёқа ва енг ўмиzlари, ён чоклар чўзилмагани, деталлар шакли ўзгартмагани, қавиқлар тортимагани, чокларда, қайириб букилган жойларда нуқсонлар бор-йўқлиги аниқланади, топилган камчиликлар йўқотилади.

Кийим гавдага ёки манекенга кийгизилгандан кейин барлар бекитилиб, тўғноғичлар билан қадаб қўйилади-да, узунлиги олд ва орқа бел ҳамда этак чизиқлари бўйича тенглаштирилади. Бунда ҳамма чокларни дарҳол тўғноғичлар билан қадаб чиқиш тавсия этилмайди. Дастрлаб кийим тўғрисида бир тасаввур ҳосил қилиш, асосий деталларнинг узунлиги ва кенглигини аниқлаш керак. Енгнинг узунлиги аниқлангандан кейин уни сўқиб олиш керак. Примерка вақтида баланс нуқсонлар топилиб қолса (мувозанат бузилганлиги аниқланса) ва елка чокларини

қайтадан қадаб чиқиши талаб қилиниса, у ҳолда ёқанинг бир томони ўмиздан ажратилади.

Елка чокларини қайта қадаш нўли билан балансни аниқлаш жуда осон; бироқ елка чокларида қолдирилган запас бунинг учун етарли бўлмаган ҳолларда ён чокларни бир оз суришга тўғри келади. Елка чоклари тўғри тепчиб тикилган (тўғноғичлар билан тўғри қадалган) бўлса, бўйлама баланс чизиқлар вертикал вазияти, кўндаланг баланс чизиқлар (бел, сон чизиқлари ва ҳоказо) горизонтал вазияти эгаллайди. Шунга кўра ён ва олд-орқа балансни аниқлаётганда бу чизиқларни горизонтал ва вертикал йўналишдан четга чиқишига йўл қўйилмайди.

Елка зиҳларини 4—5 жойидан тўғноғич билан қадаб, сўнгра елка қиялигининг ўртасидан бошлаб кўклаб чиқилади. Чокнинг вазияти бўр билан чизиб ёки 2—3 тўғноғич ёрдамида белгиланади, бунда кўкрак чизифининг ва вертикал баланс чизиқлар вазиятини текшириб кузатиб туриш лозим.


Шундан кейин кийимнинг бичими, унинг бел ва этак чизиқлари бўйича кенглиги аниқланади. Ён чоклар энг юқориги учидан бошлаб, 5—8 тўғноғич ёрдамида қайта қадаб чиқилади.

Сўнгра кийимнинг узунилиги, бўртма пардоз чокларнинг жойлашиши, чўнтаклар, измалар ва ҳоказоларнинг вазияти аниқланади. Ёқа ўмизи ва енг ўмизлари бўр билаи чизиб белгиланади. Ёқа ўмизга тўғноғичлар ёрдамида қадаб қўйилади, унинг ўлчамлари ва ёқа кайтармаси ўйининг кенглиги аниқланади. Пировардида кийимнинг модель эскизига қапчалик мослигига баҳо берилади. Киритиладиган ўзгаришларнинг ҳаммаси симметрик деталларга, чизма ёки андазага кўчирилади [2, 14, 15].

Иккинчи примеркагача чўнтаклар, бортлар, жами витачка ва чоклар (ён чоклар, елка чоклари, ёқа ва енгларнинг ўмизларга уланадиган чоклари бундан мустасно) машинада тикилади. Биринчи примерка вақтида деталлар ва чоклар бирин-кетин қай тарғибда текширилган бўлса, иккинчи примеркада ҳам шу изчиллик ва шу тартиб қўлланилади, бироқ бунда япада юксакроқ аниқлик билан иш қилинади. Иккинчи примеркадан кийимдаги чизиқлар, пропорциялар ва формалар моделнинг эскизига аниқ мос бўлиши шарт. Киритилган ўзgartиришлар симметрик деталларга, чизмага ёки андазага бигиз ёхуд кес-кич ёрдамида кўчирилади.

7.2. КОНСТРУКТИВ НУҚСОНЛАР, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Тайёр кийим гавдада яхши ўтириши ва кишига ярашиб туриши лозим. Кийимнинг бичиғи гавданинг хусусиятларига мос келган тақдирдагина у гавдада яхши ўтиради. Кийимнинг шу талабларга мослигидан далолат берувчи асосий кўрсаткичлар кўйидагилардан иборат: асосий деталларнинг узаро ўйғулиги,



7.1-расм. Орқада ёқа тубидаги горизонтал бурмалар

7.2-расм. Орқада енг ўмизи түғрисидаги горизонтал бурмалар

7.3-расм. Шимнинг бантидаги горизонтал бурмалар

7.4-расм. Шимнинг банти тубидаги горизонтал бурмалар

7.5-расм. Шим оғ чокининг юқориги қисмидаги горизонтал бурмалар

бурмалар ҳосил бўлмаслиги, қулайлиги ва гавда ҳаракатига халақит бермаслиги. Кийим яхши тикилган бўлса, унинг ўлчамлари ва бичими гавданинг таяни юзаларига (елкалариниг ва кўкракнинг баландлигинга, белга — хуллас, қоматга) мос келади; кийимда бурушиқлар бўлмайди, унинг тўғри қисмларин таяни юзадан пастга бемалол солиниб туради. Деталларда бўйламасига йўналган пардоз чизиқлар (бахялар, чоклар ва ҳоказо) — аниқ вертикал чизиқ бўйича, кўндаланг йўналганилари эса — горизонтал чизиқ бўйича жойлашади. Кийимнинг олдидағи, орқасидаги ва бошқа деталларидаги зиҳлар вертикал чизиқдан четга оғишмайди ёки вертикалдан атигин $\pm 1-1,5^\circ$ четга чиққан бўлади, бу эса кўзга ҳам чалинмайди. Этак, бел ва сон чизиқларни аниқ горизонтал йўналишда жойлашади ёки тайёр кийимда горизонтал чизиқдан кўп билан $\pm 1-1,5^\circ$ четга чиққан бўлиши мумкин*.

Тайёр кийимга баҳо беришда эътиборга олинадиган нуқсонлар олти группага бўлинади**.

Кўндаланг бурмалар — деталнинг узунлиги (вертикал йўналишда) керагидан зиёд бўлиши ёки деталнинг кенглиги (горизонтал йўналишда) камайиб кетиши шатижасида вужудга келади.

Кийимнинг орқасида ёқа тагидаги кўндаланг бурма (7.1-расм). Бурмани ўқотиш жойи белгилаб қўйилади; орқадаги ёқа ўмизининг чети ва елка зиҳи шу бурма чуқурлигига пасайтирилади. Ҳосил бўлган нуқталар белги

* Л. П. Шершиева. Качество одежды, М., Легкая индустрия, 1975 г.

** И. А. Рахманова, С. И. Стаканова. Конструктивные дефекты одежды и способы их устранения, М., Легкая индустрия, 1979,

нуқтага туташирилади. Кеңин олдиндаги ва орқадаги елка зихларини юқорироқ күтариш ёки орқадаги ўрта чокни сўкиб, шу ердаги чок ҳақи ҳисобига кийим орқасини кенгайтириш керак. Ёқа тагидаги күндаланг бурма катта бўлмаса, уни қуйидагича йўқотса ҳам бўлади: ёқа стойкаси қайтадан дазмолланиб, отлётни бўйича чузилади.

Орқада енг ўмизи ёнидаги кўндаланг бурмалар (4.2-расм). Орқадаги ўрта чокни сўкиб, орқани кенгайтириш керак. Бу ҳолда кийим орқасининг бел ва сон чизиқлари кенглиги керагидан ошиб кетадиган бўлса, орқапи ён чизиқ бўйича қайта бичиб, унинг пастки қисмидаги нормал кенглигини сақлаб қолишга тұғри келади. Зарур бўлганида орқадаги ёқа ўмизининг кенглиги ҳам аниқланади, акс ҳолда ёқасининг орқа қисми бўйинга ёпишиб турмайди.

Шимларниң бантидаги кўндаланг бурмалар (7.3-расм). Нуқсонни бартараф қилиш учун бантни қисқартириш керак. Бант анча қисқарганида оғ чизиги ҳам шунга яршина қисқаради ва ён чизиқнинг эгрилик даражаси ўзгаради. Шим олд ярми ён чизигининг эгрилик даражаси ўзгарса, шимтанага кўпроқ ёпишиб туради, шунда мазкур нуқсон унча билимайди.

Шимниң бантти тагидаги кўндаланг бурмалар (7.4-расм). Бу нуқсонни йўқотиш учун шимниң орқа ярмини оғ чизиги бўйича кенгайтириш керак; унинг устки зихини қайтадан бичиб, ён чизиқнинг эгрилик даражасини ошириш лозим, шундай қилганда шим сонга ёпишиброқ туради.

Шим оғ чизигининг юқориги қисмидаги кўндаланг бурмалар (7.5-расм). Шимниң ён чизигига қўшиб бериладиган чок ҳақи камайтирилиб, оғ чизигига қушладиган чок ҳақи кўпайтириледи. Шу ердаги чок сал-пал тортилиб турса, унда бу нуқсонни йўқотиш учун оғ чизигига қўшиладиган чок ҳақини ошириш керак.

Шимниң ён чокларидаги кўндаланг бурмалар (7.6-расм). Шимниң ҳар иккала ярмининг юқориги четлари шу бурмалар кенглигича қисқартирилади.


Бўйлама (вертикал) бурмалар деталнинг (горизонтал йўналишда) ортиқча кенглигидан ёки деталларнинг (вертикал йўналишда) ортиқча узунлигидан келиб чиқади.

Орқанинг юқориги томонидаги бўйлама бурмалар (7.7-расм). Кийимнинг орқасидаги ортиқча газлама умумий чокка қушиб тикилади.

Олд енг ўмизидаги бўйлама бурмалар (7.8 расм). Бу нуқсон елка зихини ва ўмиз чизигини тортиб чузиш йўли билан йўқотилади.

Мазкур бурма енг ўмизининг остигача етиб турган бўлса, у ҳолда кийимнинг олд қисми бел ва сон чизиқларигача кенгайтирилади.

Шимниң олд чоки яқинидаги бўйлама бурмалар (7.9-расм). Бу нуқсонни йўқотиш учун шимниң олд



7.6-расм. Ён чоклардаги горизонтал бурмалар

7.7-расм. Орқанинг юқориги қисмидаги вертикал бурмалар

7.8-расм. Кийимнинг олдинги енг ўмизидаги вертикал бурмалар

7.9-расм. Шимнинг олд чоки ёнидаги вертикал бурмалар

зиҳига қўшиб бериладиган ҳақни камайтириб, ён зижлар ҳақини ошириш керак. Шимнинг орқа ярмида оғ чизифининг дўнглиги камайтирилади, урта чок ҳам шунга яраша силжитилади. Шимнинг орқа ярмида тўқислик учун қўшиб бериладиган чок ҳақи қайта тақсимланади.

Деталнинг бутун энига тарқалган қия бурмалар деталнинг қисқартирилиши, узайтирилиши ёки торайтирилиши натижасида келиб чиқади.

Елкаси ёстиқчали кийимнинг ён чокларидағи қия бурмалар (7.10-расм). Бу нуқсон қўйидагича йўқотилади: қия бурмалар кийимнинг олди ва орқасида енг ўмизи тубида ён чокларга ўтказилади. Лозим топилгандан, деталлар бичими аниқланади ва андазаларга тузатиш киритилади.

Олд енг ўмизи яқинидаги қия бурмалар (7.11-расм). Енг ўмизи тубидаги бурмалар ён чокларга ўтказилиб, текислаб юборилади. Деталларнинг бичими аниқланади ва андазаларга тузатиш киритилади.

Орқанинг енг ўмизи яқинидаги қия бурмалар (7.12-расм). Агар бу нуқсонлар елка баландлигининг ҳар хиллигидан ёки елкаларнинг пастлигидан келиб чиқса, у ҳолда елкани ёстиқчали қилиш ёхуд мавжуд ёстиқчанинг қалинлигини ошириш керак.

Мазкур нуқсон деталлар мувозанати бузилганлиги оқибати бўлса, бурмалар кенглиги ён чокларга тақсимланади, андаза аниқланади, бичими ўзgartирилади.

Агар орқадаги елка камари торайтирилган бўлса, уни енг ўмизнинг ҳамда елка чизиқларига қўшиб берилган чок ҳақи ҳисобига кенгайтириш керак.

Енг бошидаги қия бурмалар (7.13-расм). Бу нуқсоннинг келиб чиқишига енг ўмизининг ёлиқ ҳолдаги чуқурлини енг боши баландлигига тўғри келмаслиги сабаб бўлади. Нуқсонни йўқотиш учун енг бошининг баландлигини (қолдирилган



7.10-расм. Пиджак орқасининг ён чокидаги қия бурмалар

7.11-расм. Пиджак олдининг енг ўмизидаги қия бурмалар

7.12-расм. Пиджак орқасининг енг ўмизидаги қия бурмалар

7.13-расм. Енг бошидаги қия бурмалар

7.14-расм. Енгнинг тирсак перекатидаги қия бурмалар

запас ~~хак~~ етарли бўлса) ошириш керак (биринчи вариант). Енг бошининг ён томонлари пасайтирилганда ҳам қия бурмалар нуқолади (иккинчи вариант); сўнгра енгнинг олдинги ва тирсак зиддари узунилиги аниқланади.


Енгнинг тирсак перекати яқинидаги қия бурмалар (7.14-расм). Енг бошининг остки чети аниқ чизилмаган ҳолларда шундай нуқсон келиб чиқади. Уни йўқотиш учун енгнинг остки ярми енг ўмизининг остки чизиги устига қўйилади, ўмиз четининг ортиқаси кесиб ташланади, олд зиҳ қисқартилади.

Шимнинг оғ чокидаги қия бурмалар (7.15-расм). Нуқсонни йўқотиш учун аввал оғ чизигининг юқорисида горизонтал бурма ҳосил қилиниб, тўғногичлар билан қадаб қўйилади. Сўнгра шимнинг олд ва орқа ярмидаги қия бурмалар тўғногичлар билан қадалиб, ён чизиқларниң юқориги қисмida йўқотилади. Шундан кейин андаза аниқланади ва деталлар бичимиға ўзgartириш киритилади.

Бурчак бурмалари. Витачкаларнинг очилиш оралиғи етарлича бўлмаган ёки бурчак пухта дазмоллаб текисланмаган, ёхуд деталга ботиқ шакл берадиган витачканинг очилиш оралиғи кичик бўлган ҳолларда шундай нуқсон вужудга келади.

Кийим орқасининг енг ўмизидаги бурчак бурмалар (7.16-расм). Ортиқча газламадан складка (бурма) ҳосил қўлсак, унинг кенглиги елка чизигидаги витачканинг етишмаётгани (очиқ ҳолдаги) кенглигини ёки дазмоллаб текислаш учун бериладиган ҳақни аниқлайди. Орқа енг ўмизининг юқориги қисмida қолдирилган запасни оширган ҳолда елка чокини қўшимча равишида дазмоллаб текислаш яхши натижади.

Шимнинг оғ чокидаги бурчак бурмалар (7.17-расм). Бу нуқсонни йўқотишнинг энг осоп йўли расмда кўрса-



7.15-расм. Шимнинг оғ чокларидаги қия бурмалар

7.16-расм. Кийим орқасининг енг ўмизидаги бурчак бурма

7.17-расм. Шимнинг оғ чоки қисмидаги бурчак бурмалар

7.18-расм. Шим орқа ярмининг тахидаги бурчак бурмалар

7.19-расм. Шимнинг ён томонидаги бурчак бурмалар

тилган. Эгрилиги жуда катта бўлганда икки витачка ҳосил қилиш мумкин.

Шим орқа ярмининг тах чизифидаги бурчак бурмалар (7.18-расм). Бу ҳолда шимни намлаб дазмоллашга тўғри келади. Дазмол шим орқа ярмининг зихи бўйлаб, газламанинг танда ишига нисбатан бурчак ҳосил қилиб юргизилиши керак. Шимнинг орқа ярми кесик, витачкали, кокеткали бўлган ҳолларда мазкур нуқсонни йўқотиш бирмунча қийши.

Шимнинг ён томонидаги бурчак бурмалар (7.19-расм). Витачкалар ҳосил қилиб шимнинг ён томони дўмпайиброқ турадиган қилинса, нуқсон билдишмай қолади.

Мувозанат (ўйғунлик) бузилиши тикилган деталларнинг қийшайиб, спиралсизмон буралиб туришига сабаб бўлади.

Кийимнинг барлари очилиб туради, кукрак чизифидан пастроқда бурчак бурмалар ҳосил бўлади (7.20-расм). Кийимнинг олд томонини борт чизифи бўйлаб, расмда кўрсатилганидек, ўзгартириш керак.

Кийимнинг этагида барлар бир-бири устига чиқиб кетади (7.21-расм). Нуқсонни йўқотиш учун олд ёқа ўмизининг юқориги учини янада юқорироқ кутариш ёки олд елка чизигини ёқа ўмизи томон суриш, ё бўлмаса кийим олдининг ён чокини бир оз юқори кутариш керак. Шу ўзгартиришлар киритилгандан кейин янгидан белгилар қўйиб чиқнилади ва енг ўмизи чизиги билан этак чизиги аниқланади.

Кийимнинг орқаси калта (7.22-расм). Бу нуқсонни икки хил йўл билан йўқотиш мумкин. Агар кийимни тикканда орқасида запас қолдирилган бўлса, у ҳолда орқа узайтириллади ва орқанинг елка қисмida кураклар тўғрисига ўзгартириш киритилади. Кийимнинг орқаси чокли ёки кокеткали бўлса, маз-



7.20-расм. Кийимнинг этагида барлар очилиб туради

7.21-расм. Кийимнинг этагида барлар устма-уст чиқиб кетган

7.22-расм. Пиджакнинг орқаси калта

кур нуқсон осонликча йўқотилади. Кийимнинг орқасида запаси бўлмаса, кийимнинг олдини керагича қисқартиришга тўғри келади.


Кийимнинг орқасини маҳсус ёстиқчаси бўлган прессларда колиплаш ҳам яхши натижа беради.

Кийимнинг орқаси узун (7.23-расм). Бу нуқсонни йўқотишнинг турли варианatlари мавжуд: кийим орқасини қисқартириш ва торайтириш, кийимнинг олдини узайтириш ва кенгайтириш, ҳар икки детални бир йўла тўғрилаш. Бу варианatlарниң ҳаммасида ён чоклар, енг ўмизлари ва ёқа ўмизлари чизиқларининг узунлиги ўзгаради, албатта; ана шу ўзгариш эвазига туташ деталларни тегишлича тўғрилаш керак бўлади.

Енгниг буралиб туриши (7.24-расм). Тирсак чоклари қийшайган бўлса, ана шундай нуқсон келиб чиқади. Нуқсонни йўқотиш учун енгнинг тирсак чоки ёки олд чокини тўғрилаш керак. Бунинг учун енг текис юзага жойланади ва олдинга перекат чизиги бўйича (олд зиҳидан баравар масофа) буклаб, кертикларининг вазияти аниқланади.

Енгниг олдинга ёки орқа томонга оғиб туриши (7.25-расм). Кертиклар ўрни нотўғри белгиланган ёки кийимнинг бичими (асоси) кишининг бўйи-бастига тўғри келмаган ҳолларда шундай нуқсон келиб чиқади. Нуқсонни йўқотиш учун енгни сўкиш ва енг олдинга оғиб турган тақдирда — енг ўмизидаги кертиклар ўринини соат стрелкасига қарши йўналишда силжитиш, енг орқага оғиб турганида эса кертикларни соат стрелкаси йўналишида суриш керак. Енг ўмизидаги кертиклар ўрнини ўзгаририш ўрнига енг бошидаги кертикларни шу тариқа сурса ҳам булади.

Шимминг орқа ямидаги вертикал бурмалар (7.26-расм). Бу нуқсон шимминг олд-орқа баланси бузилганинидан дарак беради. Нуқсонни йўқотиш учун ўрта чокнинг юқориги учини бир оз узайтириш ва орқа витачкани кенгайти-




7.23-расм. Пиджакнинг орқаси узун

7.24-расм. Енг буралиб кетган

7.25-расм. Енг олдинга ёки орқага оғтан

7.26-расм. Шимнинг орқа ярмидаги вертикал бурмалар



7.27-расм. Шимнинг олд ярми узайиб кетган


7.28-расм. Шимнинг орқа ярми узайиб кетган

риш ёки думбанинг энг баланд жойлари түғрисига құшимча витачкалар қилиш керак. Бундан ташқары, шим үрта чокининг түғри тортиб чүзилганинги текшириш керак.

Шимнинг олд ярми узун (7.27-расм). Бант соҳасида горизонтал бурмалар ҳосил бўлиши ана шундай нуқсон борлигидан далолат беради. Бу нуқсонни йўқотиш учун примерка вақтида шимнинг ортиқча узунилигини горизонтал складкага йиғиши керак; бу складканинг кенглигиги шимнинг олд ярмини Қанчалик қисқартириши ёки орқа ярмини қанчалик узайтириш кераклигини кўрсатади.

Шимнинг орқа ярми узун (7.28-расм). Бу нуқсон ҳам худди юқоридагига ухияйди. Уни бартараф этиш учун шимнинг орқа ярмини қисқартириш ёки олд ярмини узайтириш керак.

Шимнинг ёни чоклари орқага буралиб кетади (7.29-расм). Шим олд ярмининг оғ чоки керагидан узун бўлганда шундай нуқсон булади. Мувозанатни тиклаш учун



7.29- расм. Шимнинг от чоклари чузилган

7.30- расм. Шимнинг ён чоклари чузилган

7.31- расм. Енг қўлни кўтаришга халақит беради

7.32- расм. Шим ўтиришга халақиг беради

кертікларни пастга суриш йўли билан шим олд ярмининг юқориги нуқталарини янада юқорироқ кўтариш керак.

Шимнинг ён чоклари олдинга буралиб кетади (7.30-расм). Шим олд ярмининг ён чоки узайиши натижасида шундай нуқсон келиб чиқади. Нуқсонни бартараф этиш учун шим олдининг ён зиҳларидаги кертікларни пастга силжитиш керак.

Органда, ҳаракатланганда сезиладиган ва кузатиладиган бошиқа нуқсонлар.

Енг қўлни кўтаришга халақит беради (7.31-расм). Бу нуқсонни йўқотиши учун енг ўмизининг чуқурлигини камайтириш керак, шунга яраша енг бошининг баландлиги ҳам албатта камайтирилади. Кийимнинг дастлабки узунлиги ўзгармаслиги учун этакни қайириб букиш мақсадида ташлаб кетилган чок ҳақидан фойдаланилади.

Шим тиззани букиб ўтиришга ва оёқни кўтаришга халақит беради (7.32-расм). Шимнинг ўрта чоки етарлича узун бўлмаган ҳолларда шундай нуқсон келиб чиқади. Бу нуқсонни бартараф этиш учун ўрта чокни узайтириш, олд зиҳни қисқартириш ва киритилган ўзgartиришларга мувофиқ равишда шимнинг юқориги қисмини қайта бичиш керак.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шахсий буюртма бўйича кийим тикнида ва кўплаб ишлаб чиқариладиган кийимларнинг намунасини тайёрлашда примеркалар сони нимага асосласдиб белгиланади?

2. Примерка вақтида кийим тузатиладиган жойларига қандай шартли белгилар қўйилади?

3. Примерка вақтида шартли белгилар кийимнинг қайси томонига кўйилади?

4. Кийимнинг биринчи примеркага тайёрлик даражаси нимадан иборат?
5. Биринчи примерка тартибни айтиб беринг.
6. Иккинчи примеркага кийим қай даражада тайёр булиши керак? Иккинчи марта примерка қилишдан мақсад нима?
7. Кийимнинг гавдага ярашиб турғанлыгидан далолат берувчи белгиларни айтиб беринг.
8. Бүй-бастга ярашиб турадиган кийим деталларининг четларнда вертикал ва горизонтал чизиқлардан қанчалик четта чиқишига йўл қўйилади?
9. Эркаклар ва ўғил болалар кийимларида кузатиладиган конструктив нуқсонлар нечта груплага бўлинади?
10. Кийимда нега горизонтал бурмалар ҳосил бўлади?
11. Горизонтал бурмаларни келтириб чиқарувчи ўзига хос конструктив нуқсонларни ва уларни йўқотиш усулларини айтиб беринг.
12. Кийимда нега вертикал бурмалар ҳосил бўлади?
13. Вертикал бурмаларни келтириб чиқарадиган ўзига хос конструктив нуқсонларни ва уларни йўқотиш усулларини айтиб беринг.
14. Деталнинг бутун энгига сийилган қия бурмалар ҳосил бўлишига сабаб нима?
15. Қия бурмаларни келтириб чиқарадиган ўзига хос конструктив пуксонларни ва уларни йўқотиш усулларини айтиб беринг.
16. Деталнинг айрим қисмларида нега бурчак бурмалар ҳосил бўлади?
17. Кийимнинг айрим қисмларида бурчак бурмалар келиб чиқишига сабаб бўладиган конструктив нуқсонларни ва уларни йўқотиш усулларини айтиб беринг.
18. Кийим деталларида баланс бузилишига сабаб нима?
19. Кийим деталларида баланс бузилишига сабаб бўладиган асосий конструктив нуқсонларни ва уларни йўқотиш усулларини айтиб беринг?
20. Кийимнинг олди ва орқасидаги ўзига хос баланс бузилишларини айтиб беринг. Бу нуқсонлар қандай йўқотилади?
21. Кийимнинг енгига бўладиган баланс бузилишларини айтиб беринг. Улар қай тариқа йўқотилади?
22. Шимларда қандай баланс бузилишлари содир бўлиши мумкин? Бу нуқсонлар қандай қилиб йўқотилади?
23. Кийимда гавданинг ҳаракатига халақит берадиган қандай нуқсонлар бўлиши мумкин?
24. Гавданинг ҳаракатига халақит берадиган нуқсонлар қандай йўқотилади?

8. КИЙИМНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА БАДИЙ БЕЗАТИШ АСОСЛАРИ

8.1 УСЛУБ ВА МОДА

Мода — кийим формаси (фасони)нинг ўзгариши, янгилаши ва жамиятининг турли группалари ўртасида расм бўлишидир. Мода ўз замонасига, турмуш тарзига ҳамоҳанг бўлиб, кишининг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қиласди ва кишилик жамиятининг тараққиёти, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ [4].

Хозирги замон модаси тарихини ўн йилни ўз ичига оладиган даврларга бўлиш қабул қилинган; масалан, 20, 30, 40, 50-йиллар модаси ва ҳоказо.

Ўн йил шундай муддатки, ҳар қандай мода шу дэвр ичидаги барча имкониятларидан фойдаланиб улгуради; мода шартли равишда даврларга бўлиса-да, аслида унинг яиш муддатини чеклаб бўлмайди [22].



8.1-расм. Қадимги юноналар (греклар) кийими

олгаи бүлшін мүмкін, бу эса умуман маданиятның характерлайды. Түрлі даврлардаги газламалар, вазифалар, масштаблар бир-биридан фарқ қиласы; шунга қарамай, ұар бир даврдаги форма ҳосил қилиш қонуниятлари бир-бирига үхшайды ва ягона тузилиш принципларига, архитектура, ҳайкалтарошлиқ ҳамда кийимдеги бир хил рамзий системага бүйсунади. Масалан, архитектурада ва кийим (костюм) да форманинг негизи бўлган ягона модулдан фойдаланилган [24]. Пропорциялар уйғунлиги, томнинг текислиги (горизонталлиги) билан устун — колонналарнинг вертикаллиги үrtасидаги нисбати аниқ ифодалаш греклар архитектурасында хос принцип ҳисобланади. Кийимларнинг тузилиши ҳам антик архитектурага жуда мос: содда ва сипо, вертикал чизиқлари — складкалари кўп (8.1-расм). Ўрта аср охирларида готика услубидаги архитектура чўзиқ (баландлашган), юқори томон интилган пропорциялар, равоқ ҳамда минораларнинг ҳашамдорлиги билан ажralиб турган; ўша даврдаги кийимлар бичими ҳам шу услубга мос ҳолда пропорциялар узайтирилган ва вертикал чизиқлари кўп бўлган [25].

Ҳар бир даврнинг ўзига хос пропорциялари, киши гавдасининг гўзаллик-эстетик тимсоли ҳисобланган масштаблари, геометрик ҳажмлари ҳамда раиглари бўлган [24].

Мода жамиятнинг социал, тарихий ва бадиий ривожини

Ҳар бир давр маданиятнинг ўзига хос услуби бор. Кийимнинг услуби деганда, модага мос муайян йұналишни ифодаловчи хусусиятлар мажмун тушунилади; киши гавдасининг гўзаллик тимсоли сифатида қабул қилинган пропорциялари, ансамбль тузилишининг рангдорлик принципи, кийимнинг бичими, композиция тузиш принципи, кийим бичиши услублари ва ҳоказолар шулар жумласига киради [22].

Кийимнинг услуби жамият ҳаётининг жиiddий омилларини ўзида акс эттиради. Бир услуб санъатнинг турли формалари үrtасидаги боғланишини ўз ичига



8.2-расм. Барокко услубидаги кийим (XVII аср)

маълум даражада акс эттиради. Шунга кўра у муайян даврининг конкрет эстетик идеалини ифодалайди, дейиш мумкин.

Ҳар бир даврдаги синфи жамиятинг эстетик идеали синфи характерга эга бўлган. Кийимда бу нарса синфи табақаланиш тарзида памоёни этилган. Кийим дастлаб кишининг ижтимоий ҳолатини, мартабасини белгилаб берган. Ҳукмдор синфлар мода яратадиганларида ўз манфаатларини кузлагашлар, кийим ёрдамида ўзларининг имтиёзли ҳолатига диққатни жалб этганилар. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги кийимлар, «иш кийими» характеристига эга бўлмаган [25].

Кийим ўз даврининг бадиий услубига хос жиҳатларни мужассамлаштириб, шу давр билан бирга ўзгаради. Масалан, XVII асрдаги серҳашам услубга башанг, ярқираган, бесўнақай кийимлар мос тушган (8.2-расм).

XIX аср бошидаги ампир услубига ихчам, сипо бичимдаги кийим жуда тўғри келган [25].

XX асрда кийимларнинг формалари кўпайиши натижасида форманинг бажарадиган вазифасига қараб, кийимнинг классик услуги, спорт услуги ва фантазия услуги пайдо бўлган.

Классик услубдаги кийим (8.3-расм) сиполиги, формасининг ихчамлиги, деталлари жуда камлиги, кийим пропорциялари киши гавдасининг табиий пропорцияларига мослиги билан



8.4-расм. Спорт типидаги костюм
(XX аср)



8.5-расм. Фантазия услубидаги
күйим (XIX аср)

ажралиб туради. Бундай кийимнинг асосий қисмлари гавда-ниңг тегишли қисмлари устига аниқ тұғри келади. Классик услубда тикилған кийим отделкалар билан деярли безатылмайды.

Спорт услубида тикилған кийим (8.4-расм) формасининг эркинлиги, енг бичимининг ҳар хиллиги, устидан қолланған чүнтаклари, чүнтак қопқоқлари, белбандлар, кокеткалар, баҳялар, тұқа, илгак, пистон, тугма каби фурнитуралар мавжудлығи билан ажралиб туради.

Фантазия услубида тикилған кийим (8.5-расм) деталлар формасининг ҳар хиллиги ва савлатлилігі билан фарқ қиласы. Уннан қисмлари файриоддий, конструктив чизиқлари эътиборни жалб қылмайды, купинча, халқ мотивлардан фойдаланылған будади.

Кийим (костюм)нинг услубини биринчи навбатда уннан би-чими белгилайди. Бичим, биринчидан, елка чизиги билан енг-нинг формаси үртасидаги нисбат билан ва, иккинчидан, кийимнинг белгача узунлиғи, юбканинг формаси ҳамда узунылғы билан ифодаланади.

Ҳамма буюмларнинг услуг жиҳатдан ягоналигини сақлаш жуда мұхым. Бир кийимнинг үзида ҳар хил услубининг аралаш-куралаш бўлиб кетиши кўзга яққол ташланади, бунда пухта ўйлаб яратилган композиция ҳам бузилади [26].

Мода пайдо бўлган даврдан бошлаб қарор топмоқда, кўпаймоқда, такомиллашмоқда ва ўзгармоқда. Париж, Лондон ва Римдаги машҳур Кийим моделлари уйларида, модель яратувчи фирмаларда истиқболдаги янги моделлар намойиш қилинмоқда. Энг истиқболли моделлар машҳур мода журналларида эълон қилинади.

Программага асосланган модали колекциялар Узаро Иктисадий Ёрдам Қенгасин (ЎИЁК) аъзолари ҳисобланувчи мамлакатларнинг кийим маданияти буйича доимий ишчи группасига кўриб чиқиши учун йил сайни тақдим этилади. Ана шу колекцияларга асосланиб методик колекциялар тузилади; методик колекциялар республика Кийим моделлари уйларидағи янги моделлар йўналишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқлади. Модель колекциялари мамлакатимиздаги Модалар уйлари мутахассисларининг ҳар йили ўтказиладиган қенгашларида намойиш қилинади.

Методик қенгашлар моделлаштиришга саноат нуқтаи назаридан ёндашишининг бир кўриниши ҳисобланади; бу қенгашларда модельер-рассомлар фикр алмашадилар, бошқа Модалар уйларининг тажрибасини ўрганадилар, шунингдек, етакчи модаларни саноатга жорий этиш масалалари ҳал қилинади. Шундан кейин моделлаштирувчи ташкилотлар саноат нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган кийим моделлари колекциясини тузади; бу колекцияларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқа-раётган материаллар ҳамда кийимни мукаммаллаштирадиган деталлар ишлатилади [4].

Мода журналлари кишининг янги эстетик қиёфаси ва кўринишини пропаганда қиладиган, истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қўзғатадиган ва кучайтирадиган восита ҳисобланади. Йилгариғи мода журналларида моделлар каталоги берилмас эди; уларда кўпроқ турли манзаралар тасвирланиб, манзара қатнашчилари янги модадаги кийимларни кийиб сунлукат ҳамда нағис ҳаракатларни намойиш қилишарди. Ундағи текстда замонавий маданинг таҳлили берилиб, мода турмуш тарзига, одоб-ахлоқ қондалари ва ҳоказоларга боғлаб кетиларди. Бундай журналларни ҳақли равишда санъат асарлари қаторига киритиш мумкин; уларнинг тиражи чекланган бўлиб, расмлар моҳир усталар қаламига мансуб бўларди [24].

Ҳозирги вақтдаги конструкторлар ўзларининг куидалик ишларида дуч келинадиган кўп сонли мода журналлари, каталоглар, буклетлар, мода альбомларидан ишнинг кўзини билиб фойдалана олишлари лозим.

Совет Иттифоқида маданинг асосий ҳамда энг муҳим йўналиши «Модалар журнали»да эълон қилинади; мазкур журнални Енгил саноат буюмлари ассортименти ва Кийим маданияти Бутуниттифоқ институти (ВИАллегпром) босиб чиқармоқда [22]. У бошқа мода журналлари орасида алоҳида ўрин эгалайди. Бу журналда кийим моделлари камроқ берилади, лекин маданинг ҳамма соҳалари (бош кийимлар, прическа, грим,

пойабзal, газлама, трикотаж, аксессуар)ни ўз ичига олган йўналишига алоҳида эътибор берилади. Журнал китобхонлари эстетика комиссиясининг мода ва кийим маданияти тўғрисидаги фикрлари, қарорлари ҳамда Модалар уйларидағи ва жаҳондаги машҳур моделъерлар яратган энг мақбул, ажойиб моделлар билан таништиради [22].

Социализм мамлакатлари ўз модасини яратмоқда ва такомиллаштироқда. Бу мода биринчи навбатда меҳнаткашлар дидига ва эҳтиёжига мосдир. Кийимнинг формаси ва материалининг одатдаги ўзгариб туриши фан ва техника тараққиётiga, инсоннинг жамиятдаги ўрнига, эркаклар билаи аёллар ўртасидаги муносабатлар ўзгаришига, спортнинг ривожланиши ва ҳоказоларга боғлиқ [27].

8.2. КИЙИМ КОМПОЗИЦИЯСИННИГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Кийим композицияси — кийимнинг тузилиши ҳамда бичимни ҳосил қилувчи деталларнинг бирлашмаси бўлиб, унинг мазмунини ифодалайди. Композициядан мақсад — функционал, техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштирилган замонавий форма ҳосил қилиш билан бирга, чиройли, уйғун, ҳамма қисмлари ўзаро мутаносиб, мажозий, атроф-муҳитга услубий жиҳатдан боғлиқ бичим ҳосил қилишдир [4].

Кийимнинг композицияси устида ишловчи мутахассиснинг асосий вазифаси композиция элементларини композицион воситалар ёрдамида уйгулаштириб, кийимнинг конкрет вазифаси ва мақсадини ифодалайдиган бирикма ҳосил қилишдир [26].


Кийим композициясинынг асосий элементлари: пропорция, бичим, чизиқлар, ритм, материал ва отделка, ранг, иллюзия. Кийимнинг бичими тўғрисида 1.1- параграфда айтиб ўтилди.

Пропорция, яъни мутаносиблик айrim қисмлар билан бутун ҳолдаги буюм орасидаги миқдорий боғлиқликни ифодалайди [26]. Мутаносиблик — икки нисбатнинг тенглиги. Кийимда деталларнинг ўлчамларида, материалнинг ёрқин фактураси сатҳида, рангларда, пардоз ва безак элементларда, отделкаларда мутаносиблик бўлиши талаб қилинади [5].

Кийимнинг, унинг айrim қисмлари ва деталларининг контурларига чизиқ деб қарааш мумкин. Конструктив ва пардоз чизиқлар фарқ қилинади.

Кийимдаги конструктив чизиқлар деганда, умуман кийим бичимининг ҳамда кийим айrim қисмлари (орқаси ва олди, енглари, ёқа ва ҳоказолари)нинг контурлари, шунингдек, бичимни ҳосил қилувчи таркибий қисм ва деталларнинг уланган жойидаги кўзга кўриниш турган чизиқлар (витачкалар, бирюзлирчи чоклар ва ҳоказо) тушунилади [4].

Пардоз чизиқлар кийимдаги турли отделкаларнинг тўғри йўналишдаги чизиқларидан иборат: пардоз баҳялар,



8.6-расм. Ритм ва ритмик тартиб

бўртма баҳялар, белбоғ, чўнтақ қопқоқлари, белбанд, магиз, боғич, гулжияқ, чизиқли кашта ва бошқалар шулар жумласига киради. Баъзан конструктив чизиқлар ҳам кийимни безатади [4].

Чизиқлар кийимда муҳим роль ўйнайди — улар ҳажмий форманинг конструктив юзасига диққатни жалб этиб, динамика ҳосил қиласди.

Барлар чизиги, орқадаги ўрта чизиқ, бел ва елка чизиқлари кийимнинг асосий чизиқлари ҳисобланади.

Кийимнинг формасини қисмларга бўлишининг икки тури мавжуд: тўла (ёпнасига) ва қисман бўлиш, иллюзор ёки узуқ узуқ бўлниш. Формани горизонтал, вертикал йўналишида ва диагонал бўйича (қиялатиб) бўлиш мумкин. Горизонтал йўналишда булганда гавданинг асосий қисмлари ҳақида тўла тасаввур ҳосил бўлади, у ёки бу форманинг устунлиги яққол кўзга ташланиб туради ва форма динамикаси вужудга келади. Формани вертикал йўналишида бўлиш мувозанатни аниқлаш ҳамда форманинг барқарорлигига эришиш имкониятини тугдиради. Форма диагонал бўйича (қиясига) бўлинганда унинг мувозанати, статиклиги бузилади ёки кийимнинг асимметриклиги кўзга ташланиб турадиган бўлади ва у ҳаракатчалик касб этади.

Ритм — форманинг мутаносиб ва осон сезиладиган элементларининг қонуний асосда алмашиб келишидир. Ритм масса (вазн), ҳажм ва шу кабиларнинг ортиши ёки камайиши билан ифодаланади (8.6-расм).

Ритм туфайли ҳар қандай асар динамиклик ва ҳаракатчалик касб этади, бош мақсад купроқ аҳамият касб этади. Кийимдаги ритм суст, равон булиши, жадаллашиши ва кескин



8.7-расм. Кийимдагы ритмик тартиб:

a — спираль йўналишида; *b* — бир йўналишида

таж, чарм, сунъий ва табиий мўйна, тўқилмай тайёрланган материал ва ҳоказолардан) тикиш мақсадга мувофиқлилигини билиш керак. Ҳар бир материалнинг фақат ўзига хос хусусиятлари бўлади; гигиеник хусусиятлар (нам ва ҳаво утказувчалик, гигроскопиклик, иссиқдан ҳимоялаш ва бошқалар) ва физик-механик хусусиятлар (дағаллик, қолипланувчанлик, гижимланиш, эластиклик, киришиш, чўзивлувчанлик ва бошқалар) шулар жумласидандир. Бу хусусиятлар мазкур материалдан қандай мақсадларга мўлжалланган ва қандай формадаги кийимлар тикиш мумкинлигини аниқлаб беради [26].


Моделластириш вақтида газламанинг структура хоссаларидан фойдаланилади. Газлама структурасининг хилма-хиллигига ипларни турлича ўрилишида тўқиш, ҳар хил иплар (ипак, пахта или, жун ип, синтетик ва сунъий тола)дан фойдаланиш йўли билан эришилади; шундай иплардан тўқилган газламадаги хусусиятлар трикотажда ҳамда потўқима материалларда бўлмайди [4].

Креп тўқилишидаги юпқа майин шойи ва жун газламалар ҳар хил юзали ҳажмий формалар ҳосил қилишга имкон беради. Чузиладиган майин газламалардан кўндаланг ва қия йўналишида чиройли бурмалар ҳосил қилиб бўлади. Қаттиқ ва ҳур-

ўзгариб туриши мумкин. 8.6-расмда — турли ритмик тартиб, 8.7-расмда эса ритмик ривожланишининг иккита хил йўналиши тасвирланган. Кийимдагина эмас, унинг қўшимча элементларида ҳам ритм бўлиши мумкин.

Ритмик қаторининг такорлапиши қонуниятидан андак четга чиқилганликни ҳам кузимиз сезиб олади. Бундай четга чиқишларга турли омиллар: модель тузишдаги беларволик, чизиқларнинг ҳаддан ташқари кўплиги, композициядаги ритмик боғланишлар бузилганлиги сабаб бўлиш мумкин [26].

Кийимга ҳажмий форма деб қараб, уни қандай материялдан (газлама, трико-



8.8-расм. Раңглар доираси (а) ва яқин рәнгларниң құшилиши (б), яқин контраст рәнгларниң құшилиши (с) ұмда контраст раңгларниң құшилиши пайған юпқа газламалар фақат қия йұналишда бурмаланады. Газламадаги танда ва арқоқ ипларининг бир-бiriға инсбатан силжиш ұмда эластик чүзилиш хоссасыдан кийим деталларин қия бичишида фойдаланилади [4].

Материалниң фактураси унинг мұхим күрсаткычи булып, кийимнинг ташқи құришины белгилаб беради. Фактура материални сирти текис ва гадир-будир, хира ва ялтироқ, шаффоф ва хира ва ҳоказо фактуралы булиши мумкин. Газламаниң фактураси унинг юза бирлигига тұғры келдиган түклар, тугунчалар, бұртма йұллар ва ҳоказоларниң күп-озлигига боғлиқ. Кийимнинг ұжмийлiği, зичлиги, массасини белгилашда газламаниң фактураси мұхим роль үйнайды. Газламаниң фактураси кучайиши (яғни, газлама сиртининг гадир-будурлиги, түклилігі ортиши) билан кийимнинг ұжми, зичлиги ва вазии ошади. Сирти текис газламадан тикилған кийим, аксинча, енгил ва құришишидан іхчам бұлади [4].

Газламаниң гуллари деганда, уни тұқыган вақтда ҳосил қиалинған ёки газламаны пардоzлаш жараённан босилған нақшлар, схуд кийимни тикиш вақтида солинган гул ва безаклар тушунилади.

Гулларның ташкил этувчи элементлар абстракт, геометрик шаклда булиши, шунингдек, ҳайвонот ёки үсімшілдер дүнесіга хос булиши мумкин.

~~К~~ийим формасининг таркибиң қисмлари уни пардоzлашга хизмат қыладын ҳар хил отдеқкалардан: нақшлар, отдеқка материаллари, безаклар ва ҳоказолардан иборат булиши мумкин. Нақш ва безакларниң вазифасы кийимнинг құринишини бадний жиҳатдан бойитишидир.

Кийимни бичаётганда гулдор газламада ҳар хил чизиқлар, бұртма баһялар, бурмалар, майда деталлар билинмай қолишини, деярли күзга чалинмаслигини назарда тутиш керак.

Кийимни нақшлар билан пардоzлаш моданиң йұналишига боғлиқ.

Кийимнинг отделкасы сифатыда ҳар хил материаллардан, чунонча: газлама, трикотаж полотно, мүйна, чарм, замша, тасма, гулжошия, лента, боғич, түр, каштагұл, ва ҳоказолардан

фойдаланилади. Булардан ташқари, ҳар хил фурнитура: тұгмалар, түқа, илгак, кнопка, блокчалар, «молния»ларни ҳам тилга олиб үтиш керак. Сүңгий гуллар, патлар, маржон, түрногич, жевакларни ҳам отделкалар жумласига киритиш мүмкін. Қийимнинг композицион ечимінде путур етказмаслик учун бир йұла ишлатыладынан бир неча хил отделканнанға бир-бириңа мос тушишінде алоқида әтебор беріш керак.

8.3. ҚИЙИМДА РАНГЛАРНИНГ РОЛИ ВА ОПТИК ЯНГЛИШУВ


Ранг композицияннанға әнг жоопли, ифодады элементларидан биридір. Ранг даврға хос ижтимоий мұносабатларни ифодалайды. Масалан, аргувон ранг ҳамма вақт жамияттннг имтиеziли табақаларында хос ранг бўлиб ҳисобланған; қора ранг, жигар ранг, яшил, түқ кўк рангдаги қийимларни шаҳарликлар ва кул ранг қийимларни фақат ҳунармандлар қийишган.

Ранглар ёшдаги фарқни билдирадынанға восита бўлиб ҳам ҳисобланади. Ранглар ҳис-туйғуга жуда катта ва ҳар хил таъсир кўрсатади. Баъзи ранглар кишига таскин беради (тинчлантиради), кўнгилни кўтаради, кўзни қувонтиради; бошқалари — ҳаяжонлантиради, маъюслантиради ва ташвишлантиради. Түқ ёки нафис ранглар, ёқимли ва хира ранглар фарқ қилинади [26].

Жами ранглар хроматик (бўялган) ва похроматик (бўялмаган, яъни туссиз) рангларга ажратилади (оқ, кул ранг ва қора ранг похроматик ранг ҳисобланади).

Асосий хроматик ранглар тўртта: сариқ, кўк (зангори), қизил ва яшил. Улар бошқа рангларннг ҳаммасидан шуниси билан ажраладики, кўзимизга тоза, жуда «соғ» бўлиб кўринади; бошқача айтгандан, рангларга бўлинған доираларни қўшипи рангларга оид туслар гўё сариқ, кўк, қизил ва яшил ранглар таркибидек йўқдек тувлади. Бошқа ранглар ана шу тўртта асосий рангнннг аралашувидан ҳосил бўлади ва оралиқ ранглар деб юритилади.

Қийимни лойиҳалашда иккі-уч (камдан-кам ҳолларда тўрт) рангга мурожаат қилинади, чунки ранглар кўпайиб кетса, уларннг уйғунлиги ва бирлиги бузилади. Ранглар бирлигига бўёқлар тусинннг хилма-хиллиги, ёрқинлиги ва тўйиншганлиги хосdir.



Ғ.9-расм. Қўзниң алданышы (иллюзия):

a — вертикаль чизикларни идрок қилишдаги алданыш; *b* — мағании идрок қилишдаги алданыш; *c* — тўлдирилган ораликни идрок қилишдаги алданыш; *d* — ўғюр ёрчакни идрок қилишдаги алданыш; *e* — гексислаш (тўритац) даги алданыш

Уч хил рангнинг гармоник нисбати ёрқинлик даражаси жиҳатидан асосий рангларнинг тўрт хил қўшилиши билан ифодаланади:

ёрқин ранг, ўртача ранг ва тўқ ранг баравар миқдорда қўшилган;

ёрқин ранг кўпроқ, ўртача ранг ёрқинроқ рангга яқинлашган ва тўқ ранг камроқ қўшилган;

тўқ ранг кўпроқ, ўртача ранг тўқ рангга яқинлашган ва ёрқин ранг камроқ қўшилган;

ўртача ранг кўпроқ, ёрқин ранг ва тўқ ранг камроқ қўшилган.

Гармоник қўшилиш (**бирдик**) ҳосил қилиннинг бу қонуниятлари ранглар қаторига ҳам тўла дахлдордир (қизилдан қора рангга ёки сариқдан оқ рангга томон). Рангларнинг бундай қўшилиши монохром қўшилиш деб аталали [4].

Тўртта асосий ранг ёрдамида ранглар доирасини тузиш мумкин, моделлаштириш жараёнида бу доирадан осонликча фойдаланиш мумкин (8.8-расм, а). Ранглар доирасида рангларни яқин (бир-бирига хил тушадиган, ўхаш), яқин-контраст ва контраст (бир-бирига хил тушмайдиган) турларга ажратиш мумкин.

Яқин ранглар бир-бирига яқин жойлашиб, доиранинг чорак қисмини эгаллайди. Асосий ранглардан бири уларни ўзаро боғлайди; бу ранглар таркибида қўшимча рангларга хос туслар бўлмайди (8.8-расм, б). Яқин ранглар бирлиги гармоник бўлса-да, таъсирчан бўлмайди.

Яқин-контраст ранглар доиранинг ён тарафдаги чорак қисмини эгаллайди: кўкимтир-қизил ва кўкимтир-яшил, сарғиши-қизил ва сарғиши-яшил, сарғиши-қизил ва кўкимтир-қизил, сарғиши-яшил ва кўкимтир-яшил (8.8-расм, в). Яқин-контраст ранглар яқин рангларга нисбатан активроқ ва кўркамроқ-дир.

Контраст ранглар доиранинг қарама-қарши томондаги чорак қисмини эгаллайди (сарғиши-қизил ва кўкимтир-яшил, сарғиши-яшил ва кўкимтир-қизил); уларнинг бир-бирига хеч қандай ўхашлиги йўқ, яъни бир-бирига хил келмайди (8.8-расм, г). Контраст қўшимча ранглар — тоза сариқ билан тоза кўк ранглар, тоза қизил билан тоза яшил ранглар. Контраст ва қўшимча ранглардан анича ёрқин ва ҳис-туйғуга активроқ таъсир эта-дигаи қўшимча ранглар ҳосил этиши мумкин [26].

Барча ранглар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирига таъсир эта-ди. Қора фонда барча ранглар очилиб, равшан курниади; ёруғ фонда, аксинча, одмилашади (равшанилик контрасти).

Бирор рангга қаплайдир хроматик ранг қўшилгандағина эмас, балки унга қора ёки оқ ранг аралаштирилганда ҳам унинг характеристи ўзгаради.

Қўзининг алданиси (зрительная иллюзия) деганда, буюмни курнишдан ҳосил бўлган таассурот тушунилади; лекин бу таас-сурот буюмнинг бошқа сезги органлари орқали идрок қилини-

шілдан бошқача бұлади ва мазкур буюм тұғрисидаги билемнің мінзеге мос келмайды [5].

Оптика таассурот қонушій равишида күзимизнің тузилишига боғлиқ ә бұлмаса у ёки бу буюмни идрок қилиш қобиляти-міздан келиб чиқади.

Күз билан чамалашдаги нормал алданиш ҳам баъзан күз-нің алданиши деб аталади. Биз ҳақиқатан ҳам тұғри чизиқ үрнігінде эгри чизиқни, паст бўйли одам үрніга новча одамни кўрамиз ва ҳоказо. Күзниң алданиши физик, физиологик ва психологияник сабабларга боғлиқ.

Гавданиң тузилишидаги нұқсоиларни ниқоблаш (күзга ча-лини майдиган қилиш): бўйни пастроқ ёки баландроқ, жуссани семизроқ ёки озгирироқ, ташаниң айрим қисмларини йўғонроқ ёки ингичкароқ қилиб кўрсатиш мақсадида кийимда айни күз-нің алданиш хусусиятидан фойдаланилади.

Рангларни, чизиқлар ва бурчаклар йўналишини, ўлчов, фор-ма, сатҳ, масофа, оралиқ ва ҳоказоларни идрок қилишда күз-нің алданишидан ҳам кийимда фойдаланилади. Идрок қилиш даги алданиш қуйидаги турларга ажратиласы: формани икк ўлчовда идрок қилишдаги алданиш, учинчи ўлчовни идро қилишдаги алданиш ва раигни идрок-қилишдаги алданиш (б ҳолда форма ўзгаради) ва ҳоказо.

Кийимни лойиҳалашда күзниң юқорида айтиб ўтилган ал-данишларидан, яъни иллюзиялар группасидан турлича фойда ланилади.

Вертикал йўналиши идрок қилишдаги ал-даниш шундан иборатки, вертикал чизиқ ҳудди шундай узун-ликдаги горизонтал чизиқдан узуироқ бўлиб кўринади (8.9-расм, а). Шу билан бирга, юқорида жойлашган деталь пастда жойлашган шундай ўлчамдаги деталдан каттароқ бўлиб кўрилади (8.9-расм, б).

Тўлдирилган оралиқни идрок қилишдаги ал-даниш шундан иборатки, ичи чизиқлар билан тўлдирилган қисмлар ҳудди шундай ҳажмдаги, лекин ичи буш қисмлардан каттароқ бўлиб кўринади (8.9-расм, б). Лагар шу қисмини тўлдириб турган чизиқлар зич жойлашган ва кўп миқдорда бўлса, күз ҳақиқатан ҳам алданади; лекин сони кам ёки чизиқлар сийрак жойлашган тақдирда тескари таассурот тугилади. Кийимда бўйни, белни, елка ва ҳоказоларни баландроқ ёки пастроқ, узуироқ ёки қисқароқ қилиб кўрсатиш учун күзниң аза шундай алданишидан фойдаланилади. Гавданиң күзга яққол ташлапиб турадиган қисмидан деталларни кўпайтириб юбориш ярамайды, акс ҳолда бу ердаги ўлчам янада каттароқ бўлиб кўринади. Бундай ҳолларда «психологияник план фактори» роль ўйнайди.

У тикир бурчакни идрок қилишдаги алданиш. Одатда утқири бурчакниң томонлари орасидаги кичик масофа кўзга каттароқ бўлиб, тўмтоқ бурчакларининг томонлари орасидаги катта масофа эса, аксинча, мавжуд масофадан кичикроқ

бұлиб күринади. Гавданинг бир қисмидан бошқа қисмидан кеңроқ ва кичикроқ қилиб күрсатиш керак бўлганда кўзининг ўтирип бурчакни идрок қилиш хусусиятидан фойдаланиш мумкин. Масалан, елкалар сербар бўлиб кўриниши учун ёқа ўмизини V-символ (ўтирип бурчак шаклида) ўйиш керак.

Контраст ва текислаш қонушиятларини ҳам пазарда тутиш лозим. Контрастлар диққатни ўзига жалб этади, эсда қолади ва ҳис-туйғуларимизга кучли таъсир күрсатади. Одатда катта бурчаклар билан ўраб олинган бурчак кичик бурчаклар билан ўраб олинган худди шундай ўлчамдаги бурчакдан кичикроқ бўлиб кўринади (8.9-расм, ә). Бўйлари баб-баравар бўлган икки киши ёнма-ён тургандага озгириш кишининг бўйи баландроқ бўлиб кўринади. Бошлариning катталиги бир хил бўлган икки кишидан бири катта ўлчамли бош кийими кийса ва иккичисининг бош кийими кичкина ва тор бўлса, мана шу иккичи кишининг боши каттароқ бўлиб кўринади. Агар кийимнинг ёқаси бўйинга ёпишиб турмаса, ингичка бўйин янада ингичкароқ бўлиб кўринади. Кийимнинг бели чиппа ёпишиб тургандага (белбог тортиб бояланганда) йўғон соҳаси янада ўғонроқ бўлиб кўринади. Шунга кўра гавданинг бирор хусусияти камроқ сезиладиган бўлишини истасангиз кийимда жуда контраст деталларин ишлатманг.

Текислаш (бараварлаш)да рўй берадиган алданиш иллюзия подравнивания). Гавданинг бирор хусусиятини бўрттириб күрсатиш (ёки никоблаш) учун бу хусусиятини такоррайдиган ва ортирадиган шакл қўлланилганда кўзининг апа шундай алданиши юз беради. Масалан, семиз киши кенг кийим ийса, у янада тўлароқ кўринади ва аксиича. Тўғри чизиқнинг ўзларидаги бурчаклар орасидаги масофанинг ўзгариши кўриниб турадиган ўлчаминиг каттароқ ёки кичикроқ бўлиб идрок этилишига (текислаш иллюзияси содир бўлишига) ёрдам беради (8.9-расм, ә): чизиқнинг ичкарига қаратилган бурчаклар оралиғидаги қисми ташқарига қаратилган бурчаклар оралиғидаги бир хил узунликдаги қисмидан қисқароқ кўринади (8.9-расм, ә). Агар бошдан пастига қаратиб тортилган чизиқлар қия, оёқдан тепага қаратиб тортилганлари тўғри бўлса, одамнинг жуссаси калга бўлиб кўринади; чизиқлар бунинг аксиича чизилганида кишининг бўйи баландлашгандек туолади. Демак, контраст гавданинг муайян хусусиятини кучайтиради ва диққатни ўзига жалб этади, формадаги ўхшашик эса бу хусусиятни камроқ сезиладиган қилади. Иккичи томондан олганда, ўхшашик ҳам ўз таъсирини курсатади: ўхшашик хусусиятларини кучайтиради ва уларнинг бир хиллигига диққатни жалб этади.)

Рангларни идрок қилишдаги алданиш (иллюзия цвета). Юзанинг эгрилик даражасига қараб ранглар ҳар хил идрок қилиниши мумкин; масалан, ботиқ, қийшиқ юзалар рангларни йигади, бўрттириб кўрсатади; қавариқ, думбоқ шакллар айрим жойларда рангларни кучсигантитиради. Кўзимиз буюмининг қаерда турганилигига ва ёргулини манбанига қараб,

рангларнинг ўзгаришидаги аранг сезиларли фарқни ҳам күриши: материалларни, ёруғликни қайтариш ва сингдириш хоссаныга қараб, бир-биридан фарқ қилиш мумкин; масалан, духоба, түқли (пахмоқ) материалларнинг ранги шаффоғ ёки ялтироқ материалларникига қараганда ёрқинроқ (тўйинганроқ) бўлиб кўринади [5].

Икки хил ранг (ахроматик ва хроматик ранглар)нинг аралашувидан ҳосил бўладиган четки контраст ранглар иллюзиясининг ажойиб кўринишларидан биридир. Бу ҳодиса таққосланётган ранглар четида уларга хил келмайдиган ранг пайдо бўлишидан иборат.

Равшан, тўйинган, ёқимли («илиқ») ранглар камроқ тўйинган, хира, совуқ рангларга қараганда масофани яқинроқ қилиб кўрсатади.

Рангларнинг баравар контрасти деб юритиладиган ҳодиса ҳам мавжуд. Бу ҳодиса шундан иборатки, ёнмаён турган ранглар муҳитга қараб тусини ўзгартиради. Масалан, контраст ранглар ёнмаён турса, уларнинг контрастлиги (хил келмаслиги) кучаяди. Кул ранг қора фон устида очроқ бўлиб, камроқ тўйинган ранглар янада хирароқ бўлиб кўринади. Оч ранглар ҳажмни катталаштириб, тўқ ранглар эса кичиклаштириб кўрсатади. Оч ва тўйинган, ёрқин ранг газламадан тикилган кийимда жусса каттароқ бўлиб кўринади. Қизил ва сариқ ранглар жуссани катталаштириб кўрсатади, гўё олдинроққа суради ва қиёфани кўзга яққол ташланиб турадиган қилади. Қора ранг кийим жуссанинг контурларини очиқ ойдин кўрсатади.

Кийимнинг ёки айрим деталларнинг янги бичимини яратадиганда модельер-рассом наколкадан фойдаланади. Хотин-қизлар кийимини моделлаштиришда макет тайёрлашнинг наколка методи кўпроқ ишлатилади. Эркаклар ва ўғил болалар кийимларининг асосий конструктив чизмалари бир хил бўлганлигидан уларни моделлаштиришда наколка методи жуда кам қўлланилади [4]. Наколка газламанинг узуонлиги 6—8 м дан зиёд бўлмаган бутун рулонидан ҳалқали тўғифочилар ёрдамида тайёрланади. Газлама рулонидан ёқалар, белбоглар, елка боғичлари ва бошқа деталлар учун узуонлиги 10—15 см келадиган тасма қирқиб олинади. Отделкаларнинг намуналари ҳамда фурнитуралар таҳт қилиб қўйилган бўлиши лозим.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мода деганде нима тушунилади?
2. Мода қанча вақтдан кейин эскиради?
3. Кийимнинг услуби деганде нима тушунилади?
4. Кийимда жамиятнинг синфий характеристирилади.
5. Кийимнинг услуби жамият услубига мос келадими?
6. Ҳозирги кийимларнинг асосий услубларини айтиб беринг, Бу услубларга хос жиҳатлар нимадан иборат?

7. Қиймнинг бичими деганда нима тушунилади? Бичим пима билан характерланади?

8. Мода қандай қилиб вужудга келади? Модани ким ишлаб чиқади, тасдиқлади ва ишлаб чиқаришга жорий этади?

9. Қиймнинг модасини пропаганда қилишининг самарали воситалари нимадан иборат?

10. Қиймнинг конструктив ва пардоз чизиқлари деганда нима тушувилади? Уларнинг энг муҳимларини айтиб беринг.

11. Қиймдаги горизонтал йўналишдаги қисмлар қандай таассурот туғдиради?

12. Қиймдаги вертикал йўналишдаги қисмлар қандай таассурот туғдиради?

13. Қиймда диагонал бўйича бўлинган қисмлар қандай таассурот туғдиради?

14. Ритм нима ва қиймдаги ритм қандай бўлиши мумкин?

15. Қиймнинг қандай мақсадларга мулжалланганини ва бичими газламанинг қайси хоссаларига қараб белгилапади?

16. Қийм тикиладиган материалларини фактураларини айтиб беринг. Материалдин фактураси қиймнинг массасига қандай таъсир этади?

17. Қийм тикиладиган материалларини гули ва иакшлари қанда.. бўлиши мумкин?

18. Қиймда отделкалар қандай мақсадда ишлатилади? Эркаклар ва ўғил болалар қиймларida отдалкаларнинг қандай турлари қўлланилади?

19. Қиймда композициянинг қайси элементлари дикқатни узига жалб этади?

20. Ранглар қандай группага ажратилади? Хроматик ва ахроматик рангларни айтиб беринг?

21. Тоза ва аралаш ранглар деб қайси рангларга айтилади?

22. Рангларнинг монохром бирлиги қандай ҳосил қилинади?

23. Яқин, яқин-контраст ва контраст ранглар пимадан иборат?

24. Қўшимча рангларга хос хусусиятларни айтиб беринг.

25. Кўзнинг алданishi деганда нима тушунилади?

26. Кўзнинг алданishi хусусиятидан қиймда қандай мақсадда фойдаланилади?

27. Вертикал йўналиш ўлчамларга бериладиган баҳони қандай ўзгартиради?

28. Чизиқлар билан тўлдирилган бўшлиқ қандай таассурот туғдиради?

29. Ўткир бурчакни идрок қилишдаги алданнининг моҳиятини айтиб беринг.

30. Қиймда контраст ва текислаш қонуниятларидан қандай ва нима мақсадда фойдаланилади?

31. Қиймдаги рангларнинг идрок қилинишига қандай сабаблар таъсир кўрсатади?

32. Хира, совуқ ранглар билан равшан, илиқ рангларни идрок қилишида содир бўладиган алданнешларни айтиб беринг.

33. Рангларнинг бараварлик контрастига хос хусусиятни айтиб беринг. Бу хусусиятлардан қиймда қандай ва пима мақсадда фойдаланилади?

АДАБИЁТ

1. Шершнева Л.П. Конструирование женской одежды на типовые и нетиповые фигуры. М., 1980.

2. Основы конструирования одежды / Е. Б. Коблякова, Л. В. Савостицкий, Г. С. Ивлева ва б.; Под ред., Кобляковой Е. Б. М., 1980.

3. Рогова А. П., Табакова А. И. Изготовление одежды повышенной формостойчивости. М., 1979.

4. Черемных А. И. Основы художественного оформления женской и детской одежды. М., 1968.

5. Козлова Т. В. Художественное проектирование костюма. М., 1982.

6. Литвина Л. М. Моделирование и художественное оформление женской и детской одежды. М., 1972.

7. Сухарев М. И., Бойцов А. М. Принципы инженерного проектирования одежды. М., 1981.

8. Справочник по конструированию одежды В. М. Медведков, Л. П. Боронина, Т. Ф. Дурыгина ва б.; Под ред. П. П. Кокеткина. М., 1982.
9. Дунаевская Т. И. ва б. Размерная типология населения с основами анатомии и морфологии /Т. И. Дунаевская, Е. Б. Коблякова, Г. С. Ивлева. М., 1980.
10. Типовая техническая документация по конструированию, технологии изготавления, организации производства и труда, основным и прикладным материалам, применяемым при изготовлении мужских пальто. М., 1982.
11. Типовая техническая документация по конструированию, технологии изготавления, организации производства и труда, основным и прикладным материалам, применяемым при изготовлении мужских костюмов. М., 1983.
12. Типовая техническая документация по конструированию, технологии изготавления, организации производства и труда, основным и прикладным материалам, применяемым при изготовлении мужских костюмов. Приложения М., 1983.
13. Методика конструирования мужской верхней одежды. М., 1979.
14. Коблякова Е. Б. ва б. Основы конструирования одежды /Е. Б. Коблякова, А. В. Савостицкий, И. А. Антонов. М., 1968.
15. Гурьянова Н. И., Зуйкова В. Н. Конструирование одежды. М., 1974.
16. Гришин И. Я. Конструирование мужских пиджаков. М., 1980.
17. Фил Р. П. Конструирование мужской одежды на фигуры с отклонениями. М., 1971.
18. Смирнов М. И. ва б. Конструирование мужской верхней одежды /М. И. Смирнов, В. С. Павлов, В. Н. Кудряшов. М., 1977.
19. Единственный метод конструирования мужской одежды различных покровов М., 1981.
20. Ручкин М. В., Постников Ф. А. Конструирование верхнего мужского платья. М., 1948.
21. Ранк Х. Л. Конструирование верхней одежды. М., 1946.
22. Матузова Е. М. ва б. Разработка конструкций изделий по моделям /Е. М. Матузова, Н. С. Гончарук, Р. И. Соколова. М., 1983.
23. Методика конструирования одежды для мальчиков. М., 1982.
24. Козлова Т. В. ва б. Основы моделирования и художественного оформления одежды /Т. В. Козлова, Л. Б. Рыганинская, З. Н. Тимашева. М., 1979.
25. Киреева Е. В. История костюма. М., 1976.
26. Булатова Е. С., Шершиева Л. П. Композиция в одежде швейной промышленности. М., 1981.

Мундарижа

Кириш	3
I. Қийим айдазасини чизиш учун бошланғич мәдениеттегілдер	8
1. Қийим айдазасини чизиш учун бошланғич мәдениеттегілдер	8
1.1. Қийимларни классификациялаш ақослари ва уларга құйиладиган талаблар	8
1.2. Құплад тикиладиган ва якка тартибда буюртма бүйічө тикиладыраңын лойихалаш	12
Текшириши учуч саболлар	14
1.3. Қийимни конструкциялаш системаси ва методларының қысқаңа характеристикасы	20
1.4. Гавда тузызиси ҳақида қысқаңа мәдениеттегілдер (пластик анатомия)	25
1.5. Антропометрия. Эркаклар ва балалардың размер типологиясы	33
Текшириши учун саболлар	

2. Эркакларниң елкаси ёстиқчали кийимини конструкциялаш	1
2.1. Кийимни конструкциялашда құышыладиган ҳақдар ва уларин ҳисоблаш. Конструкцияның дастлабки ҳисоби	2
Текшириши үчүн саволлар	3
2.2. Елкаси ёстиқчали кийимларниң асосий чизмасинің чизиш ва ҳисоблаш	4
Текшириши үчүн саволлар	5
2.3. Енглар чизмасини тайёрлаш	6
2.4. Остки ёқа чизмасини чизиш	7
Текшириши үчүн саволлар	8
2.5. Эркаклар пиджагиниң чизмасини чизиш учун ҳисоблашлар	9
2.6. Эркаклар пальтосиниң чизмасини чизиш учун зарур ҳисоблашлар	10
Текшириши үчүн саволлар	11
2.7. Кийимни түрли қоматта мос slab конструкциялаш хусусиятлари	12
2.8. Рекап епти кийимлар деталлари бірлімші ҳисоблаш ва чизиш	13
2.9. Енгларни яхліт бічілген кийим деталлариниң ҳисоблаш ва чизиш	14
Текшириши үчүн саволлар	15
3. Шимларни конструкциялаш	16
3.1. Шимларниң асосий чизмасини тайёрлаш ва ҳисоблаш	17
3.2. Ҳар хил тұлалық-размер группасынға мансуб әркаклар шимниниң чизмасиниң чизиші ва ушы ҳисоблаш хусусиятлари	18
3.3. Оскларшының түзілінші ҳар хил бұлған әркаклар шимниниң конструкциялаш	19
3.4. Ҳар хил шимларни конструкциялаш	20
Текшириши үчүн саволлар	21
4. Түрли материаллардан тикиладын ҳар хил моделдеги әркаклар кийимларниң чизмасиниң тайёрлаш ва уларни ҳисоблаш	22
4.1. Техник моделлаштириш усуллари	23
4.2. Түрли моделдеги әркаклар кийимниниң андазасиниң тайерлаш	24
4.3. Янғы материаллардан тикиладын кийимларни конструкциялаш	25
Текшириши үчүн саволлар	26
5. Үғил болалар кийиминиң конструкциялаш	27
5.1. Үғил болаларниң елкаси ёстиқчали устки кийимлари	28
5.2. Үғил болаларниң елкаси ёстиқчали кийимларниң асосини ҳисоблаш ва чизмасиниң чизиш	29
5.3. Енг чизмасиниң үзіншілігі	30
5.4. Осқы ёқа чизмасини ҳосил қилиш	31
5.5. Түрли ўшдагы үғил болалар шимниниң конструкциялаш	32
Текшириши үчүн саволлар	33
6. Ердамчы деталларни чизиш, анда за тайёрлаш, уни күпайтириш ва жойлаш	34
6.1. Андазалар конструкциясын түзиш ва уларни күпайтириш	35
6.2. Андазаларни техник күпайтириш	36
6.3. Андазаларни газлама усуги құйынш ва бічіш	37
Текшириши үчүн саволлар	38
7. Конструкторлық ишлери сифатини иззорат қилиш	39
7.1. Примерка қилиб ва примеркасиз тикиладын кийимларни конструкциялаш хусусиятлари, Примерка қилиш принциптері	40

7.2. Конструктив нуқсонлар, уларнинг сабаблари ва бартараф этиш усуллари	198
Текшириши учун саволлар	206
8. Кийимни моделлаштириш ва бадиий безатиш асослари	207
8.1. Услуб ва мода	207
8.2. Кийим композициясининг асосий принциплари	212
8.3. Кийимда рангларнинг роли ва оптик янгилишув	216
Текшириши учун саволлар	220
Адабиёт	221
37. 24	
P 64	

Рогова А. П.

Эркаклар ва болалар устки кийими конструкиялаш асослари: Ўрта ҳунар-техника билим юртлари учун дарслик.—Т.: Ўқитувчи, 1988.—224 б.

Рогова А. П. Основы конструирования мужской и детской верхней одежды: Учебник для кадров массовых профессий.

ББК 37.24—2

На узбекском языке

Антонина Павловна Рогова

**ОСНОВЫ КОНСТРУИРОВАНИЯ
МУЖСКОЙ И ДЕТСКОЙ ВЕРХНЕЙ
ОДЕЖДЫ**

Учебник для кадров массовых профессий

Перевод с первого издания, М. Легпромбытиздат, 1986.

Ташкент «Ўқитувчи» 1988.

Таржимон Тинчерова З.

Муҳаррир Мирбобоева С.

Бадиий муҳаррир Некқадамбоев Ф.

Техн. муҳаррир Сикиба Т.

Корректор Абдусаматова С.

ИБ № 4412

Теришга берилди 18.09.87. Босишига рухсат этилди 13.05.88. Формати 60×90/16. Тип. ковози № 2. Гарнитура литературная. Қагли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л 14,0. Шартли кр.-отт. 14,0 Нашр. л 14,59. Тиражи 30000, Заказ № 2057/216. Баҳоси 65 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 10-250-87.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасиниг Бош корхонаси. 700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. 1988.

Головное предприятие ТППО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли, 700129. Ташкент, ул. Навои, 30. 1988 г.